УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ
«АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ»
КАФЕДРАСИ

# АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИ „ҚАДИМГИ ДУНЁ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ“

ўқув қўлланмаси

ТОШКЕНТ — 2002 йил

Муаллиф: «Архитектура тарихи ва назарияси» кафедраси катта ўқитувчиси **М. Х. МИРЮСУПОВА**

Ўқув қўлланма икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда қадимги дунё меъморлиги, иккинчи бўлимда эса ўрта асрлар меъморлиги ёритилади. Китобда муаллиф муҳим архитектуравий ҳодисаларни таниқли иншоотларга тааллуқли маълумотларни беради.

Талабаларга етказишга мўлжалланган материал 19 мавзуга бўлинган. Машғулотларни мавзуларнинг ҳажмига қараб ўтказиш режалаштирилган: катта ҳажмдаги мавзу 2—3 машғулот давомида ўтказилиши ва аксинча, кичик ҳажмдаги 2 мавзу 1 машғулот давомида ўтказилиши мумкин.

Қўлланмада ҳар мавзудан кейин саволлар берилган. Улар ёрдамида талабалар ўз билимларини мустаҳкамлашга эгадирлар.

«Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Қадимги дунё ва ўрта асрлар меъморлиги» ўқув қўлланма. ТАҚИ, Тошкент, 2001 йил.

Мазкур қўлланма «Архитектура» таълим йўналиши бўйича «Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Қадимги дунё ва ўрта асрлар меъморлиги» фанидан бакалаврлик малакасини олувчиларга мўлжалланган.

«Архитектура тарихи ва назарияси» кафедраси. Ўқув қўлланма Тошкент Архитектура-қурилиш институти Илмий-услубий кенгашида маъқулланган. Илмий кенгаш қарорига мувофиқ чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги турдош олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этади.

Тақризчилар: проф. **Нозилов Д. А.**,
катта ўқит. **Абдуллаева Н. Д.**

Масъул муҳаррир: доц. **Пулатов Х. Ш.**



**Жамият тараққиётининг асоси, уни мукаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир.**

**И.Каримов**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий мажлиснинг туққизинчи сессиясида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бутун таълим тизимининг ислохоти ҳақида "... ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан узгартириш, уни янги замон талаби даражасига кутариш. баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор",- деган эди Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури инсон омилига жуда катта маъно, буюк маъно беради: мақсад ва вазифалар стратегиясидан тортиб то таълим-тарбия жараёнининг ҳамма қирралари оид аниқ дастурлар мажмуасигача ҳар бири негизида инсон асосий омил ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект сифатида курилади. у бир вақтнинг узида таълимий хизматларнинг ҳам истеъмолчиси; ҳам яратувчиси деб қаралади Жамият ва давлат. ишлаб чиқариш, фан ва узлуксиз таълим баркамол, ижодкор шахснинг шаклланишида кафолат ҳисобланади. Президент И.А.Каримов Миллий дастур тўғрисидаги уз нутқида: "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини. миллат қадриятларини. бир суз билан айтганда. узлигини англаш. эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида узига муносиб. обрули урин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин", - деб таъкидлаганди

Ҳар томонлама етук. рақобатбардош кадрларнинг янги авлоди истиқболга монанд вазифалар қуйиш ва уларни ечишга қодир. юқори савияда фикрлаш маданиятига эга. сиёсий - ижтимоий ва илмий - техникавий ахборотлар дунёсида мустақил уз йулини топа оладиган булиши керак.

"Кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастур тўғрисида" қонуни ҳақида Президент И.А.Каримов Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг туққизинчи сессиясида бу конун "...Мустақиллигимизнинг, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг кафолати ҳисобланади", - деган эди.

Иккинчидан. рақобатбардош кадрларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш профессионал таълимни ҳамма босқич ва табакалари учун. халқаро моделлар ва меъёрлар асосида яратиладиган илмий асосланган. илғор таълим стандартлари комплексига таянади

- таълимнинг миллийлиги – халқ удум-маросимлари, миллий тарихи билан хамоҳанг бирликда булиши; Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаш ва бойитиш, бошқа халқларнинг маданияти ва тарихига

ҳурмат; таълимни миллий тараққиётнинг энг муҳим воситаси деб тан олиниши;

Давлат асосларининг мустахкамланиши хамда Ўзбекистон Республикасининг интелектуал ва илмий-техникавий мустакиллигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётда будаётган узгаришлар мазмуни ва бадийлик савияси сифат жиҳатдан янги укув адабиетлари яратилишини талаб этади. Ўқув жараёнини ахборотлаштиришнинг мухимлиги тугрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг туққизинчи сессиясида: "Биз дарслик яратишга қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кутаришимиз керак".

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг уз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, узлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, узи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватаннинг тарихини билишни истайди.

Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача курку файзини, махобатини йуқотмаган осори антиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дехқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак булганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қулёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид ун минглаб асрлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга булган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин.

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботлаб булмаган ушбу хақиқат давлат сиёсати даражасига кутарилиши зарур. Маънавиятни тиклаши, туғилиб ўсган юртида узини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кутариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким булишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз утмишини яхши билса, бундай одамларни йулдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсоннни хушерликка ургатади, иродасини мустахкамлайди

Инсон учун тарихдан жудо булиш - ҳаётдан жудо булиш демакдир

Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз.

**Тарих — халқ маънавиятининг асосидир.**

**Модомики, уз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб булмас экан, биз хаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришим зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.**

**Хаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.**

**И.Каримов**

## КИРИШ

Жахон меъморчилиги тарихини урганиш унинг тараққиёт қонунларини текшириш, нодир ёдгорликлар билан одамларининиг хис-туйғу, хаётий тажрибаларини урганиш ғоявий-эстетик қарашларининг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз инсонга хаётий тажрибаларни бойитишга, хаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради.

Булғуси меъморлар учун меъморчилик тарихини ўрганиш, билиш жуда мухим омиллардан биридир.

Архитектура тарихи фанини аниқлашда, меъморчилик ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, инсоният тараққиётининг дастлабки даврларидан бошлаб ўрганилади.

Архитектура бу грекча сўз булиб - "бош қурувчи"- бинони қуриш санъати, ҳамда мажмуаларни жамият талабларига нафақат амалий хизмат, балки, бадиий-ғоявий жихатдан уйғунлигини ҳал қилиши керак.

Бино ва иншоотларни қурилишида руҳасат берилган амалий, энг содда мақсадларни бевосита бадиий ижодий уйғунлик билан бирга ҳал қилиниши керак.

Архитектура иншоотлари жамият маданиятининг бир булаги булиши билан бирга, у санъат асари ҳамдир.

Шундай қилиб, архитектура инсоният тараққиётининг бир тури булиб, уни оддий қурилиш иши билан чегаралаб булмайди, лекин уни фақат бадиий ижод тури деб ҳам булмайди.

Ҳар бир даврда архитектура тушунчаси турлича талқин этилган. Рим меъмори Витрувий классик формуласи буйича меъморчилик иншоотининг асосий сифатини қуйидагича белгилаган: ***мустахкамлик, фойда ва чиройлилик.***

Витрувий бу таълимотида шуни талаб қилганки, бинонинг форма ва композицияси инсониятнинг энг керакли талабларига, халқ анъаналарига, ўша жой иқлимига, халқ урф-одатларига, мослаштиришдан иборат.

Феодализмнинг эрта даврларида архитектура тушунчаси бир оз торайди. Унинг вазифаларига асосан қаъла, ибодатхона, қўрғонлар қурилиши билан чегараланади.

Меъморчилик иншоотлари инсониятънинг тафаккури ҳамда қарашларига асосий таъсирини утказади.

Инсон биногa қараб, унинг енгиллиги ёки оғирлигини бежиримлиги ёки кўполлигини паст ва баландлигини, яхлитлигини ва композициясининг аниқлиги, унинг фоўмаларининг булакларини хис эта олади ва ўз таъсирини утказади.

Инсон биногa кириб, уни ички фазовий кенглигини, махобатли равоқлар, баланд гумбаз, юксак бадий ишлов берилган сталактиталар, ўз ўрнида бино характерига мос равишда ишлатилганлигига хайратланади.

Асрлардан асрларга уттан сайин меъморларга нисбатан булган талаб кучаяди.

Архитектуравий йуналишни урганиш купгина даврларданоқ сарой ва мақбарани, халқ турар жойларини урганишдан бошлашади. Сарой ва мақбаралар формаларидан уларнинг оддий асосдан ривожланиши топилади.

Халқ санъатининг кучи унинг узига хос ёрқин характерли топилмаларини тарихий монументал асарларда етказиб беради.

Бизнинг меросимиз деб қадимиий архитектурани куриб чиққанимизда биз унда прогрессив интилишларни курамиз.

Қадимги Мисрнинг пирамида ва Грециянинг мақбараларида "абадийлик" - ғоялари аниқ намоён булиб, қадимги Миср архитектурасидан монументал ғоялари фарқланади.

Миср мақбара пирамидалари фараонлар хокимиятининг абадийлдиги билан бирга, уларнинг қуллорликни бошқариш демократияси мақбара композицияларида ва уларнинг шаклида, антогонистик равишда талқин этилади.

Миллий мустақиллик урушидан кейинги архитектура мазмунли булиб, миллийликнинг янги рухий даври бошланишини курсатади

Юқорида кўрсатилган архитектура иншоотларининг структура ва образлари инсон томонидан табиат қонунларини тан олинганини уларнинг уз иншоотларига ёндоштирганлар.

Шунинг учун архитектуранинг ривожланиш даври, инсон томонидан тинчликни узлаштириш поғонаси, бизга қимматли булган ашёлар архитектоник мухитда яратилиб тугалланади.

Шуни кузда тутиш лозимки, архитектуранинг ҳар бир даври мустаҳкам характерли булишига қарамасдан, уйғониш даври усулларини шаклларда қуллаб, оз булса ҳам, янги вазифаларга, янги мазмун билан жавоб беришади.

Юз йил давомидаги архитектура ривожланишининг шакл ривожланишида. бир неча қонуниятларни ишлаб чиқди.

Архитектура тарихида ҳам мустахкам қонунчилик юзага келди. Қонунчиликнинг куп қисми архитектуравий формаларни ўзгартирди, аммо уларнинг давомийлиги узоққа чузилмаслиги характерли эди.

Аниқланган тарихий давр мобайнида, янги иқтисодий бадиий, янгиликларга қамралган давр, эски даврни чеклантиради.

Бу ердан куринадики, архитектура илмининг вазифаси архитектуранинг хаётий прогрессив қадриятларини узлаштириб, ҳозирги даврга, халққа, мамлакактимизга мосланади.

Тарихии материализм қадимий ёдгорликларимизни тиришқоқлик билан архитектурани урганишга, шунингдек ҳар бир вақтни мутоносиблигини туғри танлаш архитектура тарихи дарслигида турли даврлар ҳажмини туғри узлаштириш лозим.

Антик архитектурани биз ўрганамиз ва бизнинг миллий меросимиз бунда купроқ халқ яратган қисмига эътибор қаратилади.

Архитектура тарихи бир томонлама ривожланиши билан чегараланмаслиги лозим. Функционал қурилиш техник ғоявий бадиий ва бошқалар.

Архитектура тарихи инсон фаолиятининг куп қирралари ривожланиши жамиятнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ холда жамоа ривожланиши формалари архитектурасида ўз самарасини топади.

Архитектура тарихи фаннинг шундай хусуситяти борки, унда уйғониш даври урганилади, турли тарихий даврларни юзага келиши ва ривожланиши архитектуранинг фақат маълум бир томонларини эмас, балки мураккаб, куп қиррали, яъний диалектик бирлигини архитектурада намоён этади.

Архитектуравий жараённинг ривожланиши - эски услубларнинг янгилари билан қамраб олиниши, реал формаларга айлантирилиб утилитар ғоялар илгари сурилади.

Шунинг учун архитектура тарихи архитектуравий ижодиётда прогрессив услубларни ва тарихий шаклларни ўрганадиган фан ҳисобланади.

# БИРИНЧИ БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ДУНЁ АРХИТЕКТУРАСИ

## МАВЗУ 1. ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ АРХИТЕКТУРАСИ.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиёти тарихидаги энг биринчи ва узоқ давом этган босқичларидан ҳисобланади. Бу босқични ҳамма халқ ва элат ўз бошидан кечирадилар Ана шу узоқ вақт давом этган тараққиёт жараёнида ҳозирги замон кишиси типи пайдо булди; одамлар жамоаси вужудга келди.

Ишлаб чиқариш кучларининг заифлиги одамларни коллектив бўлиб яшаш, меҳнат қилишга даъват этди. Улар қудрат бирликда эканлигини халқнинг илк босқичларида сездилар. Бу қудрат уларни табиат сирларини урганишга бошлади Маданият ва санъат равнақига замин яратди.

Ибтидоий жамоа тузуми санъати ва меъморчилиги тарихи одамзод тафаккури хис туйғуларини пайдо булиши ва ривожланишидан бошлаб ер юзида биринчи даврлариниг юзага келишигача булган давр меъморчилигини ўз ичига олади, ургатади ва тахлил қилади ибтидоий жамоа тузумидан бизгача ашёвий далиллар-меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжом ва безак буюмлари, одамлар яшаш манзил қолдиқлари етиб келган шулар ибтидоий жамоа кишисининг эстетик ва диний қарашларини билишга, ибтидоий жамоанинг маданияти хақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Тупроқ остида қолиб кетган маданий ёдгорликлар, одам ва хайвонлар жасадининг қолдиқлари ғор ва ертула деворларига чизилган сурат ва буртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини урганишнинг муҳим манбаи ҳисобланади Архитектура қадим-қадимдан кишиларнинг меҳнати жараёнида юзага келди ва ривожланди.

Одамлар меҳнат жараёнида шакл туйғусини хис этиб, ритм. симметрия тушунчаларини узлаштира бошладилар. Улар меҳнат жараёнида табиат кучларини узларига буйсиндира бошладилар. Ишлатилаётган буюмларнинг шакли бажарилаеттан меҳнатларини осонлаштирилиши ёки камайтириш мумкинлигини тушундилар. Қулай меҳнат қуролларини яратиш уларда ўз қуролларига нисбатан меҳр туйғуларини уйғота борди. Улар ўз қуролларига безак бериш орқали ўз меҳрларини изхор этишга ҳаракат қила бошладилар.

Оламларда қулайлилик фойдалилик тушунчаларининг юзага келиши воқеликдаги, хаётдаги гўзаллик ва хурликларни ҳис этиш имконияти ривожлана бошлади. Жаҳон маданияти тараққиет оламига қадам қуйди. Санъат. меъморчилигининг юзига келиши инсоннинг объектив вакиллиги туғрисидаги билимларнинг чуқурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан бахраманд булишига олиб келди. Бу уни табиат кучларига қарши



курашишга даъват этди, унинг ақлий камолоти эстетик, қарашлари ривожини жадаллаштирди. Бу даврда одамлар катта-катта тошларнинг панасида ғор ва ертулаларда тўда-тўда булиб яшаганлар.

Бу ғор ва ертулалар ибтидоий жамоа кишисининг "уйи" ҳисобланган Шу уйларнинг девор ва шипларига суратлар чизганлар, буртма тасвирлар ишлашга харакат қилганлар. Ана шу одамлар яшаган манзиллардан топилган меҳнат, ов қуроллари. турли ҳайкал ва рамзий мазмунга эга бўлган шакллар ибтидоий жамоа кишиларининг эстетик ва фалсафий қарашларини тушунишга ёрдам беради. Дастлабки расмлар преметив ва асосан. хайвонлар куринишини тасвирлайди. Бу даврда ҳайвонлар тасвири аниқ реал. пропорциялари туғри олинган. Рассом ранглар ёрдамида нур-соя имкониятларидан ҳам фойдалана бошлагани сезилиб туради. Ўқ, камон, кабиларнинг ихтиро қилиниши ибтидоий жамоа кишисининг ҳаёти янада яхшиланишини таъминлади.

Одамлар ёғоч ўйишга асосланиб, ўзларига керакли буюмлар ярата бошладилар Диний тушунчалар кенг ёйилди. "Нариги дунё" тушунчаси пайдо бўлди, кумиш маросими билан боғлиқ бўлган турли урф-одатлар юзага кела бошлади. Булар кишиларда мураккаб тасаввур ва фикрларининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Одамлар тасаввўрининг кенгайиши абстракт тушунчаларининг юзага келиши санъатнинг шакл ва мазмун характерида ҳам сезила бошлади. Жанг воқеалари, овчиликни акс эттирувчи мураккаб композициялар яратилди. Ишлаб чиқариш жараёни кучая борди, шу билан бирга, кишларнинг маънавий олами, дунё қараши ҳам мураккаблаша борди. Тошни қайта ишлаш, уни пардозлаш, шу асосда жуда нозик буюмлар яратишга купроқ эътибор берила бошланди.

Ижтимоий хаётда ишлаб чиқариш кучларининг ошиши, сўзсиз одамлар орасидаги муносабатларнинг тараққий этишига ёрдам берди.қабилалар орасидаги муносабатни кучайтирди, динда жамоани оқсоқоллар бошқара бошлади. Одамларнинг ўтроқ холга утишлари, табиат қонун-қоидаларини кузатиш симметрия, ритм, шакл туйғуларини узгартирди. Бир хил элементларнинг текис қайтарилиши ёки оралаб келиши асосида вужудга келадиган узига хос нақш санъатини майдонга келтирди.

Қабилани ягона бошлиққа бўйсиниши эса меҳнатни ташкил этишни яхшилади Қушимча меҳнат махсулотларининг тупланишини таъминлади. Қулдорлик тузуми бешланди, синфий давлат юзага келди. Ижтимоий хаётдаги бу ривожланиш тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликнинг ривожланишида мухим аҳамият касб этди. Қабила бошлиғи, оқсоқолларга

эътиқод билан қараш. уларнинг вафотидан кейин жасадини яхши сақлашга харакат қилиш билан боғлиқ бўлган одат — қабрини бошқа қабрдан ажратиб ишлашга интилиш, мухташам ер усти тупроқ қурғон. мақбара юзага келишига олиб келди. Қабр ички қисмини ҳам алохида эътиқод билан безади.

Ижтимоий ҳаётда содир бўлган узгариш натижасида юзага келган мегалитик қурилмаларда яққол сезилди. Одамларнинг диний тушунчалари ота-бобо рухи билан боғлиқ холда юзага келган. Бу қурилма катта тошдан купчилик кучи билан барпо этилган. Бу қурилмалар уч типда-менгер. дольмен, кромлех катта тошлардан барпо бўлган

**МЕНГЕРЛАР**. Ўз характери жихатидан тик урнатилган катта тош бўлиб, уни баланддлиги 20 м гача етган. Баъзи менгерлар балик, одам шаклида, куп холларда менгер юзаси буртма тасвир билан қопланган. Бундай ёдгорликлар Арманистон, Қозоғистон, Сибирда куплаб учрайди.

**ДОЛЬМЕНЛАР**. Тик ўрнатилган икки ёки турт тош устундан ташкил топган булиб, устки қисми ҳам шундай яхлит тош билан беркитилган. Тош устун юзаси пардозланган, баъзиларида рамзий белги чизилган. Бу ёдгорлик кабр тош вазифасини бажарган булиши мумкин Қисман турар жой вазифасини ҳам ўтаган; Дольмен ўз туриши ва қурилиши, принципи жихатидан дастлабки монументал меъморчилик намунаси ҳисобланади.

**“МЕГАЛИТИК”** – (грекча **“мег”** катта, **“лит”** – тош сузидан олинган).

**КРОМЛЕХ** айлана буйлаб тик урнатилган тошдан қурилган булиб. у тош тўсин билан бирлаштирилган Англиядаги Стоунхендж яқинидаги кромлех, шу типдаги қурилманинг классик намунасидир Дольмен ва Кремлех ёдгорликлари ғарбий Европа, шимолий Африка. Кавказ. Сибирь ва Қозоғистонда куплаб учраиди Бу ёдгорликлардан яна бири, куриниши кабр устига ишланган тупроқ қурғон булиб, бу қурғон диаметри 12 метрга етган, атрофи эса тош плита билан айлантириб чиқилган. Триполидаги (Киев яқинидаги кишлоқ номи) топилган девор қолдиғи, бу ердаги уй купроқ дарё ёқасига яқин ерда қурилганлиги хақида маълумот беради Бу уй лой ва ёғочдан ишланган булиб, девори эса рангли нақш билан безатилган.






**Расм 1. Ибтидоий жамоа тузими даврининг Мегалитик иншоотлар**

**а) менгерлар; б) дольменлар; в) кромлерлар**

Қора денгиз ва Азов денгизи сохиллари. Кавказ этаклари. Каспий ёкалари, жанубий Сибирда бир бирига яқин булган, бир қанча қабилалар яшаган булиб, уни ичида Скиф қабилалари етакчилик ролини уйнаган. Шуни учун бу ер санъатини куп холда Скиф санъати ва даври деб юритилади Скиф мустахкам қурғон, ўз бошлиғини вафотидан кейин унга атаб, катта тупроқ қурғон-қабри курган. Бино деворларини нақш ва деворий суръатлар билан безаганлар. Бугунги кунда жахоннинг машҳур музейи Эрмитажда сақланаётган 40 мингдан ортиқ скиф маданияти ёдгорликлари ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичи-темир асрини таърифлашга қўл келадиган бебаҳо манбадир.

Ибтидоий жамоа тузуми инсоният тараққиётининг узоқ давом этган босқичидир. Шу давр ичида инсон таффакури камол топди, хис туйғуси ривожланди: Инсон дастлаб табиат яратган инъомлар исътемолидан ўзи махсулот яратишга ута борди. У меҳнат жараёнида меъморчиликни яратди. Меъморчилик. санъат воқеликларни образли беришга ёрдам бериш билан бирга, ўз кучига ишонч хосил қилиш теварак-атроф қоидаларини ўзлаштириб, уни гузаллик қонунлари асосида қайта куришга имкон беради.

Шундай жамоа даври санъати қадимги шарқ, антик дунё ва урта аср Европа санъати ҳамда илк синфий жамият санъатининг асосини ташкил этди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар***
Ритм, симметрия, ғор, ертўла, менгерлар, кромлехлар, долменлар

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Архитектура нима ? Унинг уч ажралмас жиҳатлари нималардан иборат?
2. Нима сабабдан ибтидоий жамоа қурилиш фаолиятини архитектура деб бўлмайди?
3. Архитектура ривожида турар уйларнинг аҳамияти қандай булган?
4. Диний тушунчаларнинг архитектурага қандай даражада таъсир этган?
5. Мегалитик қурилмаларинг нечта турларини биласиз?

## МАВЗУ 2. ҚАДИМГИ МИСР АРХИТЕКТУРАСИ.

Миср давлати ўзининг қадим маданияти, бой тарихи билан бошқа ривожланган давлатлар орасида етакчи уринлардан бирини эгаллайди.




Расм 2. Мисрнинг қадимги харитаси



Мисрни куп асрлик тарихи ва маданияти тошларда, саркофагларда, рассомларнинг асарларида, уста-хунармандларнинг ижодларида, меъморчилик иншоотларида мухрланиб қолган.

Эрамиздан 3000 йил бурун ривожлана бошлаган бу маданият римлик истилочилар мисрни эгаллаб олгунга қадар, яъни эрамизнинг 30 йилларигача булган даврни уз ичига олади. Миср маданиятининг шаклланишида Нил дарёси салмоқли уринни эгаллайди.

Бу улкан дарё Нубийлар-ҳозирги Судан давлати чегарасидан оқиб чиқиб, шимолда Урта денгизга бориб қушилиш учун 6000 км дан зиёд масофани чул-саҳро орқали босиб утади.

У уз йулида «Оқ Нил» ва «Кук Нил» деб аталувчи қушимча дарёларга бўлинади. Оқ Нил «Виктория» ва «Альберт» деган денгизлар сувидан хосил бўлган кўллардан сув олади. Кук Нил эса Абисин тоғидан оқиб тушади. Бу тог бир марта Хинд океани томонидан келадиган ёмғирли булутларни тусиб қолади.

Бунинг натижасида кучли ёмғир ёғиб, яъни оқимлар вужудга келади. Бу вақтда дарё суви 15 метрдан зиёд кутарилиб, 1971 йилгача, яъни Ассуан сув омбори қурилгунгача хар йили сув тошқини хосил қилган. Уч ой мобайнида дарё атрофидаги ерлар кулга айланган ва нихоят, орқага чекинган сув ўзининг хосилдор лойқасини Нил атрофидаги ерларга ҳадя этган. Хақиқатан, ҳам бу жойлар дунёдаги энг унумдор ерлардан бири булиб, ундан йилига уч мартагача хосил олинган. Шунинг учун ҳам Нил дарёсининг қирғоқ ерлари одамларни ўзига жалб этган.

Келиб чиқиши ҳозиргача ноъмалум бўлган кишиларнинг Нил дарёси қирғоқларида ўрнашишлари, фикримизча, тош даврига тўғри келади

Одамлар бу ерларга Қизил денгиз томондан, Ҳамамат водийси орқали келишган. Ёмғирсиз Миср сахросида вохадан вохага кучиб юрувчи кучманчи-овчилар ҳам ягона хаёт манбаи бўлган, шу ердан макон топганлар Айтиш мумкинки, дастлабки жиддий равишда урнашиш эрамиздан аввалги 6000 йил билан 5000 йиллар оралиғида булган.

Бу даврда хали металл ишлатишни билмаган одамлар ҳаёт учун муҳим бўлган қурол-аслахаларни, асосан, ёғоч ва тошлардан ясаганлар Одамларнинг кулбалари эса хом ғиштдан қурилган Бу қурилиш ашёси шу ернинг қуруқ иқлим шароитига мос булганлиги учун Миср маданиятининг бутун даврида асосий ҳисобланган.

Маълумки, қадимги халқ маданияти хақидаги қимматли маълумотларни мақбаралардан билиш мумкин.

Мақбаралардан топилган бош суяклардан куринадики турли қабилалардаги одамларнинг ҳаммаси озғин ва паст бўйли, лекин битта ирққа мансуб бўлмаган.

Жазирама саҳронинг қайноқ қуми, инсон бадани билан бирга унинг сочлари ва терисини ҳам сақлаган.

Мисрликлар мурдани кийим-кечаклари билан бирга кумишни расм қилган эдилар. Ҳар хил жойлардан топилган бир қатор мақбаралар уларнинг оддий тўзилганлигидан далолат беради.

Бу мақбарани синчиклаб текширган археологларнинг айтишларига қараганда, ўша даврда Нил сохилларида, Бадарян, Амратан, Тазиан ва шунга ухшаш ҳар хил қабилалар мавжуд бўлган. Ҳар бир қабила уз ерини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилган.

Ўзаро урушлар Нил водийси аҳолисини уруғдош гурухларга булиб юборган. Ҳар гурухнинг ўз бошлиғи бўлган. Кейинчалик бу гурухларнинг бирлашиши натижасида вилоятлар «ном»лар вужудга келган.

Эрамиздан аввалги 3200 йилга келиб, Мисрда иккита подшолик вжудга келди.

Жанубда, Нуйбийлар чегарасидан ҳозирги Кохира яқинидаги дельтагача бўлган ерлар «юқори Миср» ни ташкил этди ва у Хиера Конполис шахрини пойтахт қилиб олди.

Қуйи Миср Шимолда, яъни пастроқда, унча катта булмаган лекин серхосил урда жойлашган бўлиб, пойтахтни Бутода ташкил этди.

Бу даврда Жанубий Миср подшоси Нармер ўзининг кучли қушинлари билан Шимолни босиб олди ва Мисрда иккита подшоликни бирлаштириб, ягона давлатга асос солди Пойтахтни эса дельта яқинидаги стратегик жихатдан жуда ҳам қулай бўлган Мемфис шахрига кучирди.

Демак, Нармерни архаика даври биринчи сулоласининг дастлабки фиръавни дейиш мумкин.

Тарихчилар қадимги Миср маданияти ва меъморчилик санъати тарихи хақида фикр юритганларида даврларнинг хилма-хиллигини сулолалар орқали кўрсатишни мақсадга мувофик деб билганлар Хатто Миср пайғамбари Манетхо эрамиздан аввалги 300 йил бурун биринчи булиб ана шу усулни қуллашни талаб этган.

Умуман, сулола оралиғидаги вақт бўлиб, шу вақт ичида оиланинг подшолик қилган даври акс эттирилди. Масалан, Францияда Бурбонлар, Англияда Тюдорлар, Ўрта Осиёда Темурийлар, Руссияда Романовлар сулолалари мавжуд булган.

Одатда сулолалар жуда кўп вақтни ўз ичига олади Буни яхшироқ тушуниш учун қуйида биз бошланиш вақти эрамиздан аввалги 3200 йил эканлигини унутмаган холда, қадимги Мисрдаги даврлар ва сулолалар сонини маълум бир тартибда баён этамиз.

I . Архаика даври.
1-ва 2-сулолалар 3200-2700 йиллар (эрамиздан аввал).
II. Қадимги подшолик даври.
3-сулоладан то 10-сулолагача 2700-2100-йиллар(эрамиздан аввал).
III. Ўрта подшолик даври.
11-сулоладан 13-сулолагача 2100-1700 йиллар (эрамиздан аввал).



IV. Гиксослар хукумдорлиги даври.
14-сулоладан 17-сулолагача 1700-1555 йиллар (эрамиздан аввал).
V. Янги подшолик даври.
18-сулоладан 24 сулолагача 1555-712 йиллар(эрамиздан аввал).
VI. Мисрликларнинг сўнгги даври.
25 ва 26 сулолалар 712-525 йиллар (эрамиздан аввал).
VII. Эронликлар хукмронлиги даври.
27-сулоладан 30 сулолагача 525-332 йиллар (эрамиздан аввал).
VIII. Юнон-Рим даври.
332 (эрамиздан аввал) 638 йиллар.

Юнон ва рим хукмронлиги даври Македониялик Александр, Рим ва Византия юришларини ўз ичига олади.

Эрамизнинг 638 йилидан бошлаб Миср тарихида мутлоқ янги даврмусулмонлар даври бошланди. Лекин биз қадимги Миср маданияти хақида сўзлар эканмиз, биз унинг асосан буюк давлат даражасига кутарилган давридаги меъморчилиги ва санъати хақида купроқ фикр юритамиз

## ҚАДИМГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ.

Қадимги Мисрда қулдорлик давлатини бошқарган шохларни фиръавнлар деб атаганлар.

Фиръавн булиш учун тахтга даъвоғар узидан олдинги фиръавннинг бева қолган хотинига ёки унинг қизларидан бирига уйланиши шарт булган. Чунки қадимги Мисрда шохлик конининг тозалигини сақлаш қонуни мавжуд эди. Шу боисдан, ака ва сингил ўртасидаги никоҳ мақсадга мувофиқ деб топилган.

Фиръавн давлат хукмдори сифатида буюк худо «Қуёш Ра»нинг ердаги фарзанди ва ер ости дунёсининг худоси Осириснинг меросхури деб ҳисобланган. Шунга кура, у диний давлатнинг дунёси улкан ибодатхоналар қурдирган ва курбонликлар келтирган. Жангларда шахсан бошчилик қилган. Фиръавнлар орасида баъзилари чиндан ҳам мохир жангчи булган. Лекин архаика ва қадимги подшолик даврларида улар ҳеч қачон қушни мамлакатларга юришлар уюштирмаганлар.

Мамлакат Нармер даврида ягона давлатга айлантирилган вақтданоқ Мисрликлар металдан фойдаланиш йулларини билиб олганлар. Аввалига мисдан, кейин эса бронзадан ҳар хил асбоблар, курол, яроғлар ишлаганлар. Аммо бу кашфиётларга қарамасдан, тошни ишлаш ва дуродгорчилик санъати муҳим урин тутган. Чунки бу хунарни мисрликлар мукаммал даражада билганлар. Масалан, шоҳлар қабрларидан топилган тошдан ишланган ажойиб кўзалар ва гулдонлар эрамиздан аввалги 2800 йилларга, яъни биринчи сулола даврига тўғри келади. Нил атрофида жойлашган дастлабки кўчманчиларни ўзига жалб этган бу дарё инсон учун энг зарур булган

ҳаётий бир манба эди.

Нил дарёси фақат ҳаёт ва маданият манбаи эмас, балки ташқи дунё билан алоқа қилиш йули ҳам бўлган. Унда турли хилдаги кемалар, айниқса, савдо кемалари доимо кўп бўлган. Кемалардан баъзилари хатто Ўрта денгизга чиқишга ҳам журъат этганлар.

Мисрда ёзув мажбурий равишда архивларни сақлаш, айниқса халқдан солиқ солиш жараёнида вужудга келди. Қизиғи шундаки, мисрликлар ундош товушларнигина ишлатганлар. Мисрликлар Нил қирғоқларида усадиган «папирус» ўсимлигидан ёзув қоғозни кашф қилганлар.

Қадимги Мисрда маъмурият Нил ёқалаб жойлашган «ном»лар асосида вужудга келди. Махаллий ҳукмдор доирасида булган маъмурият «номарк» деб юритилган. Ҳар бир номарк узининг хусусий адлиясига ва худди ҳозирги замон ҳизматчилари каби узининг мирзаларига эга.

1-ва 2-сулолалар фиръавнлари «мастаба» деб аталувчи қабрларга дафн этилганлар. Кўпинча атрофи тошлар билан тусилган мастабалар хом ғиштлардан туғри бурчак шаклида тикланган булиб, жуда кўп хоналардан ташкил топган.



Расм 3. Мастабанинг умумий кўриниши

Вафот этган фиръавннинг барча буюмлари шу хоналардан бирида сақланган. Чунки унинг тириклик чоғидаги идиш-товоқлари, кийим-кечаклари, ёғоч сандиқлари, мебеллари ва шунга ўхшаш нарсалари у



дунёдаги ҳаёти учун зарур бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Мисрликлар афсонавий худолар ичида энг асосийси ҳисобланган Осириснинг боши Абидосга кумилган деб уйлаганлар. Демак, Абидос муқаддас жой ҳисобланган.

Қадимги Мирсликларда бир-бирига аралашган, қайсики, махаллий худоларни хурматлаш, Осирис ва Исидаларга сажда қилиш, қуёш худоси Амон Рэга топиниш каби диний қарашлар мавжуд бўлган. Улар мамлакатда ҳокимият ва жамият ҳаётини белгилаган.

Деҳқончиликнинг ривожланишида Нилда бўладиган ва даврийликка асосланган баҳорги ва кузги сув тошқинларини, кетидан келадиган қурғоқчилик ва уларнинг яна такрорланиши мисрликларда табиатнинг ривожланиши, ўлиши ва яна ривожланиши тушунчасини шакллантирган. Бу эса инсон ҳаёти, худо Осириснинг ўлиши ва яна тирилиши хақидаги диний ишончнинг пайдо булишига олиб келган.

Ҳақиқатан ҳам қадимги мисрликлар инсон ҳаётини ва табиатдаги такрорий ўзгаришларни худолар бошқаради деб ишонганлар. Аммо негадир худоларни ҳайвон бошли одам қиёфасида тасаввур этганлар.

Ибис (лайлаксимон қуш) бошли ақлу-идрок ва ёзув худоси Тахт, чиябури бошли мўмиёлаш худоси Анубис ва бошқа бир қанча худолар мавжуд. Уларнинг барчаси меъморчилик ёдгорликлари, ибодатхона ва мақбараларда ўз аксини топган. Мўмёлашдан асосий мақсад танани у дунёдаги ҳаёт учун сақлашдир. Агар тана ҳалок бўлса, унинг рухи «Ка» ҳам нобуд бўлади. Мумёланган танани олтин пластинка билан қопланган ёғоч тобутга солганлар.



Расм 4. Амон коҳинасининг мўмиёси ёғоч тобутда



Расм 5. Туранхамон тобути устидаги олтиндан ишланган бошининг ниқоби

14.

**Машҳур Тутанҳамон мақбараси буйича фикр юритадиган булсак (бизга маълум бўлган фиръавнларнинг дафнлари ичида уғирланмай топилган ягона мақбарадир), ундаги тобут жуда чукур (учтаси устма-уст қўйилган) ва тоза олтиндан ишланган.**



Расм 6. Туганхамон қабридан топилган муқаддас қайиқ

**Бундай мумиёлаш одати подшолик учунгина бўлиб, айниқса у янги подшолик даврида Нубий мамлакатидан куплаб олтин олиб келиш вақтида авж олган.**



Расм 7. Саккарх. Жозеф эхромининг умумий кўриниши



Расм 8. Жозеф эхромининг плани



Миср эҳромлари. 3-сулоланинг биринчи фиръавни Жосер булган. Жосер эҳроми (пирамидаси) нинг қурилиши катта тошлардан укан бинолар ихтиро қилган ва ёзув санъатида юксак ютуқларга эришган меъмор Имхотеп номи билан боғлиқ.

Жосер қабри Қохирадан тахминан 6 км. нарида жойлашган. Тошдан ишланган бу улкан мақбара дунёдаги энг қадимги едгорликлир. Унинг қурилиш вақти эрамиздан аввалги 2780 йилга тугри келади.

Бу иншоот бир қатор зинапоялардан ташкил топган эҳром булиб, устма-уст қўйилган ва юқорига кутарилган сари кичрайиб борувчи бир қанча мастабалар йиғиндисидан иборат. Пирамиданинг асоси квадрат булиб, у қоянинг 25 м ичкарисига жойлашган. Яна пастроқда эса фиръавннинг дафн қилиш хонаси булган. Пирамида ва унинг атрофи охак тошлардан терилган баланд девор билан ураб олинган.

Ана шу деворнинг айрим қисмлари ҳозиргача сақланган еки улар қайта тикланган. Ички деворнинг қарама-қарши томондан қатор ёдгорликлар қад кутарган. Эҳтимол, улар бир хил худоларга бағишланган ибодатхоналар булса керак. Имхотепнинг қиёфаси бинонинг ичкарисида ҳайкал куринишида пайдо булади. Бу билан мисрликлар вазирнинг обруси ва қудрати нақадар юксак эканлигини курсатганлар. 3-сулола унинг охирги фиръавни Снофрунинг вафоти билан тамом булган. У тириклик вақтида узи учун томонлари текис булган иккита улкан пирамида қурдирган. 4-сулола келиб пирамидалар қуриш катта даври бошланган.

Мисрда 70 дан ортиқ пирамида бор. Улар Саққарах ва Дашурдан то гарбдаги Хауварагача чузилган. Ҳар бир пирамида фақат фиръавннинг қабридан иборат булган.



Расм 9. Хеопс пирамидасининг қирқими
1-Кириш, 2-Асосий йул, 3-Фиръавн қабри, 4-Малика қабри, 5-Сохта қабр

Жосер подшолик қилган даврдан сунг маликалар ҳам узларининг шахсий пирамидаларига эга була бошлаганлар. Асосий пирамидаларнинг атрофида эса олижаноб ва юқори мансабли кишилар учун мастабалар жойлашган.



Расм 10. Фиръавн Хефреннинг ҳайкали

Мисрдаги машҳур пирамида 4-сулоланинг биринчи фиръавни Хуфу томонидан қурилган. Уни юнонликлар Хеопс деб атаганлар.



Расм 11. Гизадаги пирамидалар ансамбли. Бош плани

Бу пирамида Қоҳира яқинида Нилнинг ғарб томонидаги тошлоқ ерда қад кутариб туради. Ундан унча узоқ булмаған масофада Хеопс меросхурлари Хафр ва Микериносларнинг пирамидалари жойлашган.

Ана шу учала пирамида биргаликда таъсирчан архитектура уйғунлигини вужудга келтиради.

Хеопснинг улкан пирамидаси ягона сақланган пирамида булиб, юнонликлар уни Етти иқлим мўъжизаси деб атаганлар. Дарҳақиқат, у яхлит ва етарли даражада мустаҳкам иншоот булиб, 2. 300 000 та охактош блоклардан ишланган.



Расм 12. Гизадаги пирамида

Жумладан ҳар бир блок ўрта ҳисобда 2,5 тонна огирликда булган Пирамиданинг ичида бир нечта бир-бири билан чалкаш йўллар бор булиб, улардан бири шохнинг жасади қуйилган хонага олиб боради лекин бу ердаги жасад ўша Жосернинг гурхонасидан фарқ қилгани ҳолда, пирамиданинг ўртасида жойлашган. Хона гранит блоклар билан қопланган. Ҳар бири тахминан 60 тонна келадиган блоклар 900 км масофадан Ассуандан келтирилган. Саркофаг ҳамда тош тобутнинг сиртқи томони мустаҳкам гранитдан ишланган.

Эрамиздан 4500 йил аввал қад кутарган бу бино бизни ҳануз таажублантиради, чунки мисрликлар бу даврда ғилдирак билан ҳали таниш эмас эдилар. Қурилишда улар ихтиёрида фақат цлиндрсимон жисмлардан дастаг

бор эди холос Пирамида улчовларининг жуда катта булишига қарамасдан асоснинг ҳар бир томони 137 м, баландлиги 147 м, унинг иуналиши абсолют аниқлик билан бажарилган.



Расм 13. Пирамида қурилишини курсатувчи макет



Расм 14. Гизадаги улкан сфинкс



Бугунги кунда Хеопс пирамидасининг ташқи қиёфаси зинапояли шогини эслатсада, аслида чиройли оппоқ тошлардан қопланган булиб, яхлит ва силлиқ юзадан иборат булган.

## ЎРТА ПОДШОЛИК ДАВРИ.

Эрамиздан аввалги 2400 йилнинг бошларига келиб, Урта подшолик даврида Миср давлати инқирозга юз тутади. Қадимги фиръавнлар ташаббуси билан олиб борилган улкан қурилишлар, мамлакатни моддий бойликлари манбаини холдан тойдирган. Махаллий зодогонлар борган сари обрўга эга була бошлаганлар. Номаркларнинг ҳокимияти кучая бошлаган.

Улар узларини пойтахт амалдорларига, хатто фиръавннинг узига ҳам қарама-қарши қуя бошлаганлар. Оқибатда бу мамлакат бир қанча ярим мустақил вилоятларга бўлиб юборилган. 6 сулоланинг охирги ва кучли фиръавни Пени II булган. Ундан кейин мамлакатни 7-сулола бошқарган. Бу вақт ичида фуқоролар ва узбошимчалик авж олган эди. Қадимги юнон тарихчиси Манефоннинг айтишича, 70 кун ичида 70 та шох алмашган. 8-сулола узоққа чузилмаган. 9-ва 10-сулолалар фиръавнлари мамлакатни яна бирлаштиришга куп уриндилар лекин, натижа бўлмади. Шунинг учун ҳам тарихчилар 7-дан 10-сулолагача бўлган вақтни биринчи оралиқ давр деб атаганлар.

11-сулола юзага келиши билан урта подшолик даври бошланган. Бу давр эрамиздан аввалги 1700 йилгача давом этган. Ўз навбатида мисрликлар ҳам қушни давлатларга юриш қила бошладилар. Биринчи бўлиб, Сурия мамлакати забт этилди. Экспансия жанубга Нубийлар худудига қараб авж олди. У ердан эса олтин, фил суяги ва қуллар куплаб келтирилди. Қимматбаҳо тош ва олтинлар кумиш маросимларини безаш учун ишлатилди.

Монументал меъморчиликда эса пирамидалар қурилиши Ўрта подшолик даврида ҳам давом эттирилди. Аммо шакл жиҳатидан улар бир-бирига ўхшасаларда, масштаби жихатдан қадимги подшолик пирамидаларидан анча кичик ва кам дабдабали булган. Пирамиданинг баландлиги 65 метрдан ошмаган. Уларнинг улчамлари хаддан ташқари кичик булсада ички бўшлиқлари анча кенг булиб, одатда гурхона ва зиёротхона каби қаватларга бўлинган.

Урта подшолик даврида катта пирамидалар қурилишига зарурият ҳам йуқ эди, чунки Мисрда ҳудди шу вақтда ягона марказий ҳокимият бўлмаган. Яна катта ҳажмдаги иншоотлар қуриш ғояси янги бирлашган Мисрнинг маркази Фивада, Ментухотиб III ва Ментухотиб IV ларнинг мақбарасида жойланган.



Расм 15. Фива Ментухотиблар мақбараси



Расм 16. Ментухотиблар мақбарасининг ташқи кўриниши ва плани

Бу ерда эҳром пешайвонларнинг мураккаб системаси билан уйғунлаштирилган, яъний у пешайвонлар устига қуйилган. Ўзининг дорий ордерига ўхшаш устунлари билан машҳур бўлган Бени-Хасандаги мақбаралар жуда характерлидир.



Расм 17. Бени Хасандаги ғорлар «Протодорик» устунли мақбара



Расм 18. Мақбаранинг ташқи кўриниши ва плани

Дарҳақиқат, «протодорлик» устуни Миср меъморчилигида тектоник шакл булиб, уни яратувчилари бу жиҳатдан қадимги юнон меъморчилигига яқинлашганлар. Аммо, қадимги Юнонистонлагидек классик ордер Мисрда яратилмади.





Расм 19. Қадимги Мисрдаги классик устунли қурилмалар

Умуман олганда, Ўрта подшолик даврида Миср меъморлиги бир неча шакллар кашф этгани билан у қадимги подшолик даврига нисбатан юқори босқичга кўтара олмади. Бироқ, бундан кейин келадиган янги подшолик даври учун янги пойдевор яратилди дейиш мумкин.

Ўрта подшолик эрамиздан аввалги 1700 йилга келиб тамом бўлди. Бу Миср ҳудуди Осиёлик гиксослар томонидан босиб олинган вақтда юз берди. Гиксосларнинг хукмронлиги узоққа чўзилмади. Уларнинг салтанати 15-16 ва 17-сулолалар даврини ўз ичига олди. 17-сулоладан бошлаб фиръавнлар раҳбарлиги остида душманга қарши матонатли кураши бошланди. Эрамиздан аввалги XVI асрнинг биринчи ярмига келиб Миср фиръавни 18-сулола асосчиси Ахмос гиксосларни Миср ҳудудидан буткул қувиб чиқарган ва янги подшолик даври бошланишига асос солди, бу эса мисрда буюк империя даври деб баҳоланади.

## ЯНГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

Гиксосларга қарши биринчи бўлиб кураш бошлаган ва янги подшоликнинг буюк бошқарувчилари сулоласига асос солган Фивалик хокимлар ўз пойтахтларини Фивада ташкил этдилар.



Расм 20. Фивадаги эҳромнинг плани

500 йил мобайнида бу шаҳар дунёнинг энг улуғ ва муқаддас марказига айланганди. Фиванинг худоси Амон энди муҳим роль ўйнай бошлади. Унга алоҳида эътибор берилди. У қуёш худоси Ра га сингдирилди. Тез орада улкан қурилишлар бошланди. 18-сулола фиръавнларнинг дабдабали саройлари, оқсуякларнинг серҳашам виллалари миср худоларининг касрлари қад кўтарди. Фиръавн ўз қабрини подшолик тахтига ўтирган кундан бошлаган. У бунга йиллар, баъзан, эса бутун умрини бағишлаган. Қиролича Хатшепсут, 18-ва 19-сулолалар янги подшолик даврида Мисрни буюк харбий давлатга айлантирган салобатли, жанговор фиръавнлари билан машхурдир.



Расм 21 Малика Хатшепсут тиклаган меъморий ёдгорлик-устун

Улар ўз ғалабаларини узоқ Осиёгача кенгайтирдилар Сурия шаҳарларини босиб олдилар ва катта солиқлар талаб этдилар. Дастлабки жангчи: Ахмос, Аменофис I, Тутмос I лар подшолик гаштини сурдилар. Сўнгги охирги фиръавн Тутмос I нинг ўғли Тутмос II касаллиги туфайли ёш вафот этди, унинг меросхўри Тутмос III давлатни бошқаришга хали гўдаклик қиларди.

Шунинг учун ҳокимият аёл қўлига - қиролича Хатшепсутга ўтди. Бу аёл кучли истеъдод эгаси бўлган. У мамлакатни осойишта мохирлик билан бошқарган.

Дайр-Эль-Бахрадаги ажойиб қасрнинг муаллифи ҳам Сенмутдир. Ментухотеб ёдгорлиги оддий Дайр-Эль-Бахрининг шимолий қисмида. ... билан ёнма-ён қурилган бўлиб, унда кўп шакллар такрорланган. Хатшепсут ... обидаси Миср меъморчилигининг муҳим босқичларидан биридир. Бу ... меъморчилигининг Ўрта подшолик иншоотларидан асосий фарқи лойиҳалаш ва безатиш жиҳатдан икки давр обидаларини ўзаро солиштирганда ёрқин намоён бўлади. Метухотеб ибодатхонаси каби Хетпепсут ибодатхонаси ҳам уч террасага жойлашган.

Аменофис III нинг 36 йиллик хукмронлиги даврида санъат кучсизланади ва бирмунча нозиклашади.





Расм 22 Шоҳлар водийси. Фива. Аменофис III нинг улкан ҳайкаллари

Сарой меъморлигини ўрганишда Амарна алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ерда фиръавнга ва унинг оила аъзоларига тегишли бўлган учта сарой сақланган. Асосий сарой Нил қирғоғи бўйлаб қурилган. Фасаднинг узунлиги 700 метрга тенг. Кенг кўча саройни иккига-шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиб туради. Тел-Эль-Амарна шаҳри ҳаммаси бўлиб, чорак асрдан камроқ яшади. Миср империяси Ахнатон хукмронлиги остида емирила бошлади.



Расм 23. Тель-Эл-Амарна (Ахетатон) Атон худосини ифодаловчи рельеф



Расм 24. Тель-Эл-Амарна (Ахетатон) Шарқий сарой плани ва шаҳарнинг кўриниши

## СЎНГГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ.

20-сулолага келиб, Миср тарихида тушкунлик даври бошланди. Аммо 19-сулола фиръавнлари, унинг асосчиси Хороемхеб ҳаммасидан энг ... Сатхи I ва унинг уғли Рамзес II лар Миср хукумронлигини қисман булсада сақлаб турдилар. Охиргиси хеттетларга қарши ишончсиз уруш қилди. Ў ғалабаларига аталган ёдгорликларни куплаб қурдирди. Хороемхеб бошлаган ва сатхи I давом эттирган Карнакдаги ибодатхоналарни Рамзес II кенгайтириб, у ерда узига бағишлаб улкан барельеф яратди. У уз қасрини ... вий ерда, Нилнинг Карнакка қарама-қарши қирғоғида қурдирган

Гарчи бу ишларнинг ҳаммаси Рамзес II нинг жонига теккан булса ҳам, Карнакдаги Амон худосига бағишланган гипостиль хона ... ягона эди.



Расм 25. Карнак. Катта Амон храми (ибодатхона) нинг гипостиль хонаси



Расм 26. Карнак. Рамзес II га бағишлаб ишланган барельеф

Хонанинг эни 103 м, ичи эса 52 м. дан иборат булиб, унинг умумий майдони 5.000 кв. м. ни ташкил этган. Хона томининг хар бир қаторида ... тадан 16 қатор устун, ҳаммаси булиб 134 та устун ушлаб туради.

Гипостиль хонанинг марказий қисми қаторида 6 тадан 2 қатор устунлар билан алохида ажратилган. Бу устунларнинг диаметрлари 3,4 метрга тенг, баландлиги эса-20,4 метр. Ибодатхона симметрия асосида қурилган.



Ибодатхона қурилишида ёруғлик катта роль уйнаган. 19-сулола фиръавнлари вақтида ибодатхона буюк аҳамият кашф этган. Миср фиръавнлари Карнакдаги Амон ибодатхонаси руҳонийларни узларининг таянчлари деб билиб, уларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаганлар.



Расм 27. Карнак ва Луксордаги Амон ибодатхоналари



19-сулола даврида катта қурилишлар Луксорда ҳам олиб борилди. Аменхотеб III бошлаган ибодатхона қурилиши уз даврида битказилмай қолган эди. Рамзес II уз даврида катта қурилишларни амалга оширди. Меъморчиликда бир хиллик унинг жонига тегди. Хонуси ибодатхонаси Янги подшолик даврига хос булиб, унда шу вақтдаги барча асосий эстетик ақидалари аниқ ва равшан куринади. Хонуси ибодатхонаси унча катта эмас, лекин унинг архитектураси янги подшолик даврида яратилган Миср ибодатхонасининг классик типига яқиндир.



Расм 28. Луксордаги катта эҳромнинг олд томонидан кўриниши



Расм 29. Луксор. Аменхотиб III қурдирган эҳром

У чўзиқ тўғри тўртбурчак шаклга эга. Барча ибодатхоналарда булгани каби бу ерда ҳам бир нечта хоналарни ўз ичига олган сиғиниш уии гипостил залининг композицияли ўқига туташган. Умуман янги подшоликдаги диний иншоотлар архитектураси уни ташқаридан томошабин булиб кузатишгагина эмас, балки ҳар томонлама кишига таъсир кўрсатишга мўлжаллаб қурилган.






Расм 30. Луксор. Амон эҳромининг плани.

а-Рамзес II ховлисининг пилони;

б-қуриб тугатилмаган гипостил залининнинг марказий қисми;

в-ховли;

г-устунли зал;

д-меҳроб олдидаги зал;

и-к-л-м-н- меҳроб хоналари

Аменхотиб III томонидан эрамиздан аввалги XV асрда қурилган. Эҳромнинг асосий композицион ўқи йўналишининг учкаррали ўзгарилиши билан эътиборни ўзига жалб қилади. Ховли Рамзес II даврида эрамиздан аввалги XIII асрда қурилган.



Расм 31. Абу Симбал. Ғорли Эҳромнинг олди томонидан кўриниши

Янги подшоликнинг сўнггида қурилиш ишлари фақат Мисрдагина эмас, балки унинг ташқарисида мисрга тобе бўлган Нубияда ҳам олиб борилди



Расм 32. Абу Симбал. Эҳромнинг плани

Абу Симбелдаги қояга ўйиб ишланган Рамзес III ибодатхонаси янги подшоликнинг сўнгги давридаги энг йирик қурилишларидандир. Унинг кираверишь томонига қояли катта трапециясимон пилон кўриниши ўйиб ишланган.



Расм 33. Мединет Абу.Рамзес III эҳромнинг дарвозаси

Пилон олдида ўтирган ҳолда тасвирланган тўртта 20 метрли Рамзес III нинг ҳайкаллари ҳам қоя тошини йўниш ҳисобига яратилган. Шарққа қаратилган пилоннинг баландлиги 33 метр, эни эса 38 метрдан иборат бўлиб, унинг тепаси ҳайкаллар билан безатилган.





Расм 34 Зиёратгох Мединет Абу. Зиёратгохнинг плани.

Ибодатхонанинг ички қисми янги подшолик даври меъморчилиги принциплари асосида бажарилган.



Расм 35. Фива. Рамзес III зиёратгохи – «Рамессум»



Расм 36. Зиераттохнинг плани



Расм 37 Фива Рамзес III қурдирган эҳромнинг гипостиль хонаси

Қурилишлар асосан 22-сулола вақтида ривож топди. Сулолани[illegible] асосчиси Шешонка Фиванинг учлик худоси Амон, Мут ва Хонсулар[illegible] бағишлаб Танис шаҳрида ибодатхона тиклади. 25 сулола фиръавнлари м[illegible] софир Нубиядан булганлар. Янги подшоликнинг сўнггида Нубия Миср[illegible] ажралиб чиқди ва мустақилликка эришди. Лекин улуғвор иншоотлар Қ[illegible] накда қурилди. 25-сулола эрамиздан аввалги 671 йилда Мисрни Сурия[illegible] лар томонидан босиб олиниши билан тамом булди.

Мисрнинг ижтимоий ҳаётида бирмунча жонланиш пайдо булди. [illegible] кин бу узоққа чўзилмади, чунки Миср ҳам иқтисодий ва ҳам сиёс[illegible] жиҳатдан анча кучсизланиб қолган эди. Бу эса эрамиздан аввалги IV аср[illegible] эронликлар, сунгги эрамиздан аввалги IV асрда македониялик Алекс[illegible] томонидан ерларни босиб олинишига, унинг ўзига хос санъатда аста-сек[illegible] сўнгги ва эллин дунёси санъати билан қўшилиб кетишига сабаб булди.



## МИСР ЭЛЛИНИЗМИ

Эрамиздан аввалги 332 йилда македониялик Александр армияси [illegible]исрга кириб келди. Эрон ҳукмдорлигидан азоб чеккан мисрликлар Алек[illegible] қушинларига ҳеч қандай қаршилик курсатмадилар. Аксинча, Миср [illegible] Александрни қуллаб-қувватладилар ва уни Амоннинг меҳрибон [illegible] Ра деб эълон қилдилар. Александр Мисрнинг Нил дельтасида [illegible]нги шаҳар барпо этди. Унинг номи Александрия деб аталган. Бу шаҳар [illegible]нтазам режага эга булган. IV асрнинг охирида Александрия юнон шарқ [illegible]унёсининг энг йирик савдо ва маданият марказларидан бирига айланди.

Катта қумондон Мисрда Александр вафотидан сунг унинг ворислари [illegible]акедонияликлар сулолаларининг шоҳлари-Птломейлар вақтида олиб бо[illegible]илди. Истило этилган ерларда уз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида [illegible]тломейлар Миср худоларини хурматлаганлар ва улар шарафи учун ибо[illegible]атхоналар қурдирганлар.

Ибодатхоналар архитектурасида эса қадимги санъат анъаналарини [illegible]ита тиклаганлар.

Миср эллинизми даври архитектурасининг энг ёрқин намунаси-бу [illegible]дфудаги Гора ибодатхонасидир.



Расм 38 Эдфу. Гора ибодатхонаси Пилон (фасад, план, қирқим)

Унинг барча хоналари-пилон, очиқ ховли, кириш ва гипостиль зал[illegible]ри, муқаддас ва сиғиниш хоналари худди янги подшолик ибодатхонала[illegible]даги каби симметрик равишда бир ўққа жойлашган. Эрамиздан аввалги [illegible]2 йилда Птолемей IX Гипостиль зал олдига катта 18 устунли деворлари [illegible]ьефлар билан безатилган кириш зали қурдирган. Ўз навбатида унинг [illegible]рислари Птолемей X, XI ва XII лар ибодатхона атрофини ташқи девор [illegible]лан ўраб, кириш зали олдида очиқ ховли ва пилон яратганлар. Натижада [illegible] ховли деворлари билан ибодатхона деворлари орасида бемалол хара[illegible] қилиш мумкин булган йўлак вужудга келган. Бошқача қилиб айтганда, [illegible] ибодатхонаси гўё атрофи девор билан ўралган очиқ ховли ичида [illegible]лангандек туюлади.



Расм 39. Эдфу ибодатхонасидаги Гора эҳромининг дарвозаси – Пилон.

Шубҳасиз, бундай эркин ва аниқ композицион ечим миср эллинизмининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Дарҳақиқат ҳовлининг олдидаги пилон жуда салмоқлидир. Унинг баландлиги 35 метр, эни эса 76 метрга тенг. Маълумки, янги подшолик вақтиданоқ пилонларнинг сиртларини рельефли композициялар билан тулдириш одат эди.

Эллинизм даврида бу рельефлар янада каттароқ маъно кашф этади. Эллинизмдаги барча рельефлар узларининг ана шу хусусиятлари билан ажралиб туради. Эдфудаги Гора ибодатхонаси композицияларидаги мавжуд булган бу нафислик бизни завқлантиради. Эдфудаги Гора ибодатхонасининг Миср эллинизмида машҳурлиги бежиз эмас, албатта. У купроқ тусиқ деворнинг ички сиртига битилган муҳим ёзуви билан танилган.

Миср эллинизми санъатда ҳақиқатан ҳам эски шаклларни янгича талқин эта олган моҳир архитекторлари билан характерланади. Буни Дендердаги Гатор ибодатхонаси мисолида ҳам куришимиз мумкин. Ибодатхонанинг деворларига уйилган ёзувларга қараганда, Гаторга асос қилиб, Хуфу эҳроми олинган.





Расм 40. Эдфудаги ибодатхонанинг ҳовлиси

Ибодатхонанинг қурилиш вақти узоқ олиб борилган булса ҳам унда ҳовли билан пилон қурилмай қолган. Кириш залида 24 та устун бор. Устунларнинг мукарнаслари худо-сигирнинг боши-Гатор шаклида тасвирланган. Гатор бошли капителлар Янги подшолик даврида ҳам Дейр-Эль-Бахрида малика Хатшепсутнинг ибодатхонасидаги устунларда мавжуд булган. Унда Гатор боши капителнинг икки қарама-қарши томонига уйиб ишланган эди. Дендердаги Гатор ибодатхонасида эса капителларнинг туртала томони ҳам Гатор боши билан безатилган. Шунинг учун устунлар яхлит куринишга эга.

Дендердаги Гатор ибодатхонаси ҳақиқатан ҳам Миср эллинизмининг энг машҳур биноларидан бири булган. Миср эллинизми дунёсида маълум булган ёдгорликлардан яна бири Ком-Омбо ибодатхонасидир. Ундаги асосий хусусиятлардан бири шуки, битта бинонинг ичига иккита мустақил ибодатхона жойлашган. Шунга кура, бино иккита параллел қисмларга булинган: унг томондаги жанубий қисми, муқаддас ҳайвон ҳисобланган тимсоҳ куринишидаги худо Собекка, шимолий чап қисми эса Гора худосига бағишланган. Ҳар бир қисм учун сиғиниш жойи ва уларга пилон дарвозаларидан бошлаб алоҳида йул олиб боради.

Миср эллинизмининг энг машҳур ёдгорликларидан яна бири Фили оролидаги Исида ибодатхонасидир.



Расм 41. Фили оролидаги Исида ибодатхонасининг умумий куриниши

Мисрнинг жанубий чегарасида, улуғ дарё сувлари билан урал... ерда бир-бирига аниқ мосланган тошлардан қурилган ва хушб... лару, чиройли рельефлар билан жихозланган ажойиб бинолар ...датхона пилонларидаги рельефлар айниқса пилонинг ички хов... қараган деворларига уйиб ишланган маъбуда Исиданинг сурат... иг ғоят гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу қунт билан ишланга... ларга чумган шакллар санъатининг кейинги даври ривожланишш... беради.

...са қилиб айтганда, Миср меъморчилигида Карнак қандай ро... ўлса, Фили ороли меъморчилиги ҳам Рим-Миср эллинизми да... и шундай роль ўйнаган. Деярлик ҳар бир хукмдор оролда ним... ан ва эрамиз бошларида улар архитектура музейларига айланган ...рамизнинг 30 йилларига келиб, Миср Рим империяси вилоятла... ига айланди. Чунки рим императори Октавиан Птолемейларнинг ...ироличаси Клеопатра устидан ғалаба қозониб, хукумдорликни ...и уз фойдасига ҳал қилганди. Сунгра христиан дини вужудга кел... ...файли Мисрдаги қадимги тил ва дин унутилди.

...мизнинг VII асрига келиб, араб мусулмонлари мамлакатни заб... ...а у ерда урнашиб олдилар. Ана шу вақтдан бошлаб Миср тарихи... ...и санъати ва меъморчилигида янги бурилишлар бошланди. Б... 13 асрлик даврни ўз ичига олади.

***М...вэуда учрайдиган таянч иборалар***

М...қбара, пирамидалар, ибодатхона, Гипостиль хона, Исида ибодатхонаси

***М...взуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Қадимги подшолик даврида пирамидалар архитектураси қандай ри... вожланиш босқичларини ўтди?
2. Ўрта подшолик меъморлигида қандай типдаги ибодатхоналар шак... ланди?
3. Янги подшолик даври ибодатхоналари тузилиши қандай? Амон Р... ибодатхоналари мажмуалари тўғрисида гапириб беринг.
4. Сўнги подшолик даври меъморлигидаги сарой ибодатхоналарнинг ху... сусиятлари нималардан иборат?
5. Эллинизм даври меъморлигидаги юнон меъморлиги таъсири нималар... да намоён булади?
6. Қадимги Миср архитектурасининг аҳамияти нималарда?



## МАВЗУ 3. ОСИЁ ҚИТЪАСИДАГИ ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ. ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИ ВА МЕСОПОТАМИЯ АРХИТЕКТУРАСИ.

Дажла ва Фрот дарёлари воҳасида, Ўрта Ер денгизи хавзасининг шарқий қисми сохиллари ҳамда Кичик Осиёнинг марказий тоғли районлари территориясида эрамиздан аввалги 5000-4000 йиллардан 539 йилгача Шумер, Аккад, Оссурия, Урарту, Бобил каби қатор давлатлар мавжуд булиб, улар жаҳон архитектура тарихига ўз хиссаларини қўшишган.







Расм 42. Дур-Шаррукин. (Хорсабод) Ассирия подшоси Саргона II томонидан қурилган шаҳар Саргона II саройининг умумий кўриниши. План.
1-саройга шаҳар томонидан кирувчи асосий кириш.
2-саройнинг махсус қисми ва унинг орқасида жойлашган асосий зал.
3-хизмат доирасидаги хоналар.
4-харам.
5-Саргонанинг фараз қилинган ётги хона.
6-зиккурат.

Бу давлатларнинг сўнгтиси Бобил (Вавилония) эрамиздан аввалги 539 йили Эрон томонидан тобе қилиб олинади ва шу билан Олд Осиёнинг қадимий тарихи тугатилади.



Расм 43 Вавилон Шаҳарнинг асосий Иштар дарвозаси ва Процессий йўлларининг кўриниши

Олд Осиёнинг бадиий-тарихий ёдгорликлари Миср архитектураси сингари кенг ва рангбаранг. Бу ерда ҳам ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар қурилди. Лекин бу ёдгорликлар бизгача етиб келмади. Бунга сабаб Олд Осиёнинг асосий қисмини ташкил этган. Икки дарё оралиғи (Месопотамия)да бир-бирини алмаштириб турган янги-янги давлатлар уртасида мамлакатта хукумронлик қилиш учун доимий кураш борган булса, иккинчи томондан, меъморлик ва тасвирий санъатнинг турларини ривожлантириш учун тош, ёғоч ва металларнинг етарли булмаганидан, дейиш мумкин. Сақланиб қолган ёдгорликлар, уларнинг қолдиқлари Олд Осиёда эрамиздан аввалги 4000-3000 йиллардаек бу ерда узига хос архитектура пайдо булганлиги ва ривожланганлигидан далолат беради.

Олд Осиё санъатида ҳам монументал меъморлик етакчи уринни эгаллаган. Месопотамия меъморлигининг ўзига хос характерли томонлари эрамиздан аввалги 4 минг йилликда Шумер маданияти шаклланган пайтларда юзага келди. Бу даврга келиб одамлар яшайдиган йирик манзиллар маркази баланд сунъий ёки табиий тепаликлар устига қурилган монументал саройлар марказ вазифасини утай бошлаган. Улар асосан, хом гиштдан ишланган, девор юзаси пишиқ ғишт парчин ва қисман тошлар билан қоплаб чиқилган. Бинонинг ташқи девори токчалар ва ярим устунсимон вертикал чизиқлар билан ажратилган. Бу ҳажмлар бинода ёруғсоя мослигини кучайтириб, унинг



Расм 44. Эрамиздан олдинги VI асрдаги Борсиппа шаҳри плани 1-нуфузли аҳоли квартали. 2-хокимнинг саройи. 3-зиккуратли ва Нэбо эҳромли маданий марказ 5- Вавилонга чиқиш дарвозаси ва унинг орқасидаги йўл. 4-5 Нэбо кўчаси 5-6 Шоҳнинг чиқиши учун кўча

тантанавор кўринишини оширган. Бу хусусда Эль-Обейдаги сарой (эр. ав. 3000 йиллар) характерлидир. Сарой сунъий тепалик устига қурилган булиб унга зиналар билан чиқилган. Деворнинг ички ва ташқи томонидаги ярим устунсимон хажмлар унинг пишиқлигини оширишга хизмат қилган



Олд Осиё меъморчилигининг яна бир ўзига хос хусусияти, ибодатхоналар олдига қурилган, тепага томон кичрайиб борувчи супачалардан ташкил топган зиккурат ҳисобланади.



Расм 45. Урдаги Зиккурат, эрамиздан олдинги III минг йилнинг охири

Бу супачалар зиналар билан боғланган. Зиккуратнинг энг юқори қисми хона булиб, у ерда олтиндан ясалган стол бўлган. Афсоналарга кура, худо уз кохинлари билан шу стол атрофида гаплашган.

Олд Осиёнинг қадимги даврга хос булган тасвирий санъат хусусиятлари Шумер ва Аккад давлатларида куринади. Аккад подшолиги (эр. ав. XXIV-XXII асрлар) даврида Олд Осиё ерлари ягона давлатга бирлаштирилди. Эр. ав. I минг йилликда Оссурия йирик қулдорлик давлатига айланди. Эр. ав. VII асрга келиб, у бутун Олд Осиёни ўзига бўйсиндириб олди ва ягона давлат ташкил этди.

Шу даврда хашаматли сарой, ибодатхоналар вжудга келди.

Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсобод)даги Саргон II саройи харобалари (эр. ав. VIII асрнинг иккинчи ярми) шу давр монументал меъморчилигининг характерли томонини курсатишда мухим урин тутади. Бу сарой баландлиги 14 м. булган сунъий тепаликка қурилган булиб, у қалин девор билан уралган. Сарой мехмонхона, ётоқхога ва диний маросимларга мўлжалланган хоналардан иборат булиб, улар алохида очиқ ховли атрофида жойлаштирилган. Саройга киравериш дарвозаларининг икки ён томонига эса кантоли, одам бошли буқа-шеду урнатилган. Бу хайкал табиий кучлар рамзи булиб, подшони «ёмон кўздан» сақлашда хизмат қилган.

Кальхудаги Ашшурнасирапал II (эр. ав. 883-859 йиллар). Наневидаги Ашшурбанапал (эр. ав. 669-635 йиллар) саройлари буртма тасвирлари ҳам машхурдир. Эр. ав. 612 йили Оссурия Бобил ва Мидия подшолиги юришлари туфайли ўз умирини тугатди. Лекин унинг архитектураси қадимги дуне халқлари архитектураси ривожига катта таъсир қилди. Эр. ав. VII аср охирига келиб, Бобил янги ривожланиш даврини бошидан кечира бошлади. Навуходоносор II (эр. ав. 605-562 йиллар) подшолик қилган йиллар Бобилда шаҳар қурилиши ишлари авж олдириб юборилди, шаҳар қурилиши план асосида тикланиб, янги бинолар қурилди, атрофи қалин девор билан ўраб чиқилди. Шаҳарнинг саккиз дарвозаси булиб, улар ичида Иштар дарвозаси ўзининг куркам ва серхашамлиги билан ажралиб турар эди.



Расм 46. Дур-Шаррукиндаги Саргона II нинг саройи. Умумий куриниши, асосий кириш, эрамиздан аввалги 711-707 й.



Шу дарвозадан шаҳарнинг бош ибодатхонасига борадиган йул бошланар эди. Бош ибодатхона ёнида эса туқсон метрли катта Бобил минораси қурилган эди. Навуходоносор II саройи ҳам серхашам, безакка бой булиб, «осма боғлар» қуйнида эртакнамо куриниш кашф этган эди. Бобил санъати узоққа чузилмади. Эрамиздан аввалги 539 йили Эрон қушинлари томонидан босиб олинди. Шу билан Олд Осие халқлари қадимий архитектураси тарихи уз умрини тугатди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар***

Зиккуратлар, Дур-Шаррукиндаги Саргон II саройи, Иштар дарвозаси, Навуходоносор II саройи.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Жазира (Месопотамия) архитектураси босқичлари нималардан иборат?
2. Урадаги зиккурат қандай тузилган?
3. Дур-Шаррукиндаги сарой II саройида нечта турдаги ибодатхоналар бор?
4. Бобилдаги қандай иншоотлар қадимиятнинг мўжизалар қаторига киради?
5. Бобилнинг Иштар дарвозасида қандай қоплама қулланилган?
6. Жазира жахон архитектурасининг ривожига нималар қўшди?



## МАВЗУ 4. МИДИЯ ВА ЭРОН АХМОНИЙЛАРИ ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ

**Ғарбдан Тигр ва Ефрат архитектурасидаги водийда шарқдан Инд водийси** Оралиғида эрон текислиги жойлашган. Бу ерда қадимдан Шарқий Эронликлар (Урта Осиё халқларининг авлоди) ғарбда (ҳозирги форслар авлодлари) ажралган ҳолда яшаганлар. Бу ажралишнинг натижасида. бир-бирига қардош. икки этник гурухларнинг мустақил тарихи вужудга келди. Булардан энг қадимгиси Шарқий Эронликлар, маданияти булиб ҳозирги Озарбайжон ҳамда Эронинг шимолий ғарбий қисмини танлаган Мидия давлатидир Эр. аввал X асрда мидияликлар маданияти хақида биринчи маълумот пайдо була бошлаган. Эр. аввал. VIII асрга келиб. улар пойтахти Экбатонда(ҳозирги ҳамадон)жойлашган кучли давлатни ташкил этганлар

Қадимги тарихчиларнинг ёзишича баланд тоғ ён бағрида жойлашган Экбатон шаҳрининг умуман девори булмаган фақат баланд кутариб турган шахридан учтасигина мустаҳкам деворлари билан ҳимояланган. Қатъага туташган сарой иншоотлари ҳам узунлиги 1 км. дан ортиқ деворлар билан ураб олинган. Сарой бинолари бир неча пешайвонли заллардан иборт булиб, уларни бир-биридан ховлилар ажратиб турган

Залларининг томлари ва уларни ушлаб турувчи устун (колонна)лар кедр, кепарис (садаф) дарахтларидан ишланган ва улар устидан олтин ва кумуш қопламалар билан қопланган. Мидия Экбатондан ташқари, яна купгина бошқа шаҳарлар мавжуд булиб, каналлар, катта-катта турар уйлар, боғлар ва узумзорлар шаҳарнинг асосий ҳаёт қисмини ташкил этган. Сурияликлар ишлаган суратда, мидияликларнинг КИШЕССУМ шаҳри ва унда минорасимон уйлар акс эттирилган. Мидияликлар оташпарастлик динига мансуб булганлар. Шунинг учун ҳам улар ибодатхоналар ва эхромлар урнига очиқ хавода олов учоғини қуриб, ушанга сиғинганлар

Мидияликларнинг турар уйларга таҳлид қилинган мақбаралари, баланд қояларга урнатилган булиб, Форсларнинг сунгги даврдаги мақбараларидан бирмунча фарқ қилади. Бундай узига хос қоя мақбаралар урмия қушни жанубдаги Сехни қишлоғидан Дукўн довуд каби ҳудудларида сақланиб қолган.

Мақбаранинг тарзи (фасади) баланд қоя тошларга уйиб ишланган. Биз бу ерда қадимги Рим маданиятига хос булган, икки устунли, муккарнасли, ионик ордери тимсолида пешайвон (портик )ни ва унинг тепа қисми «антаблименти» ни курамиз. Улар қояга уйиб ишланган. Ҳақиқатдан ҳам устун ва тусинлари ёғочдан булган бу мақбаралар шаклан турар уйларини эслатади. Эр. ав. VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларига келиб мидияликлар Бобилликлар билан тил бириктириб, кучсизланган Ассурияни тор-мор этадилар ва Амударёдан то форс курфазигача булган ерларни эгаллайдилар

Куп ўтмай Эр. ав. 553 йилда. форс қабилалари. Ахмонийлар сулоласининг асосчиси Кир бошчилигида дастлаб Урарту подшолигини узига буйсиндиради ва кейин Мидия шохи Астига устидан ғалаба қозонади. аммо, мидияликлар яратган маданият улмади чунки Мидияликларнинг меморчилик анъаналари, форс меморчилигининг шаклланишига ўз таъсирини курсатган эди. Мидияликлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг, форслар тез орада ўша даврдаги маданиятлашган оламнинг талайгина қисмини босиб оладилар ва Қадимги Шарқ давлатлари орасида энг қудратлигини ташкил этдилар

## АХМОНИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРЛИГИ

Форс ахмонийлари санъати ва архитектураси уларни кучманчи халқларга хос булган амалий безак санъатини назарга олмаганда анъанаси яратилди. Тошларни қайта ишлаш, қояларни йуниб мақбаралар урнатиш урарту ва милиядан кулолчилик зийнати месопатамиядан, баъзи бир шакиллар Ассурия, Бобил, Миср ва Юнонликлардан утган Эр. ав VI асрнинг урталарида тахминан 559–550 йилларда шох Кир форсларнинг даслабки пойтахтига Пасарганғa асос солди, чунки Форслар эндигина утроқ хаётга ута бошлаган эдилар. Шахар атрофи тоглар билан уралган баланд тепаликка жойлашган пирамида шаклидаги тепаликнинг ичида Катта айвон (терасса 78 х 79) қурилган. Бу ерда шох қурғони жойлашган

Тепаликнинг остидаги водий алохида чодирлар билан тулдирилган шаҳарнинг бу қисми кучманчиларнинг вақтинчалик манзили булиб хизмат қилган Қурғондан ғарбга қараб, саройлар майдонлари орқали утган йулда Пасаргаданинг энг асосий ёдгорлиги-Кир мақбараси жойлашган.

Кир мақбараси унча катта булмаган туғри туртбурчак шаклидаги хона (31м х 218м) 6 зинапояли асосга урнатилган ва 2 нишабли том билан ёпилган. Мақбара катта ҳажмдаги тошлардан терилган булиб, унинг умумий баландлиги 11м тенг. Мақбарани 3 томонидан ураб турган қуш девор ва устунлар қатори, урта асрда мусулмонлар томонидан қурилган Александр Македонскийнинг юршилари даврида унга ҳамрохлик қилган юнон тарихчиси Аристотелнинг аитишича, мақбарининг атрофи ҳар хил дархтлар утказилган ва суғориб туриладиган утли кукламзорлардан иборат булган. Таъкидлаш лозимки, мақбарани яратишда меъмор қуллаган услуб янги терилган тошлар баландлигини секин-аста қисқариб бориши, бу сунъий перспектива масштабини хосил қилиш орқали иншоотни узини ҳақиқий улчамидан улуғвор қилиб курсатишдир. Шох Кирнинг вафотидан сунг у асос солган давлатда ғалаёнлар бошланди, фақаттина Доро I нинг олиб борган эхтиёткорлик ва узоқни кура оладиган зийрак сиёсати туфайлигина бостирилди.

Давлат қайта тикланди. Форслар узларининг маъмурий идоралари тизимини ташкил этдилар. узларига тобе мамлакатларда мавжуд булган ижтимоий тузум ва диний урф-одатларни сақлаб қолганлар. Шу билан бирга солик тизимини тартибга солиш, савдо тармоқларни кенгайтириш нули билан форслар мулкдор синфларни уз томонларига жалб этдилар. Натижада, форс шаҳарлари қулига мисли курилмаган бойликлар оқиб кела бошлади

## ЭРОН МЕЪМОРЛИГИ

(Эр. ав. III аср — Эр. ав. VII аср)

Эр. ав. IV аср охири - III аср бошларига келиб, эрон территорияси (ҳудудида) элинистик салжуқлар давлатига кирган.

Эр. ав. III асрда каспий денгизининг жанубий қирғоғида янги Артапид сулоласи подшохлиги Парфиян қулдорчилик давлати вужудга келди. Аршакидлар уз ҳукумронлигини Эронниг барча вилоятлари, Арманистон ва Месопатамиянинг бир қисмигача кенгайтирди.

Парфия давлати узини энг равнақ топган даврида Эр. I асларида Ҳиндистондан Евфратгача, Каспийдан Ҳинд ва Форс курфазигача, булган ерларда ўз таъсирини утказб қадимги Рим давлати билан рақобатда булган



Аммо олдинги юнонликлар олиб борган уруши ва Парфия амалдорларининг эллинизм маданиятига мойиллиги Парфия маданиятига уз таъсирини утказди.



Расм 47. Қадимги Миср ва Олд Осиё мамлакатларининг архитектура ва конструкцияси. 1-тош блок ва плиталардан иборат миср устун-тусинли конструкциялар. 2-Абидосдаги ибодатхона, Миср. 3-равоқнинг вертикал қирқими. 4-Ахмонийлар давридаги Эрон устун-тусинли конструкция. 5-Персеполдаги устунлари капители, эрамиздан аввалги VI-IV аср 6-Сасонийлар давридаги Эрон равоқли конструкциялари (Ферузободдаги сарой, III аср)

Шунинг учун ҳам Парфия ёдгорликлрида айниқса унинг Ғарбий вилоятларида Юнон, Рим архитектураси ~~Юнон, Рим архитектураси~~ намуналарини куришимиз мумкин.

Атшур саройи Эр. ав. I аср. Ички ховли сорой эски Месопатамия анъаналарига ҳосдир. Ховлини турт томонидан улкан равоқли айвондан иборат. Бу 4 айвонли лойиҳа Эрон архитектурасида энг куп тарқалган композицион ечими, уларни ҳозирги Эрон архитектурасида ҳам учратишимиз мумкин.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар***

Пешайвон (портик). Атшур саройи. минорасимон уйлар. Кир мақбараси

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Мидия турар уйлари ва мақбаралари қандай тузилган эди?
2. Ахмонийлар даври архитектура ҳақида нима биласиз?
3. Ападан нима?
4. Парфия архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Кносс саройнинг асосий томони қандай шакл билан ажратилган?

## МАВЗУ 5. ЭГЕЙ ДУНЁ ВА ҚАДИМГИ ЮНОН МЕЪМОРЧИЛИГИ

Антик маданият узоқ вақт давомида ривожланиб борди. Унинг ривожланишида Пелопоннес яриморолли ва Эгей денгизидаги купгина ороллардa, Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилларида эрамиздан аввалги III-II мингинчи йилларда яшаган қабилалар маданияти муҳим роль уйнади. Антик дунёнинг энг қадимги тарихи «эгей» ёки «крит-микен» маданияти билан бошланади. Бу маданият ёдгорликларининг дастлабки археологик кашфиётлари Микена ва Критда топилганлиги ва муллиги туфайли бу санъат адабиётларда баъзан крит-микен санъати деб ҳам юритилади.

Эгей маданиятининг энг гуллаган даври эрамиздан аввалги 2000 йилларга тўғри келади. Бу даврда ҳашаматли меъморчилик композициялари, подшо саройлари, санъат намуналари яратилди. Шундай нодир ёдгорликлардан бири инглиз археологи А.Эванс томонидан Критда топилган Кносс саройининг қолдиқларидир. Бу сарой унча баланд бўлмаган тепалик устига қурилган. Сарой табиат билан уйғунлашиб кетган. Бинолар планировкаси эркин. Бинонинг ғарбий томонида хоналар бўлиб, у ерларда, подшо бойликлари, қуроллар, катта хумларда турли озиқ-овқатлар сақланган. Марказий томондаги хоналарда эса ҳунармандларнинг устахоналари жойлашган. Кносс саройининг марказий майдони атрофида юзлаб унча катта бўлмаган хоналар, меҳмонхона, ибодатхона, подшо хоналари, диний маросим ўтказиш учун мўлжалланган хоналар бўлган. Бу хоналар бир-бири билан зина ва нарвонлар орқали боғланган.



Расм 48. Гурния шаҳарнинг плани 1-очиқ сарой майдони. 2-сарой

Кносс саройида устунлардан кенг фойдаланилган. Тош таг курси ўрнатилган ёғочдан ишланган устунлар Кносс саройининг тепа томонини кутариб туриш учун ишлатилган. Бу устунлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар пастга томон торайиб борган. Сарой деворларига суратлар ишланган.

Эр. ав. XIV асрга келиб, Крит маданияти инқирозга юз тутди. Эндиликда Эгей маданиятининг маркази грек матерегига-Пелопоннес яриморолли ва ундаги Микена, Тиринф манзилларига кучди. Болкон ярим оролининг жанубида, Эгей денгизи оролларида ва Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилларида яшаган ахеяликлар бу янги маданият тараққиётини белгиладилар.



Эр. ав. XVII-XIV асрлардан бошлаб, ахеяликлар маданияти ва архитектураси уз характери жиҳатидан крит маданияти билан алоқада булган, лекин бу ҳикилик ахеяликлар архитектурасининг ўзига хос оргинал томонлари ҳам мавжуд эканлигини инкор этмайди.



Расм 49. Микенлар. Шер дарвозаси - шаҳарга кирувчи асосий кириш дарвозаси.

Бу айниқса, монументал меъморчилик санъатида яққол кузга ташланади. Критдаги шаҳарлар қалин деворлар билан урашга мухтож эмас эди. Чунки шаҳарни денгиз қуриқлар эди. Аксинча, ахеяликлар уз турар жойи ва қурғонларини баланд тепаликлар устига қуриб, унинг атрофини қалин деворлар билан ураб чиққанлар. Кейинчалик греклар бундай манзилларни «акрополь»-«юқори шаҳар» деб номладилар.

Бизгача Микена ва Тиринифдаги баланд тепаликлар устига қурилган қальалар, қурғонлар етиб келган. Улар эр. ав. XIV-XIII асрларда қурилган.

Бу қурғонларнинг деворлари оғирлиги 5-6 тонна келадиган тошлардан қурилган булиб, деворнинг қалинлиги 6-10 м, хатто ундан ортиқ ҳам бўлган. Масалан, Тиринф қурғони деворининг қалинлиги 17,5 м бўлган. Девор ичи бушлиқ булиб, у ерда хазина, озиқ-овқат, курол-аслаҳа сақланган. Тринифдаги акрополь содда, атрофи қалин девор билан ўралиб, унинг уч дарвозаси бўлган.

Микена меъморлигида дарвоза қурилишига катта эътибор берилган. Микена қурғоннинг марказий дарвозаси «шерлар дарвозаси» деб номланган. Дарвоза атрофи яхлит катта тошлардан қурилган. Тепасига устунларни ушлаб турган икки шернинг буртма тасвири ишланган. Бу устун Микена подшолари қудрати ва бирлигини рамзи бўлган.





Расм 50. Кносс Саройининг плани. 1-ғарбий ховли. 2-ғарбий кириш. 3-Процессия йулаги. 4-Пропилон. 5-монументал зиналоя. 6-омборхоналар. 7-марказий ховли. 8-шимолий кириш. 9-галерея. 10-катта зиналоя. Саройнинг шарқий қисмидаги Катта зиналоя.

Эр. ав. XII аср ўрталарида Болкон яриморолларининг шимолидан жанубга томон силжий бошлаган дорий қабилаларининг Эгей оролларидаги давлатларини босиб олиши Пелопоннесдаги Эгей маданиятининг тугашига сабаб булди. Лекин унинг бой маданиятининг кейинги эллин маданиятига таъсири кучли булди. Элладаликлар Эгей маданиятининг энг яхши ютуқларини узлаштирдилар. Улар Крит-Микен диний-мифологик тушунчаларини қабул қиладилар.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар***

Кносс саройи, қалъа, Тириниф аккрополи, Тиринф қурғони, Шерлар дарвозаси.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Эгей дунёси меъморлигининг неча ва қандай босқичлари мавжуд?
2. Кносс саройининг тузилиши қандай?
3. «Шерлар дарвозаси» ҳақида нима биласиз?
4. Крит оролидаги шаҳарларнинг қурғон деворлари булганми? Микеликларни —чи?
5. Крит ва Микен меъморлигининг ворислари кимлар бўлган?

## МАВЗУ 6. ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ АРХИТЕКТУРАСИ.

Одатда, қадимги Греция меъморчилиги тарихи Микенанинг қулаши ва дорийлар томонидан пелопоннес, унинг жанубида жойлашган ороллар, Критнинг босиб олиниши билан бошланади ва эр. ав XI асрдан то эр. ав I асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу тарихий-бадиий давр турт босқичдан иборат:

1. Гомер даври (эр. ав XI-VIII асрлар).
2. Архаика даври (эр. ав. VII-VI асрлар).
3. Классика даври (эр. ав. V-IV асрларнинг биринчи уч чораги)
4. Эллинизм даври (эр ав IV-I асрлар).

Қадимги қулдорлик давлатларидан булган Грецияда жаҳон архитектура тарихидан биринчи марта демократик принциплар камол топди. Греклар биринчи бор бадиий ижодда инсониятнинг асрий муаммоларини ечишга уриндилар. Улар ботирлик, жасорат, ватан меҳри ва хур инсоннинг қудратини улуғладилар, унинг жисмоний гузаллиги ва маънавий баркамоллигини ифодалаб, идеал, гармоник камол топган инсон образини яратишга интилдилар.

Қадимги Грецияда фаолиятли, давлат манфаатини уз манфаатидан устун қуйдиган инсонни улуғлайдилар. Иродали, ватанни севадиган ва унинг учун кураша оладиган инсон образини идеал инсон, деб биладилар.

Грек худо ва маъбудаларида, масалан, Апполон (нур худоси), Афина (хунармандчилик ва деҳқончилик маъбудаси) ва бошқа маъбудалар тимсолида греклар узларининг тасаввуридаги баркамол инсон қиёфасини гавдалантирадилар. Дарҳақиқат, грек санъати инсоннинг реал ҳис-туйғуларини



[illegible] ифода этиши билан ҳамон кишига шавқ-завқ бахш этмоқда. Инсон ақл-идроки, заковатини тараннум этиб, унга куч бағишламоқда. Грек архитектурасининг шу жиҳати европаликлар томонидан ҳам, шарқ халқлари томонидан ҳам эъзозланади.

### ГОМЕР ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ.

Қадимги Греция тарихининг эр. ав XI-VIII асрлари Гомер даври деб аталади. Бу давр архитектураси ва маданиятининг урганишда Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» достонлари қимматли манбаа ҳисобланади.

Бу асарларда Греция ерларида мулкий тенгсизликнинг келиб чиқиши натижасида, қулдорлик тузумига замин яратилди. Бу даврда Грек мифологияси, халқ эпик поэзияси пайдо булиб, уларда халқ ҳаёти, унинг маънавий интилиши ва жасорати тараннум этилади. Шу даврга оид меъморлик намуналари эса, қалъа, қурғонларнинг қолдиқлари орқали етиб келган. Улар уз характери жиҳатидан Микена меъморлигини эслатади. Лой, тош, ёғоч бронза ёки суякдан ишланган хайкалтарошлик намуналари топилган бўлиб, улар яхлит формада майда деталларга эътиборсиз ишланган.

### АРХАИКА ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ.

Эр. ав. VIII аср охирларидан бошлаб, илк синфий жамият қарор топа бошлади. Эр. ав. VII-VI асрларни архаик, яъний қадимги (грекча «архейос»-қадимги демақдир) давр деб номланади. Чунки XIX асрда бошланган археологик кашфиётларга қадар қадимги Греция тарихини эр. ав. VIII асрдан бошлар эдилар.

Дорийлар истеълоси натижасида Грецияда кичик-кичик қулдорлик давлатлари пайдо булди. Бу давлатлар истехком билан ўраб олинган манзиллардан иборат булиб, қулдорлар ерларини ва ўз мулклари бўлмиш қулларни химоя қилганлар. Бу давлатлар қадимги грекларда полислар, яъний шаҳар-давлатлар деб ном олган. Мулкий табақаланиш давом этиб, аристократия ҳукмронлиги орта бошлаган. Бу кескинлик эзилган оммани курашга чорлаган. Бу кураш ғалаба билан тугаб, зодогонларнинг ҳуқуқлари чегараланиши натижасида катта булмаган полисларда қулдорлик демократияси пайдо булган. Архаик даври меъморлик санъати шаҳарларнинг ривожланиши ва қурилиши билан боғлиқ. Шаҳарларнинг муҳим ижтимоий маркази худо ёки илохийлаштирилган қаҳрамонларга атаб қурилган ибодатхона булиб, у ерда шаҳар, давлат хазинаси ва бадиий бойликлар сақланар эди. Унинг олдидаги майдонда эса йиғилишлар, байрам тантаналари ўтказилар эди. Бу ибодатхоналар уз характери жиҳатидан шаҳар марказини ташкил этиб, грек жамоаси, шаҳар давлатининг улуғворлиги ва бирлигини билдирар эди. Унинг олд томони қуёш чиққан томонга қаратиб қурилган.

Ижтимоий ҳаёт формаларининг узгариши шаҳар қурилишида ҳам уз ифодасини топди. Бу даврда қурилган шаҳар, одатда, тепаликка қурилган акрополь атрофида жойлашиб, тепаликнинг энг юқори қисмида полиснинг

халоскори бўлган маъбудага аталган ибодатхона акрополь этаклари ва ён бағрида эса турар жой кварталлари қурилган. Бу кварталлар планировкаси эркин, стихиялик тарзда пайдо булган. Ҳар бир полис ибодатхона қурилишига эътибор бериб, унинг бошқа полис ибодатхоналаридан ажралиб туриши, куркам ва улуғвор булишига эътибор берган.

Грек ибодатхоналарининг бир неча типи булиб, буларнинг ичида энг кенг тарқалган типи периптр ҳисобланади. Бу типда қурилган бинонинг марказий қисми муқаддасс ер-целла бўлиб, атрофи эса устунлар билан уралган. Грек меъморчилигини бу типи фақат грек меъморчилигида эмас, балки жаҳон меъморчилик ривожида ҳам катта рол уйнайди.

Меъморлик ривожланиб борган сари, эллада усталари устун ва тусинларга, улар орасидаги бошланиш, декоратив безакларнинг энг минимал томонини топиш, бадиий ва функционал томонинг уйғун булишига ҳаракат қиладилар. Бу бутун бадиий система ордер номини олди (лотинча «ордо»-тузилиш. тартиб маъносини билдиради) Ордер кейинчалик Греция меъморлигининг асосий хусусиятини белгиловчи мухим омилга айланди. Грек меъморлигининг асосий ордерлари дорий ва ион ордери ҳисобланади.



Расм 51. Қадимги грек ибодатхоналарининг типлари а-простиль. б-амфипростиль, в-периптер

Дорий ордери. асосан, Пелопоннес ва Буюк Греция ион ордери Иония деб номланган. Кичик Осиё сохилларида купроқ ишлатилган. Дорий ордерида ишланган ибодатхона юкорига кичрайиб борувчи учта супача тарзидаги тош асос-стереобатга қурилган. Устунлар тагликсиз (базасиз) булиб, улар тепага торайиб борувчи шаклда ишланган. Юзаси эса тарновчалар-каннелюралар билан пардозланган.



Расм 52. Грециядаги ордерлар Эр.аввал V аср а-Селинунтедаги ибодатхона. б-Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси. в-Афинадаги Парфенон ибодатхонаси

Дорий устуни бевосита стилобатга ўрнатилган. Устуннинг тепа қисми эхинга тақалади. Унинг тепасида эса абака бўлиб, унга антаблемент қуйилади. Дорий ордери архитрави текис ишланган. Фриз эса метоп ва тринглифлардан ташкил топган.



Расм 53. Ордер пропорциясини унинг абсолют катталигига нисбатан боғлиқлигини кўрсатувчи схема. (Витрувий бўйича)



Ибодатхона томи икки нишабли булиб, унинг олд ва орқа томонида хосил бўлган учбурчакли майдон фронтон деб аталган Фронтон ва метоплар буртма тасвирлар билан безатилган.

Ибодатхонанинг томи бурчакларига акротериялар ўрнатилган. Архаика даврида фронтон ва тринглифлар юзаси кўк, метоплар юзаси қизил ранг билан бўялган.

Ион ордери эр. ав. VII аср охирларида пайдо бўлган. У дорий ордеридан узининг нафислиги, бежиримлиги ҳамда таг томонида стилобатга қуйилган тагкурсининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Ион ордерида тарновчали устуннинг капителини икки томонга буралиб турган жингалак сочини эслатувчи шакл-валюта ва абак ташкил этади



Расм 54. Афинадаги Шамоллар минораси. Эр. аввал I аср ўрталари

Архитрав эса учта горизонтал тасма текислика ажратилган. Фриз лентасимон қилиб ишланган ва безаксиз.

Коринф ордери бирмунча кечроқ - классика даврида пайдо булди. У ион ва деворий ордерига нисбатан жимжимадор ва куркам, капителли аканф дарахти баргларидан ташкил топган букетни эслатади.

Грек ордерлари антик дунё давлатларида, уйғониш даври ва янги дунё меъморчилигида кенг ишлатилди ва ривожлантирилди.

Илк архаика ибодатхоналари бирмунча паст ва узунчоқ қилиб ишланган. Уларнинг куриниши вазмин ва салобатли. Пестумдаги (Италия) Гера ибодатхонаси (эр. ав. VI аср урталарида қурилган) шу хусусда характерли коринфдаги Апполон ибодатхонаси (эр. ав. VI аср иккинчи ярмида қурилган) периптер типидаги дорий ордерида ишланган булиб. унинг олд томонида 6, ён томонида 15 устун урнатилган. Бу ибодатхоналарда ҳам архаика меъморлигининг характерли томонлари очилади.

Эфесдаги Артемида ибодатхонаси ион ордерида ишланган, у ҳажмининг катталиги ва бадиий безагининг серхашамлиги билан ажралиб туради.

## КЛАССИКА ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

Эрамиздан аввалги V асрга келиб, Греция ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг энг юксак босқичига кутарилди. Бу тараққиёт Эрон-грек урушларидан кейинги Афина давлатининг кучайиши ва қулдорлик демократиясининг ривожланиши билан боғлиқ. Уруш грек полисларини Афина давлати атрофида бирлаштирди. Урушдан кейин ҳам

Афина 150 дан ортиқ шаҳар - давлатлар ичида бошқариш имтиёзини сақлаб қолди. Греция тупроғига туташган денгиз сувларида ҳукмрон булиб олди. Бу янгидан-янги бозорларни қулга киритишга Қора денгиз соҳилларидаги мустамлакалари билан олди-сотди ишларини ривожлантиришга янги имкониятлар яратди. Афина эрамиздан аввлги V аср урталарига келиб, бутун грек оламининг энг йирик маданий ва иқтисодий марказига айланди

Грек классикаси даврини шартли равишда илк классика, юқори ва сунгги классика даврига булинади. Илк классика эрамиздан авалги 490-450 йиллардаги эрон-грек уруши даврига тугри келади. Бу давр санъатида реалистик тенденцияларнининг ортиб бориши билан характерланади.

Илк классика даврида куп меъморлик композициялари яратилди, айрим шаҳарлар қайта тикланди. Меъморликда, асосан, периптер типидаги ибодатхоналар қурилиши етакчи уринни эгаллайди. Улар купинча дорий услубида қурилди. Лекин уларнинг ҳар бири меъморнинг ижодий ёндошиши натижасида узига хос индивидуал фазилатлар кашф этди. Пестумдаги Гера ибодатхонаси (эр. ав. V асрнинг биринчи чораги) бизгача яхши сақланган. Унда илк классика меъмордигига хос фазилатлар кузга куринади.

Бинонинг нисбатлари бир-бирига уйғун, деталь ва безаклар ўз урнида ишлатилган. Лекин бинодаги приметивлик ва оғир куриниш уни архаика даври билан боғлайди. Эгине оролидаги Афина Афайн ибодатхонаси (эр. ав. 490 й. ) ва айниқса, Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси ўзининг нисбатлар гармонияси, бадиий безагининг нафислиги билан характерланади ва грек меъморлигининг шох намуналаридан ҳисобланади. Зевс ибодатхонаси учун ишлатилган устунлар узайтирилиб олиниши ҳисобига бинога куркамлик киритлган.



Расм 55 Олимпия. Марказда Зевс ибодатхонаси Эр. аввал 460 и архитектор Либон томонидан қурилган, чапроқда - доирасимон периптер Филлипейон (эр аввал 375 й.). Ўнгроқда Метроон (эр. аввал 375 й ).

Илк классика даври меъморлик композицияларини буртма тасвирлар билан безаш санъати Олимпиядаги Зевс июодатхонаси буртма тасвирлари да юксак даражага кутарилди.

Юқори классика. Эр. ав. V асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Греция сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақининг олтин даврини бошидан кечирди





Расм 56. Олимпия Гера ибодатхонасининг ҳаробалари Шимолий шарқ томондан куриниши

Санъатнинг ҳамма тури ва жанрлари ривожланиб. юқори классика даври кишиларнинг эстетик идеал ҳақидаги тушунчаларини мукаммал бадиий образларда курсатди.

Юқори классика даврида Афина акрополи узининг тугал куринишини эгаллади. Перикл ташаббуси билан Афинанинг ички қалъаси-Акропол қайта тикланди.



Расм 57. Афина акрополининг мажмуаси, эр аввал V аср Умумий кўринишнинг реконструкцияси

Бу қалъа Эрон-грек урушида вайрон булган эди. Эр ав. V асрнинг учинчи чорагида бу ерда оқ мармардан ясалган грек меъморлигининг нодир дурдоналари булган. Парфенон, катта дарвозахона-Пропилей, қанотсиз ғалаба маъбудаси Никега атаб қурилган ибодатхона (Нике Аптерос) қад кўтарди. Бу бинолар бадиий безакларга бой булган. Масалан Пропилей деворлари давлатнинг жанговор утмишини тасвирловчи суратлар билан безатилган. Акрополнинг очиқ майдонида Афина ҳайкали урнатилган.

Афина акрополи давлатнинг кучқудратини ва улуғлигини ўзида ифодалаб, грек тарихида биринчи бор умум элин бирлигини намойиш этувчи меъморлик ансамбли эди. Акрополь тепалигининг ён бағрларида қурилган ибодатхона ва томошахоналар эса уни янада муътабар, муқаддас даргох даражасига кўтарган. Грек классикаси меъморлигининг беқиёс намунаси, ақл-заковот ва афиналиклар хомийси бўлган Афина маъбудасига бағишланган Парфенон ибодатхонаси ҳисобланади.



Расм 58. План. 1-Парфенон. 2-Эрехтейон, 3-Ники Аптерос ибодатхонаси, 4-пропилей.

Эр. ав. 447-438 йилларда меъморлар Иктин ва Калликрат томонидан қурилган бу ибодатхона афиналикларнинг ҳазинасини сақлаш учун хизмат қилади. Парфенон ибодатхонаси безак ва хайкаллари эса даврнинг буюк хайкалтароши Периклнинг яқин сафдоши Фидий раҳбарлигида бажарилган. Парфенон акрополдаги энг баланд бинодир. Бино учун, асосан, дорий услубида ишланган периптер қабул қилинган, лекин унга қисман ион ордериининг элементлари киритилган. Парфенон қаршисидаги Эрехтеон ибодатхонаси меъмор Мнесикл томонидан эр. ав. IV асрда қурилган бўлиб, унда ион ордери ишлатилган.



Расм 59. Ники Аптерос ибодатхонаси, архит. Калликрат, эр. Аввал 449-421 й.



Расм 60. Афина. Агоралар плани. 1 – Гефестион ибодатхонаси (Тезейон). 2-Булевтерий. 3-Зевс стоасси. 4-Аттала стоаси. 5-6-Ўрта ва жанубий савдо галереяси. Афина. Фасад. Агорадаги Аттала стоасининг қирқими.



Ибодатхона кичик пешайвоннинг устунлари ўрнида кариатидалар деб номланган қизлар хайкали бўлиб, уларнинг пешайвон томини кўтариб турган пайтлари тасвирланган. Эрамиздан авалги V аср охирига келиб, қулдорлик демократияси инқирозга юз тута бошлади. Арзон қул меҳнатининг кўпайиши эркин граждан-лар-деҳқон ва хунармандларнинг ахволини оғирлаштира бошлади. Улар арзон қул меҳнати билан рақобатлаша олмас эдилар. Мулкий тенгсизлик кескинлашади, социал конфликт кучайади.

Афина ва Пелопонес орасида бошланган ўзаро уруш бу инқирозни янада кучайтирди. Македониялик Александр бу инқироздан фойдаланиб, грек полисларини уз давлатига қўшиб олди, шу билан классика даври ўзининг умрини тугатди.



Расм 61. Афина. Эрехтейон. Кариатид жанубий портиги.

Полисларнинг инқирозга юз тутиши санъатда ҳам юксак идеалларнинг йўқ бўлишига, инсон кучи ва гўзаллигига бўлган ишончини йўқолишига сабаб бўла бошлади.

Расм 62. Парфенон, архитекторлар Иктин ва Калликрат. Эр. аввал 447-438 й.



Эндиликда шахсий манфаат ижтимоий манфаатдан устун кела бошлади. Албатта бу даврда инсон қиёфасини тасвирлаш, унинг гўзаллигини куйлаш санъатда бош мавзу бўлиб қолди.

Кейинчалик меъморчиликда ибодатхоналар қурилиши камайди, аксинча, катта томошагохлар, ижтимоий бинолар яратилди. Булар ичида Эпидаврдаги театр диққатга моликдир. Тепалик ён бағрига ишланган бу театр бир вақтнинг ўзида бир неча минг томашабинни сиғдира олган.



Расм 63. Афина. Прпилей устунларидан иборат Парфенон кўриниши.



Расм 64. Қадимги Греция архитектурасининг конструкция ва ордерлари. 1, 2 – Парфеноннинг кўндаланг қирқими ва плани (эр. аввал 447–438 й.), 3, 4-Эрехтейоннинг кундаланг қирқими ва плани (эр. аввал 421-406 й.), 5-Парфеноннинг дорик ордери. 6-Эрехтейон жанубий портик ионик ордери. 7-Ники Аптерос ибодатхонаси ионик ордерининг деталлари (эр. аввал 449-421 й.), 8-дорик ордери ва унинг ёғоч прототипи. 9-портик томининг конструкцияси (Эрехтейон). 10-деворлар ва устунларнинг терилиши ва блокларнинг бириктирилиши.

Унинг қолдиқлари ҳозиргача мавжуд. Бу даврда қурилган купгина бинолар, асосан, бой зодогонлар буюртмаси ва диди асосида ишланган.

Шундай ёдгорликлардан Галикарнасдаги Мавсола мақбараси, афиналик бой Лисикрат томонидан ўрнатилган меъморлик композицияси диққатга сазовордир. Унча катта бўлмаган Лисикрат ёдгорлиги композицияси ўзининг бежирим кўриниши, шу билан бирга, улуғвор ва монументаллиги билан ажралиб туради.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Ордерлар системаси, акрополь. Апполон ибодатхонаси. Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси. Галикарнасдаги Мавсола мақбараси.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Қадимги Юнонистон (Греция) архитектурасининг неча ва қандай босқичлари бор?
2. Мегарон билан юнон ибодатхоналири типлари орасида қандай боғлиқлик мавжуд?
3. Ордер нима? Унинг неча тури бор? Унда қандай умумий ва хусусий жиҳатлар мавжуд?
4. Архаика даври меъморлигининг қандай намуналарини биласиз?
5. Классика даври архитектураси ҳақида гапириб беринг.
6. Олимпиядаги ва Акрагантдаги Зевс ибодатхоналарида тектоника жиҳатидан қандай тафовут бор?
7. Афина акрополи иншоатларида умум юнон ғоя қандай равишда уз аксини топган?
8. Театрлар қандай қисмлардан ташкил булган?
9. Афина акрополи эллинизм архитектураси жиҳатлари нималарда кўринади?

## МАВЗУ 7. ҚАДИМГИ РИМ АРХИТЕКТУРАСИ.

Қадимги Рим меъморчилиги Апенин яриморолларидаги кўпгина халқлар, жумладан, этрусклар, кейинроқ Рим босиб олган ерлардаги бошқа халқлар архитектураси таъсирида ривож топди. Унинг равнақига, айниқса, грек архитектураси кучли таъсир ўтказди. Лекин римликлар ўзга халқлар архитектурасини ўзлаштириб, ўрганиб, уни ижодий бойитдилар. шу архитектура анъаналарини ривожлантириб, унинг янги типи ва кўринишларини ҳам вжудга келтирдилар.

Римдаги тарихий шароит, ижтимоий тузум характери архитектуранинг ғоявий йўналишини белгилашда муҳим роль ўйнади. Римда меъморлик етакчи ўринни эгаллади. Меъморликда давлатнинг куч-қудратини тараннум этилди. Римликлар кўпчиликкка мулжалланган муҳташам бинолар қурдилар. Бундай характердаги бинолар бу давр учун янгилик бўлди. Меъморликда римликларнинг ақл-заковати яққол намоён бўлди.

Бу меъморлик этруск ва юнон меъморлик санъати традицияларига, қисман қадимги Шарқ меъморлиги санъати анъаналрига таянган ҳолда ривожланган. Уни янги услублар билан бойитдилар. Айниқса, бетонни ихтиро этилиши ва устун-тўсин системасига янги конструкциялар киритилиши, арк, қубба ва эгри равоқнинг эркин ва кенг қўлланилиши фақат Рим меъморлигида эмас, балки жаҳон меъморлик санъатида ҳам ҳақиқий революция бўлди.

Бу система катта фазовий кенгликни ёпа оладиган, хона ичида катта фазовий кенгликни яратиш имкониятини берадиган меъморлик композицияларини вжудга келтирди.

Қадимги Рим тарихи эрамиздан аввалги VI асрдан бошланиб, янги эранинг V асригача бўлган даврни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги VI асрга келиб, Рим аристократлари қулдорлик республикасига айланди.

У Апенин ярим оролини забт этиб, Ўрта ер хавзасида ўз хукумронлигини ўрнатгач, эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб, шу ердаги йирик давлатга айлнди. Босиб олинган ерлардан бойликларни Римга олиб келиниши унинг равнақида муҳим роль ўйнади, шу билан бирга, инқирозни ҳам тезлаштирди. Мулкий тенгсизлик ошди, эксплуатациянинг кучайиши эса омма норозилигини келтириб чиқарди. Айниқса, қуллар қузғолони (булар ичида Спартак қўзғолони машҳур) респблика даврининг инқирозига юз тута бошлаганини билдирди. Унинг ўрнига Рим императорлик даври эгаллади. Бу давр эрамиздан аввалги I аср охиридан янги эранинг 476 йилигача давом этди.

Бу 540 йил эр. ав. булган даврни ўз ичига олади. Анъанавий Этруслар типидаги ибодатхоналар қурилди, инженерлик иншоотлари. йўллар, кўприклар, акведуклар дастлаб улар приметив формага эга булган. Эр ав II аср Рим республикаси қурилишлари техникасида катта ўзгаришлар юз берди. Бетондан ишланган иншоотлар бунёд бўлди. Аркали сводли конструкциялар жадал ривожланиши бошланди. Аркали акведуклар, кўприклар қурила бошланди. Унинг пролетлари анча-мунча кенг эди.





Расм 65. Рим архитектурасининг конструкциялари
1-3-қирқим. Римдаги Пантеона портигининг ордери ва ротондаларнинг конструктив схемаси (125 й.). 4-равоқларнинг асосий кўринишлари 5, 6 ғишт-бетонли равоқларнинг терилиш техникаси 7-Константина базиликасининг цилиндрик равоғи 312 й 8-Крестли равоқ (Диоклетиниан термаси, IV аср бошлари) 9-гумбазли равоқ (Минерва Медика III аср) 10-ғиштли қопламли бетонли девор. 11-деворларни қоплаш услублари а-инцерт; б-ретикулат 12-тошли квадратлардан иборат аркли конструкция: «қуруқлигида» (Нимдаги акведук, II-аср бошлари) 13-амфитеатрнинг аралашма бетон-тошли конструкцияси (Колизей, I-аср): а-мрамор. б-травертинадан иборат арклар, в-пемзобетон, г-травертин; д-ғишт билан қопланган туф бетон, е-травертин, ж-ғишт билан қопланган бетонли арка; и-ғишт. 14-пантеон портигининг стропил конструкцияси 125 й атрофи (О.Шуази бўйича) 15 траян кўпригининг ёғоч конструкция (О Шуази бўйича)

Жумладан икки пролетли Фабриция кўприги Тибр дарёсига қурилган Римдаги кўприк эр ав. 62 йили бу бизгача сақланиб келган. Аркасининг пролети 24,5 м га тенг. Фуқоро қурилиши соҳасида бу даврга келиб,

## МАВЗУ 7. ҚАДИМГИ РИМ АРХИТЕКТУРАСИ.

Қадимги Рим меъморчилиги Апенин яриморолларидаги кўпгина халқлар, жумладан, этрусклар, кейинроқ Рим босиб олган ерлардаги бошқа халқлар архитектураси таъсирида ривож топди. Унинг равнақига, айниқса, грек архитектураси кучли таъсир ўтказди. Лекин римликлар узга халқлар архитектурасини ўзлаштириб, урганиб, уни ижодий бойитдилар, шу архитектура анъаналарини ривожлантириб, унинг янги типи ва кўринишларини ҳам вжудга келтирдилар.

Римдаги тарихий шароит, ижтимоий тузум характери архитектуранинг ғоявий йўналишини белгилашда муҳим роль ўйнади. Римда меъморлик етакчи уринни эгаллади. Меъморликда давлатнинг куч-қудратини тараннум этилди. Римликлар купчиликкка мулжалланган мухташам бинолар қурдилар. Бундай характердаги бинолар бу давр учун янгилик булди. Меъморликда римликларнинг ақл-заковати яққол намоён булди.

Бу меъморлик этруск ва юнон меъморлик санъати традицияларига, қисман қадимги Шарқ меъморлиги санъати анъаналрига таянган ҳолда ривожланган. Уни янги услублар билан бойитдилар. Айниқса, бетонни ихтиро этилиши ва устун-тусин системасига янги конструкциялар киритилиши, арк, қубба ва эгри равоқнинг эркин ва кенг қўлланилиши фақат Рим меъморлигида эмас, балки жаҳон меъморлик санъатида ҳам хақиқий революция бўлди.

Бу система катта фазовий кенгликни ёпа оладиган, хона ичида катта фазовий кенгликни яратиш имкониятини берадиган меъморлик композицияларини вжудга келтирди.

Қадимги Рим тарихи эрамиздан аввалги VI асрдан бошланиб, янги эранинг V асригача бўлган даврни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги VI асрга келиб, Рим аристократлари қулдорлик республикасига айланди.

У Апенин ярим оролини забт этиб, Ўрта ер хавзасида ўз хукумронлигини ўрнаттач, эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб, шу ердаги йирик давлатга айлнди. Босиб олинган ерлардан бойликларни Римга олиб келиниши унинг равнақида муҳим роль ўйнади, шу билан бирга, инқирозни ҳам тезлаштирди. Мулкий тенгсизлик ошди, эксплуатациянинг кучайиши эса омма норозилигини келтириб чиқарди. Айниқса, қуллар қузғолони (булар ичида Спартак қузғолони машҳур) респблика даврининг инқирозига юз тута бошлаганини билдирди. Унинг ўрнига Рим императорлик даври эгаллади. Бу давр эрамиздан аввалги I аср охиридан янги эранинг 476 йилигача давом этди.

Бу 540 йил эр. ав. булган даврни ўз ичига олади. Анъанавий Этруслар типидаги ибодатхоналар қурилди, инженерлик иншоотлари, йўллар, кўприклар, акведуклар дастлаб улар приметив формага эга булган. Эр. ав. II аср Рим республикаси қурилишлари техникасида катта узгаришлар юз берди. Бетондан ишланган иншоотлар бунёд бўлди. Аркали сводли конструкциялар жалал ривожланиши бошланди. Аркали акведуклар, кўприклар қурила бошланди. Унинг пролетлари анча-мунча кенг эди.



Расм 65. Рим архитектурасининг конструкциялари
1-3-қирқим. Римдаги Пантеона портигининг ордери ва ротондаларнинг конструктив схемаси (125 й.). 4-равоқларнинг асосий кўринишлари. 5, 6-ғишт-бетонли равоқларнинг терилиш техникаси. 7-Константина базиликасининг цилиндрик равоғи 312 й. 8-Крестли равоқ (Диоклетиниан термаси, IV аср бошлари). 9-гумбазли равоқ (Минерва Медика III аср). 10-ғиштли қопламли бетонли девор. 11-деворларни қоплаш услублари: а-инцерт; б-ретикулат. 12-тошли квадратлардан иборат аркли конструкция: «қуруқлигида» (Нимдаги акведук, II-аср бошлари) 13-амфитеатрнинг аралашма бетон-тошли конструкцияси (Колизей, I-аср): а-мрамор, б-травертинадан иборат арклар; в-пемзобетон, г-травертин; д-ғишт билан қопланган туф бетон, е-травертин; ж-ғишт билан қопланган бетонли арка; и-ғишт. 14-пантеон портигининг стропил конструкцияси, 125 й. атрофи (О.Шуази бўйича). 15-траян кўпригининг ёғоч конструкция (О.Шуази бўйича)

Жумладан икки пролетли Фабриция кўприги Тибр дарёсига қурилган Римдаги кўприк эр. ав. 62 йили бу бизгача сақланиб келган. Аркасининг пролети 24,5 м га тенг. Фуқоро қурилиши соҳасида бу даврга келиб,

қадимги Римда турар уйларни қурилиши бошланди. Эр. ав. II аср ўрталарида бой турар уйлари вжудга келди.

Бунга мисол бўлиб, бу давр учун сақланиб қолган Помпейдаги уйни кўриш мумкин, унда на фақат унча катта бўлмаган ховли атриум. Унинг атрофида асосий турар хоналар жойлашган, ҳамда атриум орқасида жойлашган перистил унча катта бўлмаган боғ усутнлар билан ўралган. Бу даврда турар уйлар композицияси айвонли қилиб ташкил қилинган.

Бу айвонлар табиат билан боғланган. Бойлар учун хашаматли виллалар қурилди. Йирик қулдорлар учун бундай уйлар билан бир қаторда бир бутун камбағаллар турар уйлари районлар, трушобалар қурилди. Бу трушобаларда энг элементар гигиена учун шароит йуқ эди. Шаҳар майдонлари кенг олдин савдо маркази булган майдонлар форумларга ўзгартирилган.

Рим меъморлигининг ўзига хос томонлари, унинг асосий типлари Рим республикаси давридаёқ намоён бўлди. Доимии уруш ва қирғинлик, граждан урушлари мантиқан аниқ топилган монументал меъморлик композицияларида ўз ифодасини топди. Эрамиздан аввалги VIII асрда ишланган мудофаа деворлари, мамлакатнинг турли қисмларини тутуаштирувчи гош тушалган кенг йўлларнинг содда ва жиддий кўринишларида давр рухи ва қуриши санъати характери кўринади.

Жумладан, машхур Аппий йўли милоддан аввалги 312 йилда қурилган. Бу йилда Рим қўшинлари жангларга боришди. Мустаҳкам куприк ва осма сув қувирлари (акведуклар) қурилган. Римликлар қадимги Грецияга ва бошқа эллинистик давлатлар устидан ҳукумрон бўла борган.



Расм 66. Қадимги Рим архитектурасининг ордерли тизими
1-рим ордерлари (Палладио бўйича): а-тосканский; б-рим дорийли; в-иони; г-коринфли; д-композитли; 2-ордерларнинг ярусли тизими (Римдаги Колизей). 3-қотирилган ордео. 4-ордерли аркада (фрагмент); 5-устунлардаги аркада (фрагмент); 6-композитли ордер деталлари (Римдаги Тита аркаси); 7-композитли ордер антаблемент деталлари (Палладио бўйича).

лари улар қурган бинолар купая борди ва хашами кучайди Милоддан авалги III-I асрларда қурилган ибодатхона шаҳар ва дала саройлари ва бошқа бинолар ўзларининг серхашамлиги билан ажралиб туради Римликлар Юнон меъморлигининг ордер тизимини қабул қилдилар ва ўз фаолиятларида кенг қўлладилар

Римликлар учун энг безакли коринф ордери севимли ордерга айланди. Янги композит янада хашамлироқ мураккаб композит ордерини яратдилар Бундан ташқари Римликлар этруслардан тоскан ордерини олдилар. Бу ордер ўз кўриниши жиҳатидан дор ордерига ўхшаса ҳам лекин бошқа рим ордерларида булгани каби унинг ҳам таг курсиси (педистали) борлиги, фризида метопа киритилганлиги ва устун ўзагида конюлюраларининг йўқлиги билан ажралиб туради

каннелюралар



Расм 67 Шаҳар марказининг плани
1-Цезар форуми; 2-Нерва ўтиш форуми, 3-Мира форуми (Веспасиана); 4-Табуларии; 5-Конкорди ибодатхонаси (Согласи), 6-Веспасияна ибодатхонаси; 7-Септимий Север аркаси; 8-Юлий базиликаси; 9-Эмилия базиликаси; 10-Цезарь ибодатхонаси; 11-Антонина ва Фаустина ибодатхонаси; 12-Кастора ва Поллукса ибодатхонаси; 13-Весталок атрийси; 14-Веста ибодатхонаси; 18-Тита аркаси, 19-Тиберия саройи; 20-Ливия уйи; 21-Флавиев саройи; 22-Августа уйи; 23-Мета Суаданс, 24-«Стадий», 25-Колизей; 26-Константина аркаси.

# РИМ ИМПЕРИЯ АРХИТЕКТУРАСИ

Рим империясининг биринчи императори Октавиан Август ҳукмронлик қилган йиллар (мелоддан аввалги 27 йил мелодий 14 йиллар) санъат ва маданиятнинг ҳақиқий ривожланган босқичи булди. Рим давлатининг олтин асри ҳисобланган.



Расм 68 Форумлар плани 1-Веста ибодатхонаси; 2-Кастора ва Поллукс ибодатхонаси, 3-Цезар ибодатхонаси, 4-Антонина ва Фаустина ибодатхонаси. 5-Эмилия базиликаси; 6-Юлий базиликаси; 7-Ростра; Шимол Септимия аркаси; 9-Сатурн ибодатхонаси; 10-Веспасияна ибодатхонаси; 11-Конкорди (Согласия); 12-Табуларий; 13-Венера Ота-оналар ибодатхонаси. 14-Минервалар ибодатхонаси, 15-Ульттора Марс ибодатхонаси; 17-Троян устунлари; 18-19-кутубхоналар; 20-Троян ибодатхонаси; 21-Троян бозорига кириш жойи.

Бу даврда назариётчи меъмор Витрувий, тарихчи. Ливий тарихчи шоирлар Вергилий ва Горацийлар ижод этдилар. Жамоат ва маъмурий бинолар кўплаб қурилди. Айниқса, Римда қурилиш жиддий тус олди.

Тарихчилар бу даврда императорнинг хизматини таърифлаб «Август Римни ғиштдан қурилган ҳолда олиб, уни мармарга қолдирди», - деб ёзган эдилар.



Расм 69. Рим. Константин аркаси. Эр. Аввал 312 йил қурилган.

Ҳақиқатдан ҳам бу давр хашаматли бинолари нафис устунлари, колонналари тоқ-равоқли ва гумбазли бинолари фавворалари сув хавзалари яшил табиат қўйинида алохида товланиб, уни янада куркам ва хашамтли кўрсатар эди. Бизгача вайроналарда етиб келган биноларнинг қолдиқлари ханузгача узининг салобати ва улуғворлиги билан хайратлантиради.

Рим меъморлигида I асрнинг охири ва II аср бошларида меъморлик мажмуалари кўп қаватли бинолар вужудга келди. Юлий, Юлийлар. Флавийлар ва Север каби императорлар даврида қурилган ғоятда катта саройлар зафар устунлари, шу давр ғоясини бадийан ифодаловчи ёдгорликлар сифатида характерлидир.

Меъморлик иншоотларидан 81 йилда қурилган Тит зафар дарвозасидир. Кейинроқ Септимий Север ва Константинларга ҳам атаб шундай зафар дарвозалар қурилган.

Марказий майдонлар архитектураси бойиши билан бирга, улар ирик иншоотлар қурилиши форумларга давлат аҳамияти берилди. Рим архитектурасининг кейинги республика даври, империя даври архитектурасига ўтиш даври бўлиб ҳисобланади.



Расм 70. Форумлар кўриниши.

Энг йирик жамоа иншоотлари тантанавий характерга эга бўлган. Цезар форуми ҳам диктаторни мадх этишга бағишланган. Шу мақсадда жумлан тантанали симметрия ўқига эса композиция.





Расм 70.а. Қадимги Рим Форумлари Чапда – Романум форуми, умумий кўринишининг реконструкцияси; пастда – Троян форуми, план, 112-117 й. Ўнгда – Троян устунлари.

Юқорида жойлашган форум ичкарисидаги ибодатхонадан иборат.

Республика архитектураси ютуқларини баҳолашда шуни айтиш керакки. у реалистик характерга эга. Иншоотларни янги формалари, янги техникаси. Римдан империя даврига мерос бўлиб қолган.

Шаҳарнинг марказий майдонлари форумлари айниқса хашамдор булган. Римнинг асосий йуллари шу форумлардан бошланган унинг марказида хайкаллар монументал устунлар ўрнатилган.

Форумлар ичида император Троян форуми алоҳида ажралиб туради. Уни меъмор Аппаладор 107-113 йилларда қурдирган. Бу форумларнинг майдони 116x95 метрлик тўртбурчакни ташкил этган. Ўртасида 27 метрли устун жойлашган.

Қадимги Римнинг энг катта биноалридан бири Колизей Амфитетриaир. Колизей улкан авал шаклида бўлиб, унинг диаметрлари 188x156 м ни ташкил этади. Гигант

Деворларнинг баландлиги эса 48,5 метрни ташкил қилади. Гладиаторлар жанги учун мулжалланган бу қурилмага бир вақтнинг ўзида 55 минг томошабин кира олган.



Расм 71. Рим. Коллизей ва Тита аркларининг кўриниши (эрамизнинг I аср охирлари)

Рим меъморлигининг яна муҳим ёдгорликларидан бири Пантеон ибодатхонаси ҳисобланади.

Меъмор Аплаладор Дамашқий томонидан 118-125 йилларда қурилган бу бино антик дунёнинг энг катта гумбазли биноси бўлиб, унда Рим меъморлигининг ютуқлари яққол кўзга ташланади.

Бинонинг ташқи кўриниши содда унинг олд томонини қизил гранитдан ишланган коринф устунли пештоқ безаб туради. Ён деворлари безаксиз. Ансинча интерьер безатилишига алоҳида эътибор берилган.









Расм 73. Римдаги Коллизей 75-80 йил. Умумий кўриниш, қирқим. План.

Расм 74. Рим. Пантеоннинг шимолий фасади. (II аср)

Полига мармар ётқизилган, деворлари эса икки ярусли бўлиб, биринчи ярусдаги чуқур токчаларда римликлар эътиқод қилган маъбудаларнинг хайкаллари қўйилган.



Иккинчи ярус эса рангли мармардан ишланган пилястрлар (девордаги устун шакли) билан, бўлиб чиқилган. Бинонинг тепа қисми бадий ечими ҳам диққатта сазовор. Гумбаз ости юзасида туртбурчак шаклидаги чуқурчалар (кессонлар) юқорига қараб кичрайиб боради. Бу ўз навбатида фазовий кенглик таассуротини оширшга хизмат қилади. Томошабин назарида гумбаз ости кенглиги катта ва чексиз бўлиб туюлади. Гумбазнинг юқори қисмида қолдирил-ган диемтри 9 м булган «Пантеон кузи» деб ном олган туйнук хонанин ёритиш билан бирга кенгдик таассуротини янада ошириб, хона ичига тантановорлик ва хашамтлилик бахш этади. Рим меъморлигида пайдо бўлган янги типдаги бинолардан бири термлардир.

Император Каракала давридаги терм (2211-216 йилларда қурилган айниқса катта хашаматли бўлган. 11 гектр ерни эгаллаган бу сарой дам олиш ва кўнгил очиш учун мўлжалланган. Рим меъморлигининг сўнгги меъморлиги рим форумидаги Максенси базиликасидир.





Расм 76. Римдаги Каракаллалар. 206-216 йиллар. Интерьернинг реконструкцияси, плани.

Расм 75. Римдаги Пётр Базеликаси. IV аср. Қирқим ва плани.









Расм 77. Константин базеликаси, 312 й. Аксонометрия

306-312 йилларда қурилган бу бино антик даврнинг энг катта фуқоролик меъморлиги намунасидир.
Турли сиёсий йиғилишлар утказиш савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун мўлжалланган бу бино ичкаридан уч нефга (қисмларга булинади)

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Ордерлар системаси, акрополь Апполон ибодатхонаси, Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси, Галикарнасдаги Мавсола мақбараси.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Қадимги Рим меъморий тарихи неча босқични ўзига олади?
2. Қандай қурилиш ашёлари ва конструкциялари тарқалган эди?
3. Қадимги римликларнинг қандай турар уйлари бўлган?
4. Мушандислик иншоатлар ҳақида нима биласиз?
5. Қадимги римликларда қандай ўзига хос иншоот типлар бўлган?
6. Рим империя даври архитектураси нималар билан характерланади?

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## МАВЗУ 8. ЎРТА АСРЛАР АРХИТЕКТУРАСИ.

Ер юзида ўрта асрлар даври формациясининг пайдо бўлишидан то-тиб, унинг ривожланиши ва ниҳоят, унинг инқирозидан кейинги формацияга ўрнини бўшатиб бергунгача бўлган даврдаги архитектурани, одатда, ўрта асрлар архитектураси дейилади.

Бу архитектура турли мамлакатларда турли вақтда бошланган ва давом этган. Жумладан, Европада у Буюк Константин подшолик қилган даврдан (IV аср) бошланади. Унинг дастлабки инқирози эса XIII-XIV асрлардаги Италияда шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан тезлашди.

Европадаги айрим мамлакатларда феодализм VII-VIII асрлар ва ундан кеч ҳам бошланиб, XVII асрнинг сўнгигача давом этган (масалан Византия, қадимги Рус). Аксинча, шарқ мамлакатларда (Хитой, Ҳиндистонда) Ўрта асрчилик бир мунча эрта бошланган. Лекин унинг инқирози чўзилиб кетиб, XIX асргача ва ундан кейинроқ ҳам давом этган. Ўрта асрлар инсоният камолотининг муҳим даврини ифодалайди.

Бу давр кейинги жаҳон халқлари иқтисодий ва миллий маданиятининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Унинг тараққиётини тезлаштиришда ўзининг кучли ҳиссасини қўшди. Ўрта аср архитектураси ўз характери жиҳатидан оммавий архитектура бўлиб, унинг яратувчиси эса халқдир. Гап шундаки, ўрта асрларда архитектура кенг халқ оммасига қаратилган.

Мамлакатнинг кенг омма орасига сингиш даври бошланди. Омма ҳам шу маданиятни яратувчи кучига айланди. Шу даврдан бошлаб, миллий, ўзига хос архитектура шакллана борди. Иккинчи томондан, ўрта асрларда дин феодаллар устидан ҳукумрон ва шу билан бирга, уларнинг ҳимоячиси бўлиб қолди.

Оммани ҳукумрон синфга тобе қилувчи қуролга айланди. Шу мақсадда дин тарғиботчилари архитектура имкониятларидан ўз фаолиятларида фойдаланадилар ва даврнинг асосий буюртмачисига айланиб, унинг ўзига хос томонини белгилашда муҳим роль ўйнадилар.

Буни христиан дини тарқалган ерларда черковлар, ислом дини мамлакатларида масжидлар, буддизм мавжуд бўлган жойларда будда ва унинг ҳаёти билан боғлиқ зиёратгохлар, ибодатхоналар пайдо бўлиши, унинг конструктив тузилиши, характери, бадиий безатилишида кўриш мумкин. Ўрта асрларда меъморчилик етакчи ўринни эгаллайди.

Бизгача ўрта асрлар меъморлик санъатининг жуда кўп нодир ёдгорликлари сақланиб қолган. Бу ёдгорликлар, айниқса, монументал меъморлик санъати ўрта асрлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим ўринни эгаллайди.

Улар даврнинг диний, фалсафий курашларини акс эттирибгина қолмай, инсон ақл-заковатининг қудратини улуғлайди.

Ўрта асрлар архитектурасининг янги типи, формалари давр талабларига жавоб берадиган усуллар жуда секин ривожланди. Антик Рим

меъморлари томонидан яратилган цирк, терма, стадионлар, форумлар бунлан керак эмас бўлиб қолди. Улар эндиликда нафақат қурилмас, балки борлари ҳам йўқ қилинар эди. Фақат баъзи бир иншоотлар аста-секин янги давр учун мослаштирилаётган эди. Рим базеликаси асосида христиан ибодатхоналари вужудга келди. Ғарбий Европада базелика билан биргаликда марказий композицияга эга булган ибодатхоналар қурилди. Купчилик бинолар типи тош териш йули билан қурилган, ғишт териб сводлар қурилган. Ғарб мамлакатлари урта асрлар катта бой меъморчилик меъросини қадимги дунё меъморчилигидан олди. Янги типдаги иншоотларга қуйидагилар кирган. Бой безатилган феодаллар қароргоҳлари (резиденциялар) атрофи деворлар билан уралган қурғонлар киради. Урта асрларда фуқаро меъморчилиги кам ривожланди, асосан маданий меъморчилик ривожланди. Урта асрлар даврининг энг асосий ҳукумронлик қилиб турувчи биноси бу черковдир. Дин урта асрлар даврини асоси ҳисобланади. Урта асрларда Ғарбий Европада аҳамият касб эттан биноларга черковлар, соборлар, аббатстволар кирган. Шарқ мусулмон давлатларида масжид-мадрасалар кирган. Византияда марказлашган давлат ҳокимияти нафақат сақланган ва аксинча янги формаларда ривожланган. Янги анъаналар антик меъморчилик Олд Осиё ва Кавказорти халқлари меъморчилиги ютуқларини бойитди. Кейинчалик катта гумбазли иншоотлар, шаҳарлар, саройлар, ибодатхоналар, акведуклар, куприклар қурилди. Ўрта асрлар маданий иншоотлари, парклар, монатирлар қурилган, лекин черков урта асрлар даврининг асосий таянчи ҳисобланган. Ўрта асрларда бир неча юз йилликлар Византия ва у билан боғлиқ маданий муносабатлар Шарқий Европа, Кавказ орти, Кичик Осиё ўз меъморий анъаналарининг янги типи, формалари, иншоотлари қурилди.

Бу даврда қурилган Европадаги ибодатхоналар, мусилмон шарқидаги хашаматли масжидлар, буддизм ёдгорликлари ўрта аср тафаккурининг маҳсули, инсоният тарихининг хаикали сифатида ханузгача кишилар қалбини тўлқинлантиради. Буюк инсон ақл-заковати қудратига таъзим этишга даъват этади.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Черков. Масжид, Будда ёдгорликлари.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Ўрта асрлар архитектураси билан қадимги дунё архитекктураси ўртасида қандай муносабат бўлган?
2. Ўрта асрлар меъморлигида қандай бинолар архитектураси етакчилик қилган?
3. Ўрта асрлар меъморлигининг рамзийлигига нималарда кўринади?
4. Урта асрлар архитектурасида қўрғон архитектурасининг ўрни қандай бўлган?

## МАВЗУ 9. ВИЗАНТИЯ АРХИТЕКТУРАСИ.

Ўрта асрнинг муҳим маданият ўчоқларидан бири Византия давлатидир. Шарқий Рим империясида 395 йили вужудга келган бу давлат 1453 йилгача яшади. Варварлар ҳужумидан бир мунча четда булган бу давлат узоқ вақт антик ҳаёти ва маданияти анъаналарини сақлаган ҳолда, аста секинлик билан янги фармацияга-ўрта асрларга ўта бошлади.

Бу ерда антик архитектура анъаналари эъзозланди ва давом эттирилди. Шу билан бирга, бу анъаналар мустаҳкамланиб бораётган феодализм ғоялари, христиан дини идеалогияси билан бойитилди.

Византия архитектурасида идеал образга эга булган муносабат ўз қийматини сақлаб қолди.



Расм 78. Константинополь плани, XIV аср. Черковлар: 1-Пантократор; 2-Липс; 3-Хор

Византия меъморчилигининг ўзига хос томонларини IV асрда унинг майдонига христиан динининг кириб кела бошлаган давридан шакллана бошлади. Бу хусусият Византиянинғ дастлабки гуллаган даври VI-VII асрларда яққол намоён бўлди. Константинополь бу даврда катта Византия империясининг фақат сиёсий маркази эмас, балки маданий ўчоғига ҳам айланди. «Иккинчи Рим» деб ном олған бу шаҳарда монументал қурилиш санъати ривожланди.

Бу ерда хашаматли монастир ва ибодатхоналар ансамбилини яратиш етакчи ўринни эгаллайди. Бу ансамбль типлари ранг-баранг. Айниқса, Византия учун антик ижтимоий маъмурий биноларни қуриш санъати анъаналари асосида қурилган марказий гумбазли ва чўзиқ базелика типидаги ибодатхоналар қурилиши характерлидир.





Расм 79. Константинополь. Пантократор монастири черковлари. XII аср. 1-шарқий фасад; 2-Мануил Комнинниниг қурилишгача бўлган плани (марказда)

Бу биноларда ички интерьернинг фазовий кенглиги христиан ибодати талаби асосида ечилгандир. Бу бинолар ташқи кўринишидан содда, вазмин, лекин ички кенглик ниҳоятда нафис ва серхашамдир. Шу мақсадда меъмор интерьер учун ёрқин, сержило мармар, олтин ва шунга ухшаш қимматбаҳо материаллардан кенг фойдаланган. Нур ва соянинг хона ичидаги мослиги унга алоҳида сирли ва сеҳирли куч бахш этган.

Илк Византия ибодатхонасининг намунаси - Равеннадаги уч нефли Сант Аполлинаре Нуово базеликасида шу хусусият ўз ифодасини топган. Чўзиқ базелика типида ишланган бу ибодатхонанинг марказий кенг нефи тепадаги дарчалардан тушаётган нурлар ҳисобига янада тантанаворлик кашф этади. Ён нефлар устунларнинг ритмини янада оширади. Асосий диққатни диний маросимлар утадиган майдонга йўналтирилган.




Расм 80. Константинополь. София собори. 532-537 йиллар. Траллик Анфимий ва Милетлик Исидор. Қирқим. Константинополь. Шаҳар марказининг плани. 1-София собори; 2-Августейон форуми; 3-Катта Император қасри.

Авеннадаги марказий қуббали Сан Витале черкови (521-547) нинг ички қисми девор ва поллари рангга бой мозайка билан безатилган, рангли мармар билан пардозланган. Византия меъморлиги услуби грек ва рим меъморлиги традицияларининг маҳаллий традициялар билан уйғунлашишидан вужудга келди.



Расм 81. Византия архитектурасидаги конструкциялар ва тузилмаларининг типлари. 1-марказлаштирувчи гумбазли тузилмаси – Константинопольдаги Сергия ва Вакха черкови, 527 й; 2-гумбазли базилика – Константинополдаги София собори (532-537 йиллар): а-план, б-қирқим; в-конструктив тизим (интерьернинг марказий қисм фрагменти); 3-крест-гумбазли тузилма: а-план (Календер-Джаим, IX аср); б-марказий қисмининг конструктив тизими; 4-елкандаги гумбаз ва елканли равоқ схемаси, 5-византияча девор териш

Жумладан, Константинополдаги Сафия ибодатхонаси ўз конструктив тузилиши жиҳатидан Пантеон ибодатхонаси конструкциясига ухшаб кетади, лекин бу ухшашлик бир мунча яширинган ҳолда талқин этилиши билан характерланади. Византияликлар грек-рим арк-гумбаз системасидан ҳам ўз мақсадларини ифодалаш учун фойдаланганлар. Византия меъморлигида хона кенглигига алохида эътибор берилишини таъкидлаш лозим. Интерьер фаюси актив, таъсирчан, ҳаяжонли. Хона ичининг кенглиги, чексиз ва улугвор бўлиб туюлиши, серхашамлилиги билан кишига психологик таъсир ўтказишга қаратилган. Византия меъморлиги ва маданияти жаҳон халқлари меъморлиги санъатини маданиятини ривожланишига катта таъсир ўтказди. Жумладан, бу маданият жанубий славянларга ўз таъсирини курсатди. Қадимги Рус архитектураси ва маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнади.



Расм 82. Константинополдаги София собори (532-537 йиллар) интерьер

*Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:*

Константинополь, ибодатхоналар ансамбли, базелика, неф, гумбаз, парусиар

*Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:*

1. Византия меъморлиги қадимги Рим меъморлигининг вориси эканлиги нималарда куринади?
2. Константинополдаги Суфия ибодатхонасининг щажмий-фазовий ва конструктив тузилишлари қандай?
3. Илк Визант даврига мансуб марказий композицияга эга булган қандай ибодатхоналар бор?
4. Салбсимон гумбазли ибодатхоналар қандай ривожланиш босқичларини утди?

## МАВЗУ 10. КАВКАЗОРТИ ХАЛҚЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

## (АРМАНИСТОН, ГУРЖИСТОН)

Ўрта асрлар архитектураси ва маданиятида Кавказ халқлари, жумладан, Арманистон, Грузия, Озарбайжон халқлари архитектураси ҳам алоҳида ўринни эгаллайди.

Бу халқлар архитектураси қадимги маҳаллий архитектура анъаналарига эга бўлган, ўрта асрнинг муҳим маданият учоқларидан ҳисобланади. Улар Византия ва Эроннинг ютуқларидан фойдаланиб, ўзига хос архитектура яратдилар ва жаҳон маданияти хазинасини бойитдилар. Кавказортида феодал муносабатлар жуда эрта ривожланди. Бу ердаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган айрим районларда IV-V асрлардаёқ феодализмга ўтиш жараёни сезиларли булди. Лекин унинг тўлиқ ғалабаси бирмунча узоққа чузилди.

Кавказ халқлари архитектурасининг дастлабки гуллаган даври V-VII асрларга тўғри келади. IV асрдан бошлаб, Арманистон, Грузия, сунгра Озарбайжоннинг шимолий қисмида христиан дини тарқалди. Натижада маҳаллий дин билан боғлиқ булган купгина ёдгорликлар вайрон қилинди. Христиан дини, айниқса, Арманистон ва Грузияда мустаҳкамланиб, бу давлатларнинг Сурия, Кичик Осиё ҳамда Шарқий Рим империясининг бошқа маданият учоқлари билан алоқасини янада кучайтирди. Шу билан бирга, бу ерларда маҳаллий шароит талабидан келиб чиқиб, меъморлик, тасвирий ва амалий санъатда янгича ўзига хос услуб пайдо булди.

Жумладан бу ерларда феодалларнинг қурғон-қасрлари билан бирга, фуқоро меъморлигининг янги типлари карвон-сарой, уст

очиқ бозорлар вужудга келди. Бу даврда қурилган ибодатхоналар плани конструктив тузилиши ҳам, бадиий безатилиши жиҳати феодализмга ўтиш жараёнида сезиларли булди. Лекин унинг тулиқ ғалабаси бирлик, айниқса, марказий қуббали биноларда яққол намоён бўлди ва жаҳон меъморлиги санъатида кузга куринарли уринни эгаллади.

Кавказ халқлари архитектураси X-XIII асрларда энг гуллаган даврини бошидан кечирди. Грузия ва Арманистон урта асрлар монументал меъморлик санъати хажмий-пластик ечилиши характери билан фарқ қилади. Марказий қуббали Кавказорти ибодатхоналари зинасимон композицияга эга булиб, унинг меъморлик ҳажмлари ўртага қараб баландлашиб боради. Черков биносининг турт томони ўзига фронтонлар билан туталланади. Бинонинг ташқи зинасимон композицияси интерьерининг ички характерга мос келади.

Ибодатхоналар кути ҳолда тошдан ясалган. Уларнинг ташқи томони тош плиталари билан пардозланган ҳамда декоратив хайкалтарошлик санъати билан безатилган. Арманистон ва Грузия архитектурасининг ўзига хос томонлари хайкалтарошлик, меъморлик нақшлари, рангтасвир ва турли хилдаги амалий-декоратив санъатда ҳам яққол намоён бўлди.

Жумладан, хайкалтарошлик санъати Византияга нисбатан салмоқли ўринни эгаллади Нақшлар мавзу ва услуб жиҳатидан ранг-баранг Рангтасвир иконаграфик фарқи билан бирга, ўзига хос бадиий стилистик хусусиятларга ҳам эга.

Илк ўрта аср меъморлиги туғрисида IV-V асрларда қурилган биноларнинг қолдиқлари маълумот беради. Бу даврда қурилган христиан ибодатхоналари, асосан, бир нефли ва уч нефли булиб, уларнинг томи ярим цилиндрик равоқлар билан беркитилган ёки текис ёпилиб, икки нишабли булган.

Илк базелика типидаги христиан ибодатхоналари чузиқ, деворлари силлиқ, яхши текисланган туртбурчак тошлардан қурилган. Улар стилобат устига урнатилган.

Христиан динининг ривожланиши у билан боғлиқ булган қурилишларни ҳам ривожлантирди. Ҳажм жиҳатидан катта ва хашаматли бўлишига эътибор берилади. Жумладан Ереруйск базеликасининг ички интерьери кенг ва бебаҳо булиб, урта неф баланд қилиб ишланган Бино деворлари куркам булиши учун эшик ва дарчалар атрофи рельефлар билан безатилган.

VI-VII асрлар меъморлигида хоналарнинг яхлит булишига алоҳида эътибор берила бошланди. Баъзи базеликалар эса қуббали ибодатхоналарга айлантирилди. Талин қишлоғидаги ибодатхона шунга мисол бўла олади. Меъмор уч нефли базеликанинг планини

ўзгартирмаган ҳолда, унинг марказий қубба билан тугалланган қисмига алоҳида эътибор берди.



Расм 82. Санаиндаги монастир ансамбили. X-XIII аср.



Расм 83. Санаиндаги кўприк. 1192 йил.

Арман меъморлигининг ўзига хос томонлари Эчмиадзин яқинидаги Рипсима ибодатхонасида яққол сезилди. Бу ибодатхона плани асосига ҳамма томони тенг бўлган бут олинган. Унинг тўрт томони абсида билан тугалланган. Бинонинг ташқи томони яхлит, салобатли. У узининг аниқ нисбати, девор фактурасининг ёкимли қилиб ишланганлиги билан характерланади. Бино силуэти яхлит ва аниқ тузилиши билан хотирада яхши сақланади. Ибодатхона саккиз қиррали барабан билан тугалланган.

Арманистон меъморлигида, асосан, плани туртбурчак ёки квадрат бўлган марказий ибодатхоналар билан бирга, VII асрда қуббали-ротонда деб номланган ибодатхоналар кенг тарқалди. Шундай ибодатхоналардан бири Авлиё Григорий ибодатхонаси ёки Звартноц характерлидир. Бу ибодатхоналарнинг ҳамма томони тенг бўлган бутсимон планда, унинг учлари эса абсида билан тугалланган. Лекин бу ибодатхона юқоридагидек туртбурчак ичида эмас, балки қалин девор билан айлантирилган девор ичига жойлаштирилган. Ташқи кўринишдан у юқорига кичрайиб борувчи уч цилиндрик барабани эс-

лятиб, томлари конуссимон қилиб ёпилган. Бино деворлари арк, буртма нақшлар билан безатилган.



Расм 84. Эчмиадзиндаги Рипсиме ибодатхонаси. 818 йил.

Звартноц ибодатхонаси, унинг бадиий безатилиш услуби кейинги Кавказорти халқлари архитектураси тараққиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ибодатхоналар мозайка ва деворий суратлар билан безатилган.

Араблар томонидан VII асрда Арманистон ерларининг забт этилиши архитектура тараққиётига тўсиқ бўлиб, бу хол қарийиб 200 йил давом этди.

Фақат араб халифалигининг парчаланиши ва Арманистоннинг чет эл истеълосидан қутулиши иқтисодий-сиёсий ҳаётда жонланиш бошланди. Йирик феодал ер ҳужалиги мустаҳкамланиб, кенгайиб борди. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ягона давлат яратишга интилиш сезила бошланди. Бу давр меъморлик санъатининг характерли томонлари Ванкули жанубий қирғоқларида. Ахтамар оролидаги подшонинг ёзги резиденциясида яққол намоён бўлди.

Бу ерда икки қаватли уйлар, хашаматли сарой бўлган, унинг деворлари эса суратлар буртма тасвирлар билан безатилган ва нақшланган. Бу сарой бизгача сақланмаган. Лекин унинг атрофидаги жуда кўп бинолар ва булар ичида айниқса, ибодатхона (915-921) машҳурдир. Ибодатхона ички деворлари суратлар билан безатилган. Эндиликда ташқи безак бино деворларидаги текисликка манзарали кўриниш бахш этган.

X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ани шаҳри Арманистоннинг маданий ва сиёсий марказига айланди. Бу ерда қўрғон, ибодатхоналар қад кўтарди. Булар айниқса, ибодатхоналар, асосан, у кўриниши ва плани жиҳатидан VI-VII асрлардаги меъморлик традитцияларини давом эттиради, баъзан такрорлайди. Жумладан Анидаги Авлиё Георгийнинг думалоқ ибодатхонаси Звартноцнинг айнан такроридир.

X-XI асрлар меъморлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, улар тоғ манзарасига уйғунлаштириб қурилган. Табиат ва меъморлик композицияларининг бундай узвий боғлиқ бўлиши, айниқса, черков ансамблларида яхши сезилади. (масалан Севан кўли атрофидаги черков ансамбли).

Гегам тогларида жойлашган қоя монастири, Айриванк монастири ансамбли ёки Гегард композицияси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ғорга жойлашган бу ансамбль жуда чиройли. Ғор ичига ўйиб ишланган хоналар ер устига ўрнатилган черков хоналарига ухшайди.

XII-IV асрлар меъморлиги тўғрисида гапирилганда, унда бадиий безакка эътибор кучайганлигини эслаш керак. Чунки, XII асрдан бошлаб, эндиликда катта йирик бинолар қурилиши тўхтади, ибодатхоналар ўлчами кичрая бошлади. Лекин биноларнинг ташқи томонини безашга эътибор кучайди.

Грузияда илк христиан дини билан боғлиқ бинолар (V-VI асрлар) базеликадир. Улар Кичик Осиё, Албания, Сирия, Арманистондаги базелика биноларига ўхшаш. Лекин у маҳаллий анъаналар билан бойитилган. Уч қаватли зинали супача устига қурилган бино ташқи томондан содда ва паст, оғир кўринишга эга. Лекин асосий диққат интерьерга қаратилган. Кенг хона деворлари аниқ, яхлит шакллар унинг ичи эмоционал имкониятларини оширади. Бино интерьерларини безашда тошдан яратилган капител ва пластлар муҳим ўринни эгаллайди. V аср охири ва VII асрда марказий қуббали қурилиш кенг ўринни эгаллайди ва унинг турли



Расм 85. Мцхетдаги Свети-Цховели Собори, 1010-1029 й, план, фасад



вариантлари ишлаб чиқилди. Мцхетидаги Джвари ибодатхонаси Грузия меъморлигининг характерли томонини ўзида мужассамлаштиргандир. Ҳажм жиҳатдан монументал кўринишга эга бўлган бино ва табиат манзараси билан уйғунлашиб кетган ва унинг бир бўлаги сифатида идрок этилади. Джаври ибодатхонасининг плани бут шаклида бўлиб, унинг чеккаларида ярим айлана абсида мавжуд ва бут квадрат ичига туширил-



Расм 86. Цромидаги ибодатхона, 626-634 йиллар. Реконструкция



Расм 87. Арман ва Грузия архитектурасида қурилиш услуб тузилмалар типлари. 1-халқ уйларининг конструктив схемаси: а-Грузия дарвозаси; б-в-Арман глахатуни; 2-марказлашган тузилма — Эчмиадзин яқинидаги Звартноц ибодатхона (Арман) 641-661 й., 3-марказий-гумбазли тузилма-Мцхет яқинидаги Джавари ибодатхона (Грузия) 590-604 й. а-план; б-қирқим; 4-гумбазли базелика — Анидаги собор, 981-1009 й. план; 5-девор, арк ва равоқ конструкциялар. б-аркии кесувчи конструкция. а-Ахпат монастиридаги катта гавит (Арман), 1209 й. б-арк конструкцияси

ган, бурчакларида хоналар мавжуд. Бино композицияси саккиз қиррали баланд бўлмаган барабан билан тугалланган. Ташқи девор бўртма тасвир ва нақшлар билан безатилган.

Марказий қуббали ибодатхоналар типларидан яна бири, турт устун устига ўрнатилган қуббали бинолардир. Бу устунлар бинонинг марказига қўйилган ва унинг ўзига катта гумбаз ўрнатилган. Қуриш санъатининг бу принципини шарқий христиан меъморлигининг катта ютуғи бўлиб, бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқалди ва ривожланди.

Араб истеълосининг сусайиши Грузияда князлик ва подшоликларни вужудга келтира бошлади. Натижада бу ерларда миллий ба-

дийй мактаблар шакллана бошлади. VIII-IX асрларда Грузия меъмор-лигида икки қуббали базелика типи шаклланди. Бино қурилишида парuслардан кенг фойдалана бошланди.

Грузия архитектурасининг энг гуллаган даври XI-XIII асрларга тўғри келади. Бу даврга келиб, Грузия яқин Шарқдаги энг йирик давлатлардан бирига айланди, моддий ва маънавий ҳаётида ривожланиш содир бўлди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Қўрғон қасрлар, карвонсарой, гумбазли ратонда, икки гумбазли базелика, паруслар.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Арманистон меъморлигида қандай хусусиятлар, иншоат типлари ва конструкциялари ривож топди?
2. Гавит нима?
3. Грузия меъморлигида қандай ибодатхоналар типлари шаклланди ва ривожланди?
4. Дарбаза нима?

## МАВЗУ 11. ШАРҚИЙ САХОЛИБЛАР СЛОВЯНЛАР, ҚАДИМГИ РУС АРХИТЕКТУРАСИ.

Қадимги Рус санъати тарихи шарқий словянларнинг биринчи феодал давлати Киев Руси ташкил этилиши (X аср) дан бошланиб, Россияда ўрта аср муносабатлари ва бадиий маданият принципларининг инқирозига юз тутишигача (XVII аср) булган даврни ўз ичига олади. X асргача шарқий словянлар бино, қалъа-қурғонлар ҳамда ибодатхоналарни лой ва ёғочдан курганлар, зодагонларнинг уйлари ҳамда қадимий дин билан боглиқ бўлган ибодатхоналар ёғоч уймакорлиги ва деворий суратлар билан безатилган. Тош, лой, ёғочдан ясалган иддлар X асргача ҳам ҳайкалтарошлик мавжуд булганлигини тасдиқлайди.

Қадимги Рус санъати бевосита ўзига яқин халқлар санъати ва маданияти таъсирида ривожланган булса ҳам, лекин ўзига хос фазилатларга эга булиб, ўрта асрнинг мухим маданият учоқларидан бири ҳисобланади. Қадимги Русда феодал муносабатлар бошқа мамлакатлар, масалан, Византия сингари, қулдорлик формациясини бошидан кечирмасдан бошланди.

Қадимги Рус санъатидаги ўзига хос хусусият меъморликда, айниқса, фуқаро меъморлиги, қалъа ҳамда ибодатхоналар қуриш санъа-

тида яққол номоён бўлди. Қадимги Рус меъморлигининг композициялари табиат билан уйғунликда ишланиши ва унинг характерига мос келиши билан характерланади. Бу бинолар шакл ва тип жиҳатидан ранг-баранг булиб, энг қадимги давр ёғоч ва тош меъморлиги санъати билан боғлиқлиги сезилади.

Феодал муносабатлар шарқий славянларда биринчи минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлди ва VIII-IX асрлар чегарасига келиб, бу шаклланиш тугалланди. Бу процесснинг тезлашишида IX асрда Киев ва Новгороднинг юксала бошлаши ва йирик Киев Руси давлатининг пайдо булиши муҳим уринни эгаллайди. X асрда христиан дини расмий давлат дини деб қабул қилинди. Бу Руснинг ғарбий Европа ва Византия билан алоқасини кучайтирди. Византияликлар яратган меъморлик принциплари ҳам Русга кириб келди. Тошдан қурилган ибодатхоналар пайдо булди. X аср ва XI асрнинг биринчи ярмида Киев Руси Европада кузга кўринган йирик давлатлардан бирига айланди. Санъат ва маданият сохасида ҳақиқий гуллаш даврини бошидан кечирди.



Расм 88. Черниговдаги Пятницкая черкови. XII-аср охири XIII аср бошлари.

Даврнинг муҳим меъморлик ёдгорлиги Киевдаги Авлиё Сафия Собори Киев Русининг бош ибодатхонаси булиб, у давлатнинг куч қудрати ва ягоналигини тараннум этади. 1037 йили қурила бошлаган бу соборларни Византия меъморлигида кенг тарқалган будсимон қуббали системадан олинган бўлиб, беш нефли қилиб ишланган. Лекин у Византиянинг шу типдаги биноларидан узининг ташқи кўриниши, энг аввало, ун уч қуббали қилиб ишланиши билан ажралиб туради. Бинонинг марказий қисмида энг катта ва баланд қубба бўлиб, у бинони мустаҳкам ва қудратли қилиб кўрсатади. Бино атрофи галереялари билан уралган. Улар эса бинога енгиллик киритади.

Бу галереялар баланд қубба атрофида пасайиб бораётган майда қуббалар билан биргаликда бинонинг декоратив томонини янада бўртириб кўрсатади. Ибодатхонанинг тантанавор пирамидал композицияси, қуббачаларнинг ягона йирик қубба атрофида бирлашиши буларнинг ҳаммаси меъморнинг асосий ғояси феодал иерархиясини, Киев Руси давлатини қудратини улуғлаш халқнинг енгилмаслигини

кўрсатишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда қурилган ибодатхонала фақат тоат-ибодат учунгина мулжалланиб қолмай, давлатнинг муҳим сиёсий ва маданий маркази вазифасини ҳам ўтаган. Бу ерда тантанали маросимлар, йиғинлар ўтказиш, элчиларни қабул қилиш, давлат хазинасини сақлаш учун ҳам фойдаланилган.

Киев Руси парчаланишидан кейин ташкил топган князликлар ичида Владимир ёки Владимир-Суздаль князлиги энг кучли бўлди. У XII асрда ташкил топиб, XII аср охири ва XIII аср бошларида Буюк Владимир князлиги деган унвонни олди ва хатто, Киев князлигини ўз ҳокимиятига итоат этишга мажбур этди.



Расм 89. Русия архитектурасида қурилиш услублари ва тузилмаларининг типлари (XII-XIII-аср бошлари). 1-Владимир яқинида Нерлидаги Пакрова черкови, 1165 й. (план, қирқим, деворларнинг терилиши); 2-Черниговдаги Пятницкая черкови XII-XIII-аср бошлари (план, қирқим портал детали); 3-Новгород яқинида Нередицедаги Спаса черкови, 1198 й. (план, қирқим, деворларнинг терилиши)

Меъморлик санъати Буюк Владимир-Суздаль князлигини улуғлаши, қудратини намойиш этиши зарур эди. Шу бойисдан Владимир шаҳри қурилишига алоҳида эътибор берилди. Бу ерда қурилган биноларнинг кўпчилиги оқ тошдан яратилган бўлиб, бу материал унга ўзига хос нафосат бахш этган.

Владимир князлигининг илк оқ тошдан қурилган меъморлиги Переславл-Зелесскийдаги бир қуббали Спасо-Преображенский соборидир. У декоратив безаклардан ҳоли, кўриниш жиҳатидан яхлит ҳамда меъморлик композициясининг симметрик ечими билан характерланади. Владимир меъморлигининг машҳур ёдгорликлардан яна бири "Тиллакор дарвоза" (1164) бўлиб, у рус қалъа-қурғон меъморлигининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади.

Владимир меъморлигида "Успенский сабори" алоҳида ўрин эгаллайди (1158-1161). У Киевдаги асосий умумрус Авлиё Сафия ибодатхонаси сингари улуғвор, кўркам бўлиши, шаҳарнинг ҳақиқий сиёсий

ва маданий маркази вазифасини уташи, шу билан бирга. Владимир ҳокимиятини тараннум этиши лозим эди. Рус меъморлигига хос бўлган фазилат. айниқса. Нерлидаги Пакров черковида (1165) ҳамда Владимирдаги Дмитриев соборида (1194-1197) янада яққол номоён булади.



Расм 90. Нерлидаги Паркова ибодатхонаси 1165 й



Расм 91. Владимирдаги Дмитриев собори 1194-1197 й

Нерлидаги Покров черкови қадимги Рус меъморлигининг энг поэтик ёдгорлиги ҳисобланади. Шаҳардан чекада қурилган бу черков ўзининг ниҳоятда нафис ва эркинлиги билан ажралиб туради. Бир қуббали, юқорига чузиқ ҳолда қурилган бинонинг дубулғаси цилиндрик барабан устига ўрнатилган. У бинодаги енгилликни янада бурттиради.

X-XI асрларда Новгород Киев давлатидаги катта шаҳарлардан бири булиб, қадимги Руснинг муҳим маданият учоғи саналган. XI аср ўртасида бу ерда қурилган Авлиё София ибодатхонаси шундан далолат беради. Бу собор ўз плани жиҳатидан Киевдаги соборга ухшаш, лекин ундан бир оз кичик ва беш баҳайбат дубулғани эслатадиган гумбазлидир.

Бу гумбазлар юмалоқ пойдевор-барабанларга ўрнатилган. Бинонинг ташқи томони безаклари содда деворлари тик силлиқ ортиқча безаклари йуқ. Бинонинг бундай безатилиши унга яхлитлик, сиполик ва улуғворлик бахш этади. Новгород 1136 йили қузғолондан сўнг йирик бояр ва савдогарлар республикасига айланди.

Спас Нередице ибодатхонаси ҳамда Юрьев монастирининг Георгиев собори шу давр Новгород меъморлигининг ўзига хос томонини намоён этади.

Бир гумбазли Спас черкови ташқи безакларининг оддийлиги билан характерланади ва ўзининг хушманзаралиги, кўркамлиги билан яхши таассурот қолдиради.





Расм 92. Новгород. София собори 1045-1054 й. Ғарбий фасад
Новгород Ситуацион план XII аср 1-Детинцедаги София собори; 2-Борис ва Глеб собори; 3-Николо-Дворищенский собори; 4-Духов монастири; 5-Зверин монастири. Штрих билан Новгороднинг чуқурроқ маданият қатламига эга бўлган дастлабки кўчиб келганлар территорияси кўрсатилган.

**XII-XIII асрларда Новгород ва Владимирдаги меъморчилик ёдгорликлари кейинги Рус санъати тараққиётида муҳим уринни эгаллайди.**











Расм 93. Новгород-Псков меъморчилиги XI-XII аср. Чапда – Новгороддаги София собори, 1045-1052 й., б- Псковдаги Мирожский монастирининг собори, 1156 й. реконструкция; в-Новгороддаги Прынский черкови, XII аср охирлари.

XIV аср Новгород меъморлигининг классик, ноёб ёдгорлиги Федор Стратилат черкови ҳамда Спас-Преображенский собори ҳисобланади.

Бу бинолар улуғвор, серхашам ва гўзалдир. Бинонинг бундай гўзал бўлишида турли шаклдаги тахмончалардан ўринли фойдаланилган, учбурчаксимон чуқурчалар, содда аркалар муҳим роль ўйнаган.



Расм 94. Киев Руси архитектурасидаги қурилиш услуб ва тузилмалар типлари.
1-Ибодатхонанинг крест-гумбазли тузилмасининг схемаси; 2-Черниговдаги Спасо-Преображенский собориининг плани (1036 й.); 3-интерьер аркадга мисол; 4-Киевдаги Софии собори (1037 й.), а-план; б-шарқий фасаднинг реконструкцияси; в-марказий апсиднинг фрагменти; г-деворларни териш, 5-Новгороддаги Софии собори (1045-1052 й.); а-план; б-кўндаланг қирқим; в-деворларни териш.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Цилиндрсимон барабан, Киевдаги Авлиё София ибодатхонаси, Владимирдаги Успения собори.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Ўрта аср Руссия меъморлигининг қандай узига хос ривожланиш босқичлари мавжуд?
2. Киевдаги авлиё София соборнинг гумбазлари нечта бўлган?
3. Владимирдаги шамда Москвадаги Успения соборининг умумий ва хусусий жиҳатлари нималардан иборат?
4. Ибодатхона — ёдгорликлар архитектурасида қандай умумийликлар бор?
5. Диний ва дунёвий архитектура жиҳатларнинг улушлари XVII асрда қандай бўлган?

## МАВЗУ 12. ОЗАРБАЙЖОН АРХИТЕКТУРАСИ.

Ўрта асирчилик бу ерда IV-V асрлардан бошланди. Бу даврда Озарбайжон сосонийлар давлати таркибида эди.

Илк феодализм даврида Озарбайжонда асосан эски шаҳарларни кенгайтириш, янги шаҳарларни қуриш борасида сезиларли ишлар олиб борилди. Илк феодализм асри санъати, айниқса, меъморчилиги купроқ яқин қушнилари Арманистон ва Грузия архитектурасига яқин бўлган. VII асрда арабларнинг Озарбайжон ерларини босиб олиши унинг меъморчилик санъати ва маданиятига катта таъсир ўтказди.

Бу ерларда ислом динининг тарқалиши эса у билан боғлиқ бўлган масжид, карвонсарой ва бошқа меъморлик ёдгорликларининг вужудга келишига сабаб булди. Низомий даври деб юритиладиган XII аср ва XIII асрнинг бошлари Озарбайжоининг урта аср санъати ва меъморчилигида, амалий санъатида, маданияти тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу даврда ҳунармандчилик ривожланди, қатор шаҳарлар йирик маданий марказга айланди. Озарбайжон маданиятининг йирик вакиллари шу ерларда яшаб ижод қилди. Булар ичида Хоқоний, айниқса, Низомиддин Илёс Низомий Ганжавий (1141-1209) алоҳида ўрин тутади.

Улар ўз асарларида материалистик дунёқарашни илгари сурдилар, меҳнат аҳлига зўр ҳурмат билан қарадилар, уларни ўз асарларида куйладилар.

Бу асрларда меъморчилик ва тасвирий санъат (миниатюра) борасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Шу даврда шаклланган монументал меъморлик принциплари кейинги бир неча аср мобайнида ўз қийматини йуқотмади.



Расм 95. 1-Мардакян қишлоғидаги қаср минораси. 1232 й. уста Абд-ул-Маҳид. Умумий кўриниш. 2-Синиқ-қалъа минораси. 1078 й., тепа қисмининг умумий кўриниш. 3-Қиз минора. XII аср бошлари, ғарб томондан умумий кўриниш. 4-Барддаги мавзолей. 1322 й., уста Аҳмад. Жануб томондан умумий кўриниш

XI-XIII асрларда Озарбайжоннинг кўпгина шаҳарларида қурилиш жадал ривожланди. Шаҳар деворлари, мудофаа қалъа ва миноралари, сарой, миноралн масжидлар, мақбара, ҳаммом ва шунга ухшаш бинолар қурилди.

Синиқ қалъа, Қиз минора, Юсуф ибн Куссир ва Мумин-хотин мақбаралари шу даврнинг нодир ёдгорликлариданднр. Мўғил галаларнинг Озарбайжон ерларига ҳужуми унинг санъати тараққиётини тухтатиб қўйди. Лекин бу узоққа чўзилмади. XIV аср урталарида Ширвон шох давлати Шимолий Озарбайжонда узининг мустақиллигини ўрнатди.

XIV-XV асрларда монументал меъморчиликда кузга кўринарли ёдгорликлар юзага келди, минорасимон мақбаралар қурилди. Булар ичида Қорабоглар ва Бардос қишлоқларидаги мақбаралар диққатга сазовордир.

Бокудаги Ширвон шохлар саройи XV аср монументал меъморлигининг машҳур намуналаридандир. Эски шаҳарнинг энг баланд жойига қурилган бу сарой ансамбли бир неча ўн йил мобайнида қурилган бўлса ҳам, бадиий жиҳатдан яҳлит бўлиб куринади.



Расм 96. Бокудаги Ширвон шохлар саройи, XV аср

Сарой ансамблидаги турли ҳажм ва шакллар улчамининг ўзаро мутаносиблиги, пештоқ, қубба ва миноралариинг ажойиб ритми бутун ансамбл бадиийлигини оширишга хизмат қилади. Ўйма нақш ва ғиштларнинг терилиши бинонинг бадиий-эмоционал томонини оширишга хизмат қилади.

Бу ансамбл меъморлигида Кичик Осиё, Эрон меъморлиги анъа-

налари таъсири борлиги сезилади. Лекин ўзининг композицион тузилиши ва бежиримлиги жиҳатидан тенги йўқдир. Ўрта асрлар Озарбайжон тасвирий санъати ичида миниатюра алоҳида ўрин эгаллади ва ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Сарой, минора, масжид, мақбара, ҳаммом, қалъа, минорасимон мақбара

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Озарбайжон архитектурасининг неча ривожланиш босқичлари ва қандай асосий икки меъморлик мактаблари бор?
2. Шервон-Аншерон меъморлигининг хусусиятлари қайси иншоотларда ўз ифодасини топган?
3. Бокудаги Шервон шохлар мажмуасига қандай иншоотлар киради?
4. Наҳичевон меъморлигининг хусусиятлари қандай иншоотларда ўз ифодасини топган?

## МАВЗУ 13. ТУРКИЯ АРХИТЕКТУРАСИ.

XI асрда салжуқ турклари (Ўрта Осиёдаги кўчманчи туркий қабила) Кичик Осиёнинг каттагина қисмини босиб олиб, мустақил феодал давлатини ташкил этдилар. Қабила Кичик Осиёнинг каттагина қисмини босиб олиб, мустақил феодал давлатини ташкил этдилар

Унга салжуқ сулоласи вакиллари раҳбарлик қилдилар. XIII асрга келиб, бу давлат Ўрта ер денгизи ҳавзаси ҳамда Қора денгиз соҳилларини ҳам эгаллаб, қудратли давлатлардан бирига айланди. Шу сиёсий, иқтисодий тараққиёт даврида архитектура ва маданият ҳам жиддий ривожланди.

Шаҳар қурилиши кенгайди. Савдо-сотиқнинг ўсиши, ҳунармандчилик, маҳаллий декоратив санъат равнақига ҳам ажойиб таъсир ўтказди. Кулолчиик, гилам тўқиш, металлдан бадиий буюмлар ясаш соҳасида ютуқлар қўлга киритилди. Бу санъатлар маҳаллий анъаналар асосида ҳамда Кичик Осиёдаги яқин қўшни мамлакатлар, айниқса, Кавказорти, Эрон, Ироқ таъсирида шаклланди. Мўғил галаларининг исътибдоди Туркия ерларининг қатор мустақилликка эга бўлмаган феодал ерларига парчаланишига сабаб бўлди. Лекин XIV аср бошларида катта бўлмаган князлик аста-секин ўз ерларини кенгайтириб, тезда Усмон империяси деб ном олган давлатга айланди.

Шу даврда Турк маданияти, архитектураси ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Меъморлик, тасвирий ва

амалий санъатда муҳим нодир асарлар яратилди. Бу меъморликнинг шаклланишида салжуқ даври меъморлиги анъаналари муҳим роль ўйнади.





Расм 97. 1-Конидаги Инже-Минор, 1252-1285 й. Портал. 2-Адрианополдаги Селимие мачити, 1567-1574 й. Уста Хўжа Синан. Интерьер.





Расм 98. Мерзифон Челеби Мехмед мадрасаси. 1414 й.

Расм 99 Бурса. 1-Йилдирим Боязид мадрасаси. План, қирқим; 2-Боязид Йилдирим госпиатли. План, қирқим, 3-Яшил мадраса. 1415 й. План, қирқим



Расм 100. Стамбулдаги аҳоли уйлари.

Шу билан бирга, Византия меъморлиги ҳам шу давр меъморлигига унинг характерига сезиларли таъсир ўтказди Бу таъсир туркларнинг Константинополни босиб олганларидан сўнг бошланди.

Турк меъморлари биноларнинг шаклан аниқлиги, нисбатларининг бежиримлиги ва қуббали бинолар қуриш иши билан катта муваффақиятга эришдилар. Арк қирралари, декоратив токчаларга, равоқларни безаб турган сталактиталар қурилган биноларнинг ниҳоятда жимжимадор бўлишига хизмат қилади.

Расм 101. Бурса. Мурод I Мадраса-мачити 1363 й. Асосий фасаднинг фрагменти, фасад, қирқим, планлар.





Расм 102. Адрианополдаги Селимие мачити. 1567-1574 й. Уста Хўжа Синан. Умумий куриниш ва план (ўнгда). Стамбулдаги Сулейман мачити. 1550-1555 й. Уста Хўжа Синан. План (чапда).



Расм 103. Стамбул. Хайр-ед-Дин Барбаросса мавзолейи:, XVI аср, Хўжа Синан архитектураси. Умумий кўриниш. Сулейман мавзолейи, 1559-1560 й. Хўжа Синан архитектураси. Умумий кўриниш

Нақшлар турли геометрик шакллардан чалкашиб кетгандек қилиб ишланган. Ўсимликлар дунёсидан олинган шакллардан ташкил топган. Нақш ва рельефлар эпиграфик ёзувлар билан аралашиб кетган.



Расм 104. Стамбул. Топ-Капу саройи. XVI-XIX аср. Иккинчи ҳовлига кириш дарвозаси, ансамбл плани. 1-кириш дарвозаси; 2-иккинчи дарвоза, 3-ошхоналар (Хўжа Синан архитектураси); 4-Эски Диван, 5-учинчи ҳовлига кириш дарвозаси, 6-ҳазинахона, 7-Ахмед III кутубхонаси; 8-харам; 9-госпитал, 10-мачит, 11-Боғдод саройи



Расм 105. Мадраса ансамбллари. 1-Стамбул. Фатих мачити ансамбллари, XVI аср. План. 2-Эдирне. Боязид II мачитидаги мадраса комплекси, XVI аср. План. Психиатрия госпитали. Фасад, қирқим.

Бино безагида деворлар рангига ҳам алоҳида эътибор берилади. Меъморлик равнақи декоратив санъат тармоқларининг ривожланишига таъсир қилди, ёғоч ўймакорлиги борасида юксак чўққига эришилди. Усмонийлар даври меъморлигининг дастлабки босқичида бевосита салжуқ меъморлиги анъаналари ривожлантирилган булса ҳам кейинроқ Константинополь ерларини босиб олгандан кейин, Византия меъморлиги анъаналари кенг ўрин эгаллай бошлади.

Турк меъморлари Византия ибодатхоналарини қуриш принципларини қабул қилиб, унинг кўринишига янги бадиий мазмун киритдилар.









Расм 106. Стамбул. Боязид мачити, 1505 й. Кемал-ед-Дин архитектураси. Умумий кўриниш, ҳовли галереяси, план.

Бу давр турк меъморлигида катта гумбазли бинолар қуриш, бинонинг ички фазовий кенглигига алоҳида эътибор бериш кучайди. Бу хусусда Истамбулдаги Султон Боязид II масжиди кўриниши ва планировкаси диққатта сазовордир.

Туркия амалий санъати билан шуҳрат қозанди. Кулолчилик, тўқимачилик, гилам тўқиш, металдан қурол аслаҳа ясаш борасида эришилган ютуқлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Феодал даври Турк меъморлиги Яқин Шарқ бадий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Турк меъморлари яратган меъморлик ёдгорликлари қўшни мамлакатларга таъсири кучли бўлди. Кейинчалик турк меъморлари яратган сарой ва масжидлар типида араб мамлакатларида, Болқон ярим ороли ва Қримда кўплаб бинолар қурилди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Сталактиталар, арк, декоратив токча, эпиграфик ёзув, Султон Боязид II мачити.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Туркия архитектурасида қайси архитектура кўпроқ таъсир кўрсатади?
2. Кония султонлиги архитектурасининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
3. Истамбулдаги Султон Боязид II масжиди архитектура қандай сифатлари билан характерланади?
4. Хужа Синоннинг қандай асарларини биласиз?

## МАВЗУ 14. ХИНДИСТОН АРХИТЕКТУРАСИ.

VI асрда Гупта династияси ҳокимияти кўчманчи қабилалар тазйиқида ҳалокатта учради. Хиндистон феодализм асрига қадам қўйди. Шу даврга келиб, Хиндистонга ташқи ҳужумлар ҳам камайди ва Хиндистон иқтисодий ривожланиш, ташқи мамлакатлар билан совдо-сотиқ ишларини олиб бориш имкониятига эга бўлди. VII аср меъморлиги, асосан Мадрас яқинидаги Мамаллапурама шаҳарчасида тўпланган.



Расм 107. Хиндистон ва жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари ва Хиндистон архитектурасидаги иморатларнинг конструкциялари ва тектоник аҳамиятлари. 1-қоятош қурилмалари бўйича қайта тикланган чайтья ва вихраранинг тахминий ёғоч конструкцияси; 2-Эллорадаги монолит харам қирқими, 750 й.; 3-Бхубанешвардаги Лингаражи хараминииг қирқими, 1000 й.; 4-Мамаллапурамдаги монолит ратха, XIII аср; 5-Аджантадаги вихара. VII аср. 6-Эллорадаги қоятош храмнинг устунлар ишланмаси, VIII аср; 7-тош плиткалар қопламы, 8- тош ва ғишт конструкция



Бу ёдгорликлар комплекси катта қояларни йўниш асосида яратилган ҳамда ғорга ишланган ибодатхоналардан, қоя сатҳида ишланган «Гангнинг пастга тушиши» бўртма тасвиридан ташкил топган. Қояга йўниб ишланган ибодатхона ратихлар баландлиги 14 м дан, ғор ичига ишланган ибодатхоналарнинг эни ва узунлиги эса 8 м дан ошмайди. Кўп ҳолларда қояга йўниб ишланган ибодатхоналарнинг ички хонаси йўқ. Уларнинг ташқи шаклларида ўша даврда мавжуд бўлган ибодатхоналар шакли қайтарилади. VII-VIII аср меъморлигида хайкалторошлик санъати муҳим ўрин эгаллади.

VIII асрга келиб, ибодатхоналарнинг, асосан, икки типи одат тусига кирди. Булардан биринчиси, шимолий Хиндистон ерларида қурилган бўлиб, бу типдаги ибодатхоналарнинг тепа томини учи бир оз қайрилган баланд минорали, иккинчиси эса, зинали, пирамида шаклидаги ибодатхоналар бўлиб, улар кўпроқ жанубий Хиндистон ерларида кенг тарқалган.

Бхубвнесварадаги Лингарджа ибодатхонаси ҳамда ғаджураходаги Кандарья Махедьва ибодатхонаси шу давр хинд меъморлигинг биринчи типига мисолдир. Бхубанесваиредаги ибодотхона минораси майин эгилган вертикал чизиқлар билан бўлиб чиқилган, шакли нилуфар мевасини эслатади. Ибодотхонанинг қолган қурилмалари шу асосий минора шаклини кичик ҳажмларда қайтаради ва бутун композиция динамикасини оширади. Ибодатхона комплекси 140x160 м майдон ўртасида жойлашган бўлиб, унинг атрофи девор билан ажратилиб чиқилган.



Расм 108. Аджантадаги Чайтья. V-IX асрлар. Интерьер; Кхаджурахадаги Кандарья храми, 1000 йиллар атрофи; Танджурадаги катта храм, 1010 й.

Ибодотхона тўрт бўлимдан иборат бўлиб, улар асосий ўқ бўйича шарқдан ғарбга қараб жойлашган. Ибодатхона минорасининг баландлиги 40 м дан ортиқ бўлиб, композициясининг бадиий тугал бўлишига хизмат қилади. Танжорадаги Шиванинг катта ибодатхонаси жанубий Хиндистон ўрта аср меъморчилигининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади. Катта майдон ўртасига ўрнатилган меъморлик ансамбли композициясининг марказий

қисми 63 м. минора билан тугалланади.

Минора учта катта ҳажмдан ташкил топган булиб, пастдаги ҳажм квадрат, ундан кейин кескин пирамида ва думалоқ гумбаз унинг композициясини ташкил этади.

Бу ҳажмлар декоратив безакка бой, лекин улар миноранинг яхлит ва улуғвор булиб куринишига халақит бермайди. Хинд ҳайкалтарошлиги ғор ва қояларга ибодатхоналар ишлаш санъати билан чамбарчас боғлиқдир. Яратилган хайкалтарошлик асарларида умуман, шартлилик етакчилик қилади. Хаётий воқеалар афсонавий воқеалар билан уйғунлашиб кетади. XIII асрдан бошлаб, Хиндистон сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим давр бошланди. Мамлакат феодал муносабатларининг янги даврига қадам қуйди. Хинд ерларини турклар томонидан босиб олиниши, мусулмон феодалларининг ҳукумронлиги Хиндистонда йирик марказлашган давлатларнинг юзага келишига олиб келди.

Бобир ва унинг ворислари ҳукумронлик қилган Хиндистон XVI-XVII асрларда ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди. «Мусулмонлар» билан кириб келган янги ислом дини давлат динига айланди. Унинг таъсири эса меъморликда ўз ифодасини топди. Шимолий Хиндистонда Ўрта Шарқ меъморлиги анъаналари асосида яратилган масжид, минора, мақбаралар юзага келди. Меъморчиликда нур-соя уйининг бойлиги сезилади. Бу минора ўз прототипларидан кескин ажралиб туради. Хинд ибодатхоналари типи ўрнига мусулмон масжидлари қурилди.

Ислом дини билан боғлиқ бўлган хинд масжидлари ҳам план ҳамда тузулиши жиҳатидан содда ва рационалдир. Уч томони устунли айвончалар, туртинчи томони устунли номозгоҳ булиб, унинг ғарб томонида меҳроб жойлашган. Хиндистонда қурилган дастлабки масжидлар бадиий жиҳатдан содда бўлган.



Расм 109. Агра. Тож-Махал мақбараси (1632-1654 й. Кирқим.



Бобурийлар хукумронлик қилган XVI-XVII асрларда хинд маданияти, меъморлиги янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Кейинчалик марказлашган бобурийлар давлатида янги шаҳарлар (Агра, Фатехпур-Сикри) вужудга келди. Мустаҳкам деворлар билан ўралган масжидит, мақбара, сарой ва боғлари бўлган катта қалъалар яратилган. Бу даврда хинд ўрта аср меъморлиги ўзининг сўнгги тараққиёт босқичини бошидан кечирди



Расм 110. Дехли. Лал-Ком. Кувват-ул-Ислом мачити ансамблининг плани. (XII аср охирлари ва XIV аср бошлари). 1-мачитнинг ички ҳовлиси. (1197 й.); 2-Қутб-Минор минораси (1199 й.), 3-1229 йилга келиб мачит территорияси. 4-Илтутмиш мақбараси (1235 й.); 5-1296 йилга келиб мачит территорияси; 6-қуриб битказилмаган минора (1316 й.); 7-Ала-и-Дарвозанинг кириш эшиклари (1305 й.). Агра. Қизил Форт қўрғони. (XVI-XVII аср). 1-Қизил форт қўрғони (1564-1570 й.); 2-Тож-Махал ансамбли. (1632-1654 й.)

Агра. Қизил Форт қўрғони. (XVI асрнинг иккинчи ярми) 1-Жаҳонгир-Махал саройи (1570 й.); 2-Класс-Махал саройи, 3-давлат ишлари қабулхонаси учун павильонга кириш эшиги (Деъвони-Амм); 5-ғарбий кириш эшиги (Дехли эшиги), 6-жанубий кириш эшиги (Амар-Сингха эшиги)

Бобурнинг набираси булган Акбар ҳукумронлик қилган даврда (1556-1605) қурилиш янада ривожланди. У Агра шаҳри қурилишига, айниқса катта эътибор берди. Замондошларнинг фикрича, бу шаҳар уша даврда дунёдаги энг гузал шаҳарлардан бир булган. XVII аср меъморлигида серҳашамлиликка интилиш кучайди, оқ мармар қурувчиларининг севимли материали булиб қолди.

Шох Жаҳоннинг буйруғи билан унинг мархум рафиқаси хотирасига қурилган Аградаги Тожмаҳал масжид-мақбараси (1632-1650) оқ мармардан қурилган муҳим ёдгорлик хинд санъатининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу бинони қуришда Туркия, Эрон, Ўрта Осиё, Афғонистон усталари қатнашган. Кенг ва куркам гумбаз унинг атрофига қурилган турт минора Тожмахалга туғаллик ва куркамлик бахш этади. Уни енгил, гуё юқорига-фазога интилаёттандек қилиб курсатишга хизмат қилади.

Бинодаги арк ва устунлар бу енгилликни янада оширади. Тожмахалнинг акси унинг қаршисидаги ховуз сувида товланиб, бутун ансамбл жозибасини янада кучайтиради. Дехлидаги Шох жаҳон даврида қурилган Жомеъ масжиди ҳам оқ мармардан қурилган, миноралари эса қизил мармар билан пардозланган. Фуқоро меъморлиги ичида Дехлидаги «Қизил Форт» қурғони машхурдир. Феодализм даври Хинд меъморчилиги деярли минг йилдан ортиқ вақт давом этди. Шу даврда яратилган санъат, меъморчилик ёдгорликлари нодир намуналари инсоният тафаккури ва ақл-заковатига, дид-фаросатига урнатилаган хайкалдир.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Тожмахал мақбараси, Дехлидаги жоме масжиди, Дехлидаги Қизил форт қурғони.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Маданий таъсир нуқтаи назардаги Хиндистон худуди қандай икки қисмларга ажралади?
2. Қояга йўниб ишланган ибодатхоналарнинг қандай сифатлари мавжуд?
3. Дехли султонлиги архитектураси қайси иншоотлар билан сифатланади?
4. Бобурийлар ҳукмронлик қилган даври архитектурасига оид қандай иншоотларни биласиз?
5. Бобурийлар даврининг боғлиқлик санъати нималар билан характерланади?

# МАВЗУ 15. АРАБ МАМЛАКАТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

Арабистон ярим оролида маданият жуда қадим замонларда вужудга келди. Бу ерда эр. ав. мингинчи йиллардаёқ бой қулдорлик давлатлари мавжуд булган. Арабистон аҳолисининг купчилик қисми чорвачилик билан шуғулланган. VII асрнинг бошларига келиб, араб жамоаси ичида содир бўлган ички синфий вазият, табақаланиш Араб давлатининг вужудга келишига сабаб бўлди. Араб жамоасининг сиёсий бирлашиши VII асрнинг бошларида янги ислом дини байроғи остида борди.

Бу динии асосчиси Муҳаммад булиб, унинг давомчилари арабча «муслимлар»-«мусулмонлар» деб юритила бошланди. Дастлабки даврларда Муҳаммад ва унинг ворислари турадиган жой Арабистондаги Мадина ва Макка бўлган. VII асрда араблар Фалестин, Сурия, Месопотамия, Миср, Эрон ерларини босиб олди. VIII аср бошларига келиб эса, араблар Пиреней ярим оролидан тортиб, Шимолий Африка, Кавказ ва Ўрта Осиё ерларигача қулга киритиб, Испания ерларидан то Хиндистонгача чўзилган катта араб давлатини-ҳалифаликни ташкил этдилар.



Расм 111. Араб ҳалифалиги харитаси. VII-XI аср

Лекин араб давлати сиёсий бирлик жиҳатидан жуда заиф эди. Шунинг учун IX-X асрларда ҳалифалик қатор феодал давлатларга парчаланиб кетди. Ўрта Осиё, Кавказорти, Миср ва Мағриб эса, араб давлати ҳукумдорлигидан озод бўлди.

Яқин Шарқда содир булган социал-тарихий жараён Шимолий Африка ва Олд Осиёда янги араб миллатини Сурия, Ироқ, Миср, Тунис, Жазоир, Марокаш каби араб давлатларини юзага келтирди. Бу давлатларнинг маданияти меъморчилиги ўзига хос йўлда ривожланди. Араб мамлакатларида феодализм тараққиётидаги йўл ва усулларнинг бир-бирига яқинлигидир. Ҳалифалик даврида фуқоро ва дин билан боглиқ бинолар қуриш авж олди. Шу даврдаги шаҳарлар қатор янги типдаги бинолар билан бойиди. Масжид, мадрасалар, карвонсарои ва миноралар, тим ва саройлар «мусулмонлар» шаҳарининг ўзига хос томонини белгиловчи муҳим ва ажралмас элиментларга айланди.



Расм 112. Хирбет ал-Мафжар қасри. VIII а. План. 1-қаср, 2-мачит; 3-хаммом, 4-ҳовузли павильон.



Расм 113. Дамашқдаги катта мачит, 708 й. План.

VII асрда араб масжиди типи юзага келди. Бу масжид ташқи кўриниши жиҳатидан мустаҳкам минорали, атрофи гишт билан ўралган қалъани эслатади. Композицияси асоси тўртбурчак еки квадрат шаклидаги ҳовли бўлиб, унинг атрофи эса устунли айвонлар билан ўралган. Араб мамлакатларида тўрт айвонли, марказий қуббали масжидлар ҳам мавжуд булган. Ўрта асрлар араб меъморлигида мадраса, шифохона, кутубхона бинолари, мақбаралар қуриш кенг ёйилган. Дамшқдаги Омеядлар масжиди (705-715) араб меъморлигининг дастлабки намунаси ҳисобланади. Бу масжид қадимги христиан базиликасини қайта қуриш ҳисобига мусулмон диний биносига айлантирилган. Илк араб меъморлигининг ўзига хос томони, айниқса, Коҳирадаги Ибн Тулун (876-879) масжидда намоён бўлди.

Деярли бир гектарга яқин (92х92 м) квадрат шаклидаги ҳовли найзасимон аркли айвонлар билан ўраб чиқилган. Айвон устунлари мустаҳкам тўртбурчак минорасимон шаклда ишланган. Масжид жуда

катта булиб, унда бир вақтнинг узида мингдан ортиқ одам намоз ўқий олган. Масжиднинг безатилиши ҳам содда ва катьий. Унинг деворлари, арка ва карнизлари уймакорлик санъати билан пардозланган

Араб мамлакатлари архитектураси тарихи уч даврга булинади:

1. Макка-Мадина бу давр мусулмончиликкача ҳамда илк мусулмон Арабистони VI-VII асрлар даври.

2. Дамас (Сирия) 661-750 йилларда Уммавийлар ҳукумронлиги даври.

3. Боғдод (Эрон, Месопотамия) Аббосийлар ҳукумронлиги даври (750-1055 йиллар) бу ҳалифатни турклар томонидан босиб олиниши билан тугайди.

Арабистонда мусулмончиликкача булган даврда куплаб қабилалар кучманчилик қилиб яшардилар. Фақатгина бир қисми ўтроқ ҳает кечирарди. Арабистон ярим ороли қисмида қизил денгиз буйларида деҳқончиликни ривожлантириш мумкин булган. Шу ерларда дастлабки шаҳарлар вужудга келди.



Расм 114. Омейядах даврида курилган Дамашқдаги катта мачит плани (708 й.). 1-мачит; 2-ҳовли; 3-мехроблар; 4-киришлар. Машетта қаср-сарой План, Кросвелл реконструкцияси.

Шаҳарлар асосан карвон йуллари буйида ривожланди. Шундай қилиб Ятриб, Макка, Мағриб, Сана ва бошқалар вужудга келди. Уммавийлар ҳукумронлиги доираси кенгайиб, Александр Македонский ва Рим империясидан устун келиб, араблар дастлаб босиб олинган ерларда ҳарбий лагерлар қурдилар. Кейинчалик улар ўрнида янги шаҳарлар қад кўтарди. Шираз, Куфа, Бакра икки дарё оралиғида Фустат, Каир, Рамла. Уммавийлар даврида ҳалифалик маркази Мадинадан Дамашққа кўчди. Дамашқ асосий сиёсий, савдо-сотиқ, маданий-маиший марказ бўлиб тез ўсди. Бу ерда масжидлар, саройлар кўплаб қурилди. Шаҳар маркази майда хунарманд турар уйлари билан уралган. VIII асрда кўплаб феодал саройлари қурилиши авж олди. Бунга масжид, ҳаммом, турар жой ҳамда ҳизмат хоналарини ўз ичига олувчи комплекслар вужудга келди.

Бу саройлар одатда квадрат шаклга эга. Уларда энг машҳури Иорaниядаги Мшатта саройи (XIII аср). 750 йили Уммавийлар ўрнини халиф Аббос эгаллайди. (750-1055 йиллар) Аббосийлар ҳукумронлиги даври бошланади. Сиёсий ҳаёт маркази Суриядан Месопотамияга кўчирилади. Янги ҳалифанинг пойтахти Боғдод ҳисобланади.



Расм 115. Иккидарё оралиги зиккуратларини эслатувчи архитектура шакли. Ал-Малвия минорасининг кўриниши. Самарра.

Араб давлати Боғдод ҳалифалиги даврида (XIII-IX) ўзининг энг гуллаган даврига эришди. Ҳалиф Мансур, Хорун-ар Рашид, Ал-Мамунлар таъсири даврида шаҳарлар қурилиши, совдо-сотиқ, кунармандчиликни ривожланиши юксалди. Богдод шаҳри айлана шаклида қурилиб, шаклланди. Унинг территориясини диаметри 2,5 кв. км. Халифанинг саройи шаҳар марказида жойлашаган.





Расм 116. Богдод. Халифа Мансур томонидан асос солинган шаҳар плани 762 й. Шаҳар марказида Аз-Захаб саройи жойлашган бўлиб, унга мачит енма-ен қурилган ва унинг атрофида бошқа сарой ва давлат муассасалари қурилган. Шаҳарнинг марказ қисми яшил экинзорлар ва пальмалар билан безатилган бўлиб оазисни эслатиб туради. Девор айланисининг ташқарисида тўртта дарвозали икки қаватли девор билан ўралган ҳар хил турдаги кварталлар жойлашган. Бу айлана шаклидаги Боғдод плани маҳаллий шаҳарсозлик анъаналарига ҳосдир.



Самарра Мутаваккил мачитининг плани. (847-861 й.).

Каабада қадим тарихга эга 6х9 м келадиган замзам суви қудуғи бўлган. 608 йили Кааба биноси қурилган, унинг деоврлари тош ва ёғочдан қурилган. Томи эса олтита устунга таянган. Унинг томи ва деворлари христиан фаришталари тасвирлари билан безатилган. 684 йили Кааба ёнғиндан сўнг янгитдан қурилди. У энди тошдан қурилди, ҳамда мозаика билан безатилди.

847-859 йили Халифа Мутавакилл томонидан катта масжид қурилди. Планда тўғри тўртбурчак шаклида, деворнинг қалинлиги 2,65 м пишиқ гиштдан ишланган. 240х156 м. 849-859 йили Халифа Мутаза-Балкувара саройи қурилди. Деворлари квадрат 1250х1250 м. Миноралар билан мустаҳкамланган. 1227-1232 йили катта икки қаватли Мустаксирия мадрасаси қурилди. Мадрасада жуда катта кутубхона, касалхона, ҳаммом жойлашган. XIII асрда Ироқда баланд гумбазли мавзолейлар қурилиши авж олди. Зубайда мавзолейи шулар жумласига киради. Бу мақбара Хорун ар-Рашид хотини мақбарасидир.

Бинонинг ҳажми саккиз қиррадан иборат. Мақбаранинг тархи

тўртбурчак шаклида. 641 йили Амр номли ҳарбий Мисрда халифатни бирлаштирди. Унинг номи билан аталадиган масжид қурилди. Амр масжиди халифатнинг марказига айланди. Планда тўғритўртбурчак 29х17 м. 672 йили Амр масжиди кенгайтирилди. Масжид бурчаклари миноралар билан мустаҳкамланди. 827 йили масжид икки бароб р кенгайтирилди. Масжид баландлиги 9 м. Масжид мозаика билан безатилган.

Мамлюклар хукумронлиги даврида Каир исломни таянчи, ажойиб шаҳарларидан бири эди Мамлюклар даври-Миср архитектурасининг чўққиси ҳисобланади. Мамлюклар хукумронлигида султон Калаун (1279-1290йиллар) династияси тузилган. Унинг даврида жуда катта ансамбл қурилди. Ансамблга масжид, мадраса, Султон Калаун мақбарсаси кирган. Ансамбл 1285 йили Фатемидлар саройи ўрнида қад кутарди. Мадраса билан мақбара энсиз коридор билан ажратилган. Масжид меҳроби тилла мозаика билан безатиб ажратилган . Мамлюклар даври архитектурасининг энг катта ва ажойиб иншооти Султон Хасан масжиди (1356-1363 йиллар). Масжид ансамбли жудда катта туғри бўлмаган формага эга. Узунлиги 150 м. Мадраса плани классик куринишга эга. Мадраса 32х34, 6 м. келадиган ховлига эга.

Каитбий ансабли XV асрнинг энг ажойиб иншоотидир. Масжид, мақбара Каитбийга бағишланган 1472-1474 йиллар. Масжид планда крест шаклига эга - Ховли ёпиқ, фонар билан ёритилган. Мақбара гумбаз билан беркитилган бўлиб, масжид бурчаклари нозик миноралар билан мустаҳкамланган.

Муҳаммад Али масжиди 1830-1848 йили меъмор Юсуф томонидан қурилган. Гумбазнинг диаметри 21 м. Баландлиги 52 м. Тарз бурчаклари нозик миноралар билан безатилган. Масжид оқ мармарли 46х46 м ли ховлига эга.

Араблар ўзи босиб олган ғарбдаги Миср шаҳрини Мағриб деб аталилар. Мағрибда базилика типидаги масжидлар қурилган. Миноралрнинг декори, формалари узига хос куринишга эга. Гумбаз асосан безак вазифасини утаган. Гумбаз фақаттина том устига ўрнатилган. Неф арка устунларига таянган. Мағриб меъморлари римликлар тажрибасидан фойдаланиб, куприклар, акведуклар қурганлар. Мағриб меъморлигида Сурия, Месопотамия, Ироқ архитектураси формаси. безаги ўз аксини таъсирини утказди.

Мағрибнинг энг катта масжиди Кайруан ҳисобланади. Масжид биноси бузилиб кетган. У янгитдан 685 йили қурилган, ҳамда шимолга қараб 724-743 йиллар Халиф Хошим томонидан кенгайтирилди. 836 йили амир Зияиден Оллох масжидни буздириб ташлаб, уни янгитдан қурдирди. Масжид плани ромбсимон тўртбурчак шаклида 135х80 м. 991-955 йиллар Тунисда Зайтунада масжиди қурилди. Кай

раунадаги Сиди Окба масжидига ухшаш қилиб қурилган. Масжид гумбази ҳамда кириш қисми 998 йили бошқатдан қурилган. Масжид ассимметрик залга эга. Текис крест шаклидаги нефлардан иборат. Сиди Окбадаги миноралар ухшаш, лекин уларнинг безаги нозик ва бой куринишга эга.

X-XI аср Тунисда яна бир неча масжидлар сақланиб қолган Тунисда. Қубба, Бени, Хорасан уларнинг фасадлари симметрия уқига эга. Тунис турар уйлари ўзига хос характерга эга Матамата районида ҳозиргача ер ости турар уйлари сақланиб қолган. Улар 5-6 м. кв. ховли жойни эгаллайди.

Жазоир архитектурасини куриб чиқамиз.

1007 йили Кала Бени пойтахтига асос солинди. Шаҳар стратегик жиҳатдан жуда яхши жойлашган. Шаҳар 7 км. нотекис полигонни уз ичига олади. Аркнинг Шарқ томонида Джерава номли квартал жойлашган. Джервавнинг шарқ девори томонда катта квадрат қаср Маккор номли минора 20х20 м қурилган. Шаҳар марказида кенг сарой комплекси жойлашган. Комплкснинг кенглиги 200 м, узунлиги 160 м. Бой ва ранго-ранг безаклар бино куринишига яна чирой қушиб турибди. Мозаика, мармар, ўйма мармардан кенг фойдаланилган. Сарой шимолида 60х54 м. ли масжид биноси жойлашган.

1096 йили Жазоир қурилган катта масжид планининг оддийлиги билан ажралиб туради. Планда тугри туртбурчак унча катта булмаган, ховлига эга. Шимолий-Шарқий бурчагига 1322 йили минора қурилган.

Ал-Айюбад қишлоғида унча катта булмаган ансамбл бор. Бу комплекс Сидибу Медиев мавзолейи (1361 й. ), масжиди (1330 й), ҳамда минорадан (XII-XIII аср) иборат. Бу комплексдаги бинолар ўзининг бой декоратив безаклари билан ажралиб туради.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

**Дамашқдаги Омеядалар масжиди, Ибн-Тулун масжиди, Мустаксирия мадрасаси, Зубайда мақбараси, Мухаммад Али масжиди.**

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. **Араб мамлакатлари Ўрта асрлар архитектураси тарихи неча даврга булинади?**
2. **Яқин ва Ўрта Шарқ архитектурасида қандай иншоотлар типлари, конструкциялари ва безаклари мавжуд бўлаган?**
3. **Миср архитектурасининг босқичлари қандай иншоотларда намоён бўлган? Бу иншоотларни қандай жиҳатлар бирлаштириб туради?**
4. **Мағриб архитектураси намуналарининг ўзига хос жиҳатлари нималарда?**

## МАВЗУ 16. ЭРОН АРХИТЕКТУРАСИ.

Ўрта Осиё ва Эрон Ўрта аср маданиятининг муҳим учоқларидан ҳисобланади. Феодализм даврида Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари архитектураси Ўрта Осиё, Кавказорти ва Эронинг антик даври архитектураси анъаналарига суянган ҳолда ривожланди. VII-VIII асрларда бу мамлакатлар ерларнинг араблар томонидан, кейинроқ XI асрда турклар, XIII асрда мўғиллар томонидан босиб олиниши бу ердаги халқлар архитектурасига унинг тараққиётига ўз таъсирини ўтказди. Буни араблар истело қилган ерларда ислом дини тарқалиши ва шу дин билан боғлиқ ҳолда диний меъморлик биноларининг пайдо бўлганлиги ва ривожланишини кўриш мумкин.

Дастлаб шундай диний бинолар бевосита араб меъморлиги анъаналарида қурилди. Устунли масжидлар шудар жумласидандир. Лекин тезда араб халифалигига кирган мамлакатлар меъморлигида ўзига хос кўрниниш пайдо бўла бошлади. Араб меъморлиги анъаналари ижодий ўрганилган ҳолда маҳаллий меъморлик анъаналари билан бойиди, меъморликнинг янги тури пайдо бўлди. Тўрт айвонли бинолар қурилиши бу даврда кенг тарқалди. Бу типдаги бинолар диний меъморликда (масжид, мадраса) ҳамда фуқоро меъморлигида (сарой, карвонсарой) кенг фойдаланилди.



Расм 117. Кордовадаги катта мачит, 786 й. Зал интерьери.

Тўрт айвонли бинолар, одатда катта тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, унинг ўртаси ховли, тўрт томони эса ховлига қаратиб қурилган найзасимон аркали айвон билан ўраб чиқилган. Масжиднинг олд томонида катта пештоқ ва миноралар мавжуд. Булардан ташқари, бу ерларда пештоқли-қуббали бинолар ҳам кўплаб қурилган. XII асрда қурилган биноларнинг кўпгина қисми, асосан пишиқ ғишт ва турли хилдаги терракота плиталари билан безатилган. Кейинги асрлардан бошлаб сирли сопол плиталар, геометрик ҳамда ўсимликлар дунёси элементларидан тузилган нақшлар билан безаш кенг тарқалди. Эронда феодализм V-VI асрлардан бошланди. Бу давр (VII асргача бўлган давр) меъморлиги қулдорлик даври меъморлиги анъаналари билан боғлиқ. VII асрда арабларнинг Эронга кириб келиши шу ердаги феодал маданият тарақ -



қиётини бирмунча сустлаштиради.

Араб меъморлиги таъсирида VIII-IX асрларда бу ерда масжидлар қурилиши кенг ривожланади. IX асрдан бошлаб, Эрон арабларга қарамликдан қутула бошлайди. У феодал муносабатларининг энг ривожланган даврига қадам қўйди.

Бу ривожланиш XV асргача давом этди. Меъморликда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда қурилган бинолар ичида тўрт айвонли масжидлар алоҳида ўрин эгаллаб, Исфахон ва бошқа шаҳарларда кўплаб қурилган.



Расм 118. Исфахонадаги собор мачити, IX-XI аср. а-умумий план; 1-асосий гумбаз; 2-Гомбеде-Хаки; 3-галерея; 4-мадраса; б-Гомбеде-Хакининг қирқими.

Эронда сақланиб қолган кўпгина мақбаралар даврнинг хурматли кишилариига атаб қурилган. Улар бир неча кўринишда, яъний минорасимон, қуббасимон, ёки кўпқиррали призмасимон шаклда бўлиб, тепа қисми эса ярим сферик шаклидаги гумбаз ёки чодирсимон шакл билан тугалланган. Баъзи мақбаралар пештоқ-гумбаз типида бўлган.

Эронинг кўпгина шахар ва қишлоқларида кўпрок минорасимон мақбаралар кенг тарқалган.

Хуросандаги Кобус мақбараси шундай типда ишланган қадимий (1006-1007) ёдгорликларидан ҳисобланади.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Тўрт айвонли иншоот, пештоқ, гумбаз. Қобус мақбараси..

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Эрон архитектурасининг илк ўрта асрлар даврида қандай икки типдаги масжидлар тарқалган эди?
2. Ховлили тўрт айвонли композиция қайси биноларда акс этган?
3. Қайси иншоотларда Қавомитдин Шерозий ишлаб чиққан ўзаро кесишган равоқлар қўлланилган?
4. Қайси шаҳар жомесининг қисмини А.Навоий қайта қурдирган?
5. Исфахондаги Майдони шош мажмуаси қандай иншоотлардан иборат? Уларнинг ўзаро бирикитувчиси қандай?

# МАВЗУ 17. АФҒОНИСТОН АРХИТЕКТУРАСИ.

Бу ерда ҳам феодализмнинг пайдо бўлиши IX-VI асрларга тўғри келади. Илк феодализм асридан бизгача жуда купгина ёдгорликлар сақланиб келган. Булар ичида буддизм билан боғлиқ булган хайкал ва хайкалчалар алоҳида уринни эгаллайди. Буддизм билан боғлиқ булган ступа, ғор ичига ишланган ибодатхоналар Хиндистоннинг Шимолий районларидан Афғонистонга ҳам кириб келди. У ерларда эса, Ўрта Шарқ ва Узоқ Шарққа қараб тарқалди. Афғонистон майдонида Будда билан боғлиқ бўлган икки мингдан ортиқ ғор ичига ишланган ибодатхоналар эранинг I-V асрларида яратилган. Бамиан дарёси вохаси атрофидаги ғор ичига ишланган ибодатхона комплекси характерлидир.

Улар анча бетартиб қурилган, купчилиги катта. Ташқи томондан бу ибодатхоналар кўримсиз. Лекин уларнинг ички безагига алоҳида эътибор берилган, ғордаги ибодатхоналарнинг хоналари думолоқ, тўртбурчак, квадрат, купбурчакли, томлари ҳам текис. Шундай ғордаги ибодатхоналардан бирининг квадрат шаклидаги хонаси шипига ёғоч билан ёпилган кўриниш уйиб ишланган. Баъзи ғордаги ибодатхоналарда токчалар мавжуд булиб, унга ўтирган ҳолатдаги Будда хайкали қуйилган, деворлари эса, суратлар билан безатилган. Фундикистон (Қобулдан шимолий-ғарбда) монастирида ҳам деворий сурат ва хайкалторошлик асарлари сақланиб қолган. Бу монастир безагида суғд монументал-декоратив санъатига ухшашлик бор.

Арабларнинг Афғонистон ерларини босиб олишлари натижасида унинг қадимии архитектура ва маданиятига катта зарар етди. Қадимги дин билан боғлиқ бўлган ибодатхона ва тасвирий санъат асарлари вайрон қилинди. Унинг архитектура, маданияти характерида шу давр Ўрта Шарқнинг умумий маданиятига хос фазилатлар шакллана бошланди. Ислом дини билан боғлиқ бўлган масжид, миноралар қурилди.

Хукумдорларнинг серхашам мақбаралари қурилишига эътибор берилди. Қурилишда пишиқ ғишт, сирли кошинлар ишлатилиши эса давр архитектурасига ўзгача файз киритди. X асрларга келиб, Афғонистон араб халифалигидан ажралиб, маҳаллий феодал системасининг ривожланишига имконият яратди. X асрдан XIII аср бошларига қадар у гох сомонийлар, гох ғанзавийлар кейинчалик салжуқий ва нихоят, гуридийлар давлати таркибида булди.

Ғазнавийлар даврида бу ерда куплаб хашаматли бинолар, масжид ва мадрасалар, карвонсарой, ҳаммом ва бозорлар қурилди. Айниқса, жума масжиди қурилишига алоҳида эътибор берилди. Унинг бадиий безатилишига эса энг яхши усталар ва қурувчилар жалб этилди. Қандахор яқинидаги XI-XII асрларда қурилган масжид харобалари ҳозир ҳам узининг улуғворлиги, сернақш ва нафислиги билан кишини хайратлантиради. Афғонистон меъморлигида миноралар қурилиши кенг урин эгаллади.

Думалоқ, баъзан қиррали қилиб пишиқ ғиштдан қурилган миноралларнинг юзаси сирли кошин ва пишиқ ғиштлардан ишланрган нақш ва ёзувлар билан безатилган. Балх водийсилари Давлатободда қурилган миноранинг бой безаги, асосан, пишиқ ғиштларнинг комбинацияси

ҳисобига қурилган. Минораларнинг айримлари эса тайёр уйма сирли кошинлар билан пардозланган.



Расм 119. Хирот. Мусалла. 1- Бойсунқара мадрасаси, XV аср; Гавхаршод мадраса ва мавзолейи, 1418-1438 й. Қавамаддин Широзий. Ансамбл плани, мавзолей кўриниши, минора детали.



Бу даврда мадрасалар, мақбаралар қурилиши ҳам кенгайди. Шох ва зодагонларнинг саройлари серхашам қилиб ишланди.

Деворларни безатишда буртма тасвирлардан, ўймакорлик санъатидан ҳам фойдаланилган. Афғонистон архитектурасининг ва маданиятининг янги тараққиёт босқичи темурийлар даврига тўғри келди. Темур империясига қўшилган ҳозирги Афғонистон ерларининг катта қисми Темурнинг ўғли Шохрухга берилди.

Темур вафотидан сунг эса Ўрта Осиёнинг асосий хукумдорларидан булиб қолган Шохрух даврида Хирот унинг маданий ва сиёсий марказига айланди ва XVI асргача ўзининг мавқеини сақлаб қолди.

Шу ерда буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоийнинг кўп йиллик ҳаёти ўтди. Темурийлар даврида хашаматли мадраса, масжид ва мақбаралар, ажойиб миноралар қад кўтарди. Парк-боғ санъатининг илмий қонуни яратилди. Фуқоро меъморрлиги қурилиши авж олди. Ўз отасидан ўрнак олган Шохрух Хирот шаҳри кўчаларини қайта қуриб чиқиш ва тартибга солиш масаласи билан шуғулланди. Шаҳарда карвонсарой, ҳаммом ва бошқа ижтимоий бинолар қад кўтарди. Гавхаршод мақбараси шу давр ёдгорликларидан бўлиб, у ўз қурилиши жиҳатидан Темур мақбарасини эслатади. Ўша даврда Хиротдан ташқарида ҳам бир қатор йирик меъморлик ёдгорлиги яратилди.



Расм 120. Хўжа Абу Наср Парса, XV аср. Умумий кўриниш



Расм 121. Мозори-Шариф. Али усипалнийси, XV аср, қайта қурилган

Шулар ичида Балхдаги масжид ўзининг оргиналлиги билан ажралиб туради. Дин тарғиботчиси шайх Абу Наср Порсга атаб қурилган бу пештоқ-гумбазли масжид ишланиш услуби ва меъморлик ҳажмларининг ишланиши ҳисо-бига ўзига хос кўриниш касб этган. Бинонинг баланд найза-симон аркали пештоқи, унга ёпишган арконсимон ярим устунлари бинонинг кўриниши-га салобат киритган.

Абу Наср мақбараси билан бир вақтда қурилган Балхдаги Мозори-Шариф зиёратгохи ҳам ўзининг сирли кошин ва нақшлари билан киши кузига қувонч бахш этади.

Афғонистон архитектурасида хайкалторошлик бутун феодализм даврида мавжуд бўлди.

Илк феодализм даврида кўпроқ Будда ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ булган ибодатхоналар қурилган бўлса, афғон ерларига арабларнинг кириб келиши натижасида ислом дини билан боғлиқ булган архитектура ёдгорликлари кенг тарқалди.

Қадимий дин билан боғлиқ бўлган ёдгорликлар барбод қилинди.

Лекин ислом дини жонли нарсаларни расмини чизиш ва хайкалини ишлашни ман этгани билан, зодогонлар ва хонларнинг сарой, қасрлари деворий сурат ва буртма тасвирлар билан безатилди. Албатта, бу хол кенг микёсда ёйилмаган булса ҳам, айрим саройлар қолдиқларида шу санъат намуналарини топилиши фикримизнинг далилидир.



Расм 122. Қандахор. Ахмад-шох Дурраний. XVIII аср. Умумий кўриниш.

XVIII аср меъморчилиги ичида Афгонистон давлатининг асосчиси Ахмад шох Дуррага атаб қурилган мақбара ажралиб туради. Анъанавий шарқ мусулмон меъморлиги услубида қурилган пештоқ-гумбазли бу мақбара ҳам бой безакка эга.

Бу хусусда ғанзавийлар саройи деворидаги сурат ва буртма тасвирлар диёққатга сазовордир. Бу тасвирларда рақсга тушаётган раққосаларнинг буртма тасвири, султонлар хаётига бағишланрган тематик композициялар мавжуд.

Афгонистон феодал даври меъморчилиги бевосита халқ хаёти билан боғлиқдир. Бу меъморчилик унинг утмиш анъаналарини давом эттирди.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Қандахордаги масжид, Балх водийсидаги минора, Гавхаршод мақбараси, Абу Наср Порс пештоқ гумбазли масжиди.

***Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:***

1. Афғонистон архитектураси даврларнинг узига хос томонлари қандай сифатларда акс этган?
2. Лашкаргох иншооти қандай функцияни бажарган?
3. Ғазни ва Жом минораларнинг тузилишлари қандай?
4. Мусалло мажмуасининг таркибида неча бино булган? Уларнинг ҳажмий-фазовий конструктив ва бадиий сифатлари қандай?
5. Афғонистонда қандай иншоотлар қурдирган?

## МАВЗУ 18. РОМАН ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

Буюк Карл империяси узоққа чузилмади. Унинг инқирози император ҳаёт вақтида бошланди. Вафотидан сунг унинг ўғил ва набиралари орасидаги низонинг кучайиши мамлакат осойишталигини бузди. Атрофдан кучманчилар ҳужуми ҳам халқ бошига оғир кулфатлар келтирди. Бу даврдан бошлаб санъат тараққиёти ҳам сусайди. Илгари қурилган бинолар харобага айлана борди. Нодир архитектура ёдгорликлари таланди ёки йуқ булиб кетди. Фақат Х аср охирларидан бошлаб, Европада ҳаёт изига туша бошлади. Купгина ерларда феодал муносабатлар шаклланиб булди.

Санъат архитектура тараққиёти янги босқичга кутарила бошлади Х-ХП асрларни уз ичига олган бу тараққиёт босқичи РОМАН асри меъморлиги деб юритилади Бу давр «РОМАН АРХИТЕКТУРАСИ» термини илмий манбаларда 1825 йили француз археологи Арнисс Комон томонидан ғарб Европа меъморчилигини билдирувчи омил сифатида қулланилди Бу давр Европа ижтимоий ҳаётида черковнинг роли катта эди. Айниқса, Франция, Англия, Германия, Испанияда йирик қурилиш ва у билан боғлиқ булган санъат турлари черков буюртмаси билан яратилди. Роман даврида меъморчилик урнини эгаллайди.



Расм 123. Реймсдаги собор. XIII аср.

Роман услубидаги бино бирмунча, паст қуриниши жиддий ва оғир. Унинг деворлари ҳам қалин ва мустаҳкам, эшик, дераза ва дарвозалари энсиз. Функционал ва декоратив мақсадда қулланилган устунлар ҳам дағал ва йўғон бўлган. Роман меъморчилигига мос бўлган бу хусусиятлар ўзига хос кўринишга, характери ва кишига берадиган психологик таъсирини белгилайди. Роман даври меъморчилигининг яна бир хусусияти унинг ички деворларида текис юзанинг сероблигидир. Бу хусусият эса монументал ранг-тасвирнинг ривожланишига имконият яратади XI асрда бу давр ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди. Витраж ҳам меъморчиликнинг ажралмас қисмига айланжи. Бу даврда хайкалторошлик меъморлик билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Бинонинг пештоқ, устун ва капителлари, девордаги махсус токчалар хайкалторошлик санъати билан безатилган. Миниатюра ва майда хайкалторошлик ҳам меъморчилик таъсирида бўлди.

Роман меъморчилиги услубининг фуқоро қурилишига таъсири катта бўлди.

«Роман» ибораси шартли бўлиб, лотинча «римники» деган сўздан олинган. бу давр меъморчилигида рим меъморчилигида кенг қўлланилган шакллар ишлатилганлигини билдиради деб тахмин қилинади. Роман меъморчилиги Королинглар даври ютуқларига таянган ҳолда ривожланган бўлса ҳам лекин унинг кўринишига маҳаллий шароит ўрнига қараб антиқа, Византия ҳамда араб мамлакатлари меъморчилигининг таъсири бўлди.

Феодал тарқоқлик эса роман меъморчилигида жуда кўп маҳаллий мактабларнинг юзага келиши ва мусобақасига сабаб бўлди. Бу мактаблар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, уларнинг асосида ягона принциплпр борлигини инкор этиб бўлмайди. Бу хол план ва конструкцияда декоратив шакллар характерида кўринади. Бу давр бинолари тошдан яратилган бўлиб, қурилишда базелика типи асосий ўринни эгаллайди. Лекин Базелика аввалги даврдагидан фарқ қилиб, кўпроқ икки трансептли ҳамда бинонинг черков хизматкорлари, руҳонийлар учун ажратилган шарқий қисми (хор) кенгайтирлган, қўшимча хона ва ертўлалар қурилгандир.



Расм 124. Реймсдаги собор. XIII аср.

Роман меъморчилигининг ўзига хос томони томнинг эгри равоқ гумбаз тарзида ёпилиши ва дарчаларнинг жойлаштирилишидадир. Бу қурилиш техникаси мукаммалашиб бориши билан кенг ўринни эгаллайди. Меъморчиликда қўлланилган устунлар ва унинг капителлари ҳар хил. Роман архитектурасининг ривожланган даврида эса капител ва устунлар ўзига хос хайкалтарошлик кўринишига ухшаб борди.

Бу асрга келиб, феодал турадиган алоҳида ўзига хос уй типи қаср пайдо бўлди. Одатда қасрнинг катта ховлиси, унинг ўрта қисмида пишиқ ва баланд минорасимон бино қурилган бўлиб, у бир неча қаватли. феодал яшайдиган кўп хоналардан ташкил топган. Ўша давр шаҳар қурилиши ҳам феодал қўргонга ухшаш бўлган. Шаҳар атрофи қалин девор билан ўраб чиқилган.

Қурилган бинолар кам ва содда бўлган. Роман тасъвирий санъати ҳам ўзига хос ва конкретдир. Бу давр санъатида етакчи ўринни хайкалтарошлик биринчи навбатда буртма тасвирлар эгаллайди. У бевосита меъморчилик элиментлари сифатида қаралган ҳолда томашабинга катта мазмун етказади.

Илк роман даврида X аср хайкаллар меъморчилик формаларига қўшиб ишландилар. Масалан капител устун ва х. к. XII асрга келиб эса, у мустақиллик кашф эта борди, ҳамда меъморчилик ансамбли безагининг маълум системасига айланди.

## ФРАНЦИЯ.

Франция феодализмнинг классик ватанидир. Ўрта аср санъатининг гуллаган даврида унинг санъати ғарбий Европада етакчи ўринни эгаллайди. Француз меъморчилигида роман удумининг ўзига хос томонлари яққол намоён булади. Ўзининг декоратив безатилиши ва конструктив тузилиши жиҳатдан ранг-баранг булган француз меъморлиги Европа қурилиши санъатида муҳим ўринни эгаллайди.

Бу ерда яратилган меъморчилик типлари Европанинг кўпгина шаҳарларида таҳлид учун намуна булиб қолди.

Пуатьедаги Нотр жам ла Грант XI-XII аср ибодатхонаси роман стилига хос хусусиятларини намоён қилади. Куриниши жиҳатдан бирмунча паст, тош деворлари қалин ва салобатли қилиб ишланган. Шу даврларда қоллироилган кичик тор дарчалар бу деворлар қалинлигини янада бурттириб, унинг вазминлигини оширади. Бу ибодатхона уч нефдан иборат ўртадаги неф икки ён томондаги нефдан бироз баланд у ердаги кичик дарчалардан ичкарига кун тушиб туради.

Бино деворлари хайкалторошлик асарлари турини архитектура декоратив элементлари билан безатилган, бинонинг пастки яруси тепадагига нисбатан катта бўлиб, асосан, ўша нақш ва буртма тасвирлар билан безатилган.



Расм 125. Клюнидаги монастир комплекси, XI-XII аср. План.

Иккинчи ва учинчи ярусдаги токчалар бўлиб, унинг ичига хайкаллар ўрнатилган қулланилган ярим колонна, ярим айлана шаклидаги арк ва хоказолар бинонинг жиддий куринишига латофат киритган.

Меъморчилик ёдгорлиги шу давр сиёсий вазиятини акс эттиради. Бургундияда қурилган ибодатхоналарда формаларини ўзгартиришга интилиш сезилади. Бу хусусият айниқса Клюнийдаги черковда яққол кузга ташланади.

Бу черков XI аср охирларида бунед этилган. Ўша даврда Европадаги энг катта ибодатхоналардан бири булган. XIY аср бошларида бузилиб кетган бу бино принциплари купгина черковлар учун асос қилиб олинади.

Беш нефли бу ибодатхона ташқи элиментларининг ритмикаси ҳажмларининг тугал кўриниши ҳамда майда бўлакларининг яхлит юзага чиққанлиги ва уйғунлиги билан характерланади.

## ГЕРМАНИЯ.

Германияда қурилган роман услубидаги бинолар ўзининг кубсимон аниқ шакллари ҳамда кўринишининг улуғворлиги билан характерланади. Оғир минораларнинг сероблиги эса унинг динамик кўринишини таъминлайди. Текис девор юзасидаги линзалар бино динамик куринишига хизмат қилади бу хусусда Вермосдаги собор характерлидир.



Расм 126. Вормсдаги собор, XI-XIII аср. Умумий кўриниш. План.

Германия Роман даври тараққиёти купгина монастир, черковлари йуқ бўлиб кетиши билан биороз нотуғри курсатилганки, уни урнига асосий қилиб Рейн ибодатхоналари кўрсатилган. Улар ўзига ёпиқ, шаҳарга қарши турган. Улар империя улуғлигини тимсоли булиб хизмат қилган. Бундай иншооатлар архитектураси маҳобатли, қатъий куринишга эга. Бу монументал таъсирчанлик Германия роман даври архитектурасининг энг муҳим жиҳатидир.

980 йили янги монастир черкови биноси қурилиши якунланди. Бу Кельндаги авлиё Панталеон черкови-композициясининг яхлитлиги, уни пластик таъсирчанлигини хис қилиш катта яхлитликларни комбинациялари кейинчалик Германия романтикаси учун типик бўлиб қолди.

1033 йили Хильдесхаймдаги авлиё Михаил монастир черкови қурилиши якунланди. Бир қанча ёнғинлар натижасида 12 асрда қайта тикланди. 12 асрдаги қайта тикланиш асосий таянчга ўз таъсирини ўтказди. Цлиндрик таянч уни кубсимон капителлари асосан янги устунлар билан алмаштирилди. Авлиё Михаил черкови 12 асрда шифти жуда бой декоратив безак бериб безатилди. Ҳаво рангдаги фонда библия сюжетлари чизилган пейзажлар билан бойитилди. Черковни шарқ томони охирида уч апсида, улардан уртадагиси бир оз олдинга туртиб чиққан. Интерьердаги ҳамма нарсаларда симметрия қонунига буйсиндирилган. Икки трансепт ҳам бир хил. Ички қисми симметрик. иккита бир хил порталли жанубий тарз худди асосийга ўхшайди. Интерьерда бир аҳамиятдаги иккита урта крест бир хил намойиш аркаларига аҳамият берилган улар оқ қизил тошлардан терилган. Ён неф марказий тўғрибурчакли ҳажмга қушилгандек туюлади. Вертикал бўлинмаларни йўқлиги ҳамда баланд ўрнатилган ойналар марказий неф девор юзасини текис бўлишлигини кўрсатади. Бу деворлар такрорланувчи таянчларда жойлашган бу система Саксонияда одатга кириб қолган. Лекин аркалар ритми бу ўзгармиас девор кучи билан параллел ҳолатда булади. Ломбардияда ўзаро боғлиқлик у ерда конструкция асосида, такрорланувчи система оғир ва енгиллаштирилган таянч вазифасини ўташган. Бу ердаги шароитда фақат декоратив безак сифатида ишлатилган. Хильдесхаймдаги авлиё Михаил черкови буюк тенгтомонлик тантанавор, хотиржамлик вазминлик руҳида бажарилган.

Конрад П -номи билан 1024-1039 йиллар исботсиз бир хил Германия архитектураси роман даврини иккинчи даври бошланиши билан боғлайдилар. Конрад II - ташабусси билан янги сулола бошловчиси хақиқатда 2-та йирик ғарбдаги иншоотни қурилишига асос солган. Шпейрдаги собор, монастир черкови Конрад қалъаси билан қушни ҳолатда қурилган. Шпейрдаги собор қурилган вақти ноъмалум. 1024-1033 йиллар орасида қурилган 1061 йили собор қурилиши Конрад набираси даврида тугалланган.

Бу собор фундаментига асос солиниши давридан бошлаб Германияда роман даври архитектурасининг янги тараққиёт босқичини ўрганиш демақдир.

## ИТАЛИЯ.

Италия меъмрорчилигида стилистик бирлик йўқ, бунга сабаб унинг тарқоқлигидадир. Шунинг учун унинг айрим областларида Византиянинг таъсири булса, бошқа бирида роман архитектура анъаналари сезилади. Илғор Тоскана ва Ломбардия мактабларида маҳаллий антиқа анъаналари таъсири борлиги кўринади.

Пизадаги меъморчилик ансамбли бу хусусда диққатга сазоворлир. Ансамблдаги ҳар бир бин мустақил аҳамиятга эга. Уларнинг ташқи деворлари нафис аркадалар билан қатор ярусларга ажратилган. Бу ҳол бино кўринишига енгиллик ва нафис ўзига хос латофат киритган. Натижада кўриниш жиҳатдан жуда катта Пиза собори ҳам енгил ва жозибали булиб



кўринади. Элипс шаклидаги гумбаз эса унинг гармоник тугал кўринишини таъминлайди.

Италияда роман архитектурасининг муҳим жиҳати, уни кўп куринишлилиги. Табиийки мамлакат чет эл хукмронлари қулида булиб, ташқи савдо-сотиқ алоқалари натижасида бир қанча аниқ меъморчилик мактаблари вужудга келди. Энг кўп узига хос аҳамиятли йўналишлари Ломбардияда, Венецияда, Тосканда, Рим, Шимолий Италия, Сицилияда тузилди (таркиб топди).

Италияда роман даври архитектураси Ломбардия ва Тоскандан бошланади.

Италия архитектураси бошқа мамлакатлардан фарқли уларoқ бум-бўшликдан эмас, балки антик маданият ривожланган меъморчилик асосида ривожланди. Бутун Италия буйлаб қадимги Рим меъморлиги асарлари тарқалган. Шунинг учун Италия меъморчилиги қадимги Рим меъморчилик элементларига бойдир.

Антик анъаналарни аниқлаш нафақат меъморчилик формаларида эмас, балки, техник узлаштиришларга ҳам ўз таъсирини ўтказди, бу уз навбатида Италияда роман меъморлигини бошланғич позициясини белгилаб берди ва уни умумий характерини йўналиши, тараққиётини аниқлайди.

Антик ёдгорликлар Италия қурувчиларига биринчи асосий конструктив вазифасиги ҳал қилишни кенг оралиқларни ёпилиши сводли қилиб ташкил этилган, кўп кишилар йиғиладиган черковлар, саройларда Италия қурувчилари биринчилардан бўлиб қурилишда кенг миқёсда пишган ғишт ишлатишди. Бу ўз навбатида қурилиш техникасини мустақил кейинчалик тараққиётга олиб келди. Италия қурувчилари биринчилардан булиб, кенг миқёсда теракота, майолика бадиий жиҳатдан бой безаклардан кенг фойдаланилган. Италияда черков менъморлиги асосан анъанавиий базелика типидаги композицияси кўп учрайдиган уч неф ёки бешнефли бўлган.

Черков нефини том билан ёпиш роман архитектура констукциясини асосий мақсади булиб қолди.

Пизадаги собор 1063 йили лойиҳаланган, меъмор Бускето томонидан қурилган. Бу биринчи Италия меъмори, бу ҳақида уни қабр тошига ўйиб ёзилган ва бу бизгача етиб келди. Собор плани чузинчоқ лотин крести асосий корпус беш нефли ҳамда уч нефли трансептдан иборат. Бинони кенг қулоч ёзган куни содда ва таъсирчан фазовий булинишлари тугалланмас аркалар иккинчи ярусда такрорланган. Бу меъморни антик Рим иншоотларини ўрганганлигини билдиради. Ўрта крестдаги уткир қиррали аркалар, гумбаз элипс формасида саккизқирра асосига қурилган, безагида йўл-йўл оқ-қора мармар терилган шарқнинг таъсири билиниб туради. Аркали галереялар ён томонлари Ломбардия архитектураси таъсирида ривожланди. Собор фасади асосии нефни узунлиги 15 метр меъмор Райнальдо томонидан бажарилган 1118 йили ибодатхонани ёруғлик билан таъминлангач, шунга қарамасдан собор меъморлиги ўзининг яхлитлиги билан кишини ҳайратга солади. Бунга уни ҳажмларини соддалиги улуғворлиги фасад текислиги ишловининг бирлиги уларда очиқ ёки ёпиқ аркаларни такрорланиши бир хил рангли композицияси тарз оқ-қора тош билан облицовка

қилинган. Пастки асркалар мармар, мозаика билан ром формасида айлана шаклида Интерьерида оқ-қора мармар қаторларини алмашиниши ўзига хос бир кўриниш кашф этган ҳолда кишига ажойиб таъсирчанлик бахш этади.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Витраж, Пуетедаги Нотр жам ла Грант ибодатхонаси, Бургундиядаги ибо датхона, Вермосдаги собор, Пиза собори

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Меровинглар ва каролинглар даврлари архитектураси қандай бўлган?
2. Ғарбий Оврупо кўшкларининг (замокларнинг) тузилишлари қиёфаларига мос бўлганми?
3. Клюни — 4 монастирининг тузилиши қандай булган?
4. Фрациянинг роман давридаги неча меъморий мактабларини биласиз? Уларнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда?
5. Германиядаги роман иботхоналарининг характерли жиҳатлари нималардан иборат?

## МАВЗУ 19. ГОТИКА ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ.

XII асрдан бошлаб феодализм формацияси ичида янги ижтимоий кучларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши классик урта аср анъаналарини инқирозига сабаб бўлди. Бу янги кучлар шаҳарнинг кенг тараққий этиши билан боғлиқ холда ўз кучини ошириб борди. Шаҳарларда савдогарлар корпорациялари ва ҳунармандчилик цехлари ролининг ортиб бориши ижтимоий тузум харастерига таъсир қила бошлади.

Феодал хукмдорларида озодликка, мустақилликка эришишга интилиш ортиб борди. Бу даврда дин ҳамон хукумронликда, черков эса архитектурага ўз талабини қуйеттан булса ҳам лекин, шаҳардаги ҳунарманд ва савдогарларнинг билимига, ҳаётининг янги қирраларини очишга интилиш орта борди.

Европа шаҳарларида дастлабки фан марказлари университетларининг ташкил топиши эса, бу интилиш равнақига замин ярата борди. Дунёга танқидий муносабатда бўлиш тенденцияси ортди. Халқ онгининг ортиб бориши эса жамият олдида тенглик, биродарлик масалаларининг ижобий хал этилишини талаб қила бошлади.

Ҳаётий мавзудаги асарлар юзага кела бошлади. Бу даврларда тасиврий санъат ва меъморчиликда ҳам жиддий узгаришлар юз берди.

Ғарбий Европа маданиятидан Византия санъати анъанналари узил кесил чиқариб ташланди.

Давр рухини ўзида ифодаловчи реалистик шакл ва мазмунидаги асарлар, функционал томони орта бошлаган меъморчилик бинолари юзага кела бошлади.





Расм 127. 1-Орвьетодаги собор (Италия), 1285 й бошланган Археолог Лоренцио Майтани ва б. 2-Флоренциядаги Палаццо Векио (Италия), 1298-1382 й. Археолог Арнольфо ди Камбио.

Европада феодализм гуллаган XII-XV асрлар меъморчилиги «ГОТИКА» меъморчилиги деб юритилади.

«ГОТИКА» ибораси ҳам шартли олинган, унинг луғавий маъноси италянча сузидан олинган булиб, «Готларники» деган мазмунни билдиради. (Готлар герман қабилаларининг бири). Бу ибора уйғониш даврида киритилган булиб, санъатда гот қабилалари санъатнинг таъсири кучли булганлигини билдиради.

Готика услуби XII асрнинг иккинчи ярмида Францияда пайдо булади ва ривожланади. XIII-XIV асрларда эса ғарбий Европада етакчи меъморлик услубига айланди ва айрим мамлакатларда бу услуб XV асргача давом этди.

Готика услуби XII аср урталаридан бошлаб XIII асрда энг гуллаган даврини бошидан кечирди. Бу усулб турли мамлакатларда узига хос куринишга эга, лекин бу унинг ички тузилиши ва умумий томонини инкор этмайди. Меъморлик готика усулбини белгилашда муҳим уринни эгаллайди. Готика услубида қурилган бинолари роман услубида қурилган биноларга нисбатан улуғвор, катта ва серхашам. Уларда ишлатилган меъморлик шакллари енгил юқорига интилувчан ва сержилва.

Бу давр соборининг функционал мазмуни ҳам узгаради. У шаҳарнинг ижтимоий марказига айланади. Бу ерда тоат-ибодатдан ташқари шаҳар мажлислари утказилар, мунозаралар уюштирилар ҳамда университет лекциялари уқилар эди. Эндиликда собор биносини қуришда фақат диний ғояларнигина эмас, балки ижтимоий ҳаёт руҳи, катта коллектив қудрати ҳам тарғиб этилади. Готика соборларининг илгарига интилувчи шаклида

эса давр кишиларининг озодликка ва ёруғликка интилишлари ўз аксини топди. Бундай таассурот беришда соборнинг миноралари муҳим ўринни эгаллайди. У соборнинг янада баланд, енгил бўлиб кўринишига хизмат қилади. Шу билан бирга, бу миноралarda функционал аҳамиятига эга бўлган, яъний улар шаҳарни кузатиб туриш учун ҳамда ёнгин ўчирувчилар учун ҳам мўлжалланган. Баъзи минораларнинг уч қисми хўроз тасвири билан туталланганлиги ҳам шу мазмунни - зийрак бўлиб туриш лозимлигини билдирган.



Расм 128. Флоренциядаги Лоджия деи Ланци (Италия), 1376-1382 й. Археолог Бенчи ди Чионе ва Симоне Таленти.

Меъморчиликда готика усулубининг яратилиши давр заковати, техника тараққиёти ютуғи асосида юзага келди. Бунинг аҳамияти роман меъморчилигида қўлланилган арка ва эгри равоқларнинг янгича талқин этилиши ва энг муҳими, бинонинг мустаҳкам синчлар (каркаслар) системасининг найзасимон арк, ички устун ва контрофорслар асосида ечилиши эди. Меъмор мустаҳкам синчлар системасидан фойдаланиб, иложи борича девор ва айниқса, равоқлардаги оғирликни камайтиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда равоқлардан тушадиган оғирлик тақсимига эътибор беради. Асосий неф бир қатор тўртбурчакларга ажратиб, уларнинг ҳар бири бирбири билан кесишган найзасимион аркалар билан ёпилди. Бу равоқлардан тушадиган ва ён томонга тортувчи оғирлик кучини камайтиришга хизмат қилади. Нервюрдан фойдаланиш эса равоқ оғирлигини янада камайишини таъминлайди. Нервюрали равоқларни мустаҳкам қилиб ишланган устунларга ўрнатилади.



Расм 129. Готика архитектурасида шаклларнинг конструкция ва пластик ишланмалари.

Бундай конструкцияларда деворлар ўз функциясини йўқотади. Унинг вазифаси синчлар оғирлигидаги бўшлиқни тўлдириш билан чегараланади. Бундай очиқ қисмларни дераза дарчалар билан тўлдириш мумкинлиги ҳам бу услубнинг имкониятларини кўрсатади. Меъморчиликда содир бўлган бу янгиликлар эндиликда баланд ва кенг ҳажмдаги биноларни ҳам қуриш имкониятини яратди. Деворларнинг таянч функциясини бажаришдан кутилиш эса кенг миқёсда дарча, дераза, пештоқ, галерея, айвонлардан фойдаланиб бинонинг ички қисмини нурга тўлдириш имконини беради. Қурилган биноларнинг енгил ва нафис бўлиб кўринишини таъминлайди.

Готика меъморчилигида найзасимон арка муҳим ўринни эгаллайди. Бу шакл эгик дераза, равоқ ва галерея, айвон ва пешайвонларда қайтарилиб, готика меъморлигида ўзига хос қайтарилмас руҳ ва енгиллик киратади. Аркалар торгиб чиқиб кетмоқчидек туюлади. Бу хусусиятни готика меъморлигида кенг ишлатилган вертиакал туғри чизиқлар (контраст) янада оширади.

Мъморлик конструкциясида содир булган бу узгаришлар бинонинг ички ва ташқи томони кўринишида ҳам уз ифодасини топди. Готика интерьерлари кенг, бахаво, еруғ. Трансепт ва асосий неф орасидаги кескин чегараси намойиши ҳам бу хусусиятини янада орттиради. Соборнинг олд томони гавжум, кенг майдонга қаратиб қурилади.

Унинг безатилишига эса алоҳида эътибор берилади. Хайкалтарошлик ҳамда меъморликнинг декоратив элиментлари бино олд томонининг янада сержилва ва нафис булиб кўринишига хизмат қилади.

Готика интерьерлари деворларида яхлит текис юзаларнинг камлиги, монументал деворий рангтасвирларнинг ривожланишига сабаб булди. Унинг ўрнини витраж санъати эгаллади. Готика биноларнинг катта-катта деразаларини витраж композициялари эгаллади.

Бу даврда хайкалтарошлик ҳамон етакчи уринда булиб, инсонийлик, олийжаноблик, ҳамкорлик улуғланиб, ўз ифодасини топа борди

Донаторларга атаб ёдгорликлар ўрнатиш, хайкаллар қўйиш (масалан, Экхегарт ва унинг қайлиғи Ута Германия, XIII аср) одати пайдо булганлиги ҳам санъатнинг тарғиботчилик роли ортиб бораётганлигини курсатади. XII-XV асрларда готтика услубини деярли ҳамма мамлакатлар ўз бошидан кечирди. Лекиҷ бу услуб маҳаллий шароит ва давр талабидан келиб чиқиб, ўзига хос куринишни кашф этди

**ФРАНЦИЯ.** Жумладан готика ватани ҳисобланган францияда бу услубда ишланган асарлар нисбатининг нафислиги билан характерланади. Париждаги биби марям собори (нотр дам, де пари, 1163 йили бошланиб айрим қисмлари 1314 йилда тугалланган) илк готикага мансубдир. Беш нефли, кичик трпнсепли базелика типидаги бу бинонинг олд томонида икки минора мавжуд, у соборнинг баланд ва «фалакка интилаетгандек» булиб куринишига хизмат қилади. Пештоқ, дарча, дераза ва эшиклар тепасига найзасимон аркалар унинг енгил ва динамик куринишини таъминлайди.

Реймсдаги собор (XIII асрда бошланиб, XIV асрда тугалланган) готиканинг энг ривожланган даврига мансуб. Унинг узунлиги 150 м, миноранинг баландлиги 80 м. Бу собор уз вақтида халқ бирлигини таранкум этувчи рамзий белги сифатида қабул қилинган. Бу бинода готика услуби узининг классик куринишгини намоён қилди.

Амьендаги собор готикага хос нисбатлар гўзаллиги, умумий куриниши яхлитлиги бузула бошлайди. Декоратив безакларнинг мулллиги эса бинонинг, конструктив аниқлигига салбий таъсир қилган.

**ГЕРМАНИЯ.** Германия готика услуби французлар таъсирида ривожланди. Лекин немис готикасида яхлитлик етишмайди ва унга хос булган

драматизм, роман меъморлиги анъаналари билан қўшилиб кетади. Бундан ташқари, немис готтикасида бир минорали соборлар ҳам кенг учрайди. Биноларнинг ташқи томони содда, кам безатилган.

Кёльндаги собор (1248-1880) Амьен соборига ухшатиб қурилган.

Германиядаги йирик Хельн собори қурилиши 1248 йили бошланган. Амьен собори намунаси буйича қурилган. Собор 1842-1880 йили қуриб битказилган. Готика даври фақатгина хор, трапсептни пастки қисми, неф, ғарбий фасад минораси тегишли. Кьелн собори - йирик беш нефли базелика. Соборнинг узунлиги 160 метр, нефнинг узунлиги 47 метр, трансепт 80 метрга яқин урта нефни баландлиги 43,5 метр. Тепа қисми баландлиги аркани баландлигидан утади.

Германия архитектурасида етук ва кеч готика узига хос типдаги солиштирганда унча катта булмаган залли черковлар.

Мисол учун унча катттa булмиаган залли ибодатхона учун Марии черкови киради. Састадаги полянадаги 1343 йили бошланган ҳамда 15 асрнинг биринчи ярмида тугалланган унча катта булмаган иншоот 25x41 м неф баландлиги 23 м. учта минора ташқи қисмидан иборат неф ва уч апсида хоридан иборат Ўрта неф планда квадратли 11x11 м. Булинувчи неф тўртта, улар ораси очиқ, шунгинг учун ёруғлик очиқ фазо яхши хал этилган.

Германия меъморлари 14-15 асрларда готикага алоҳида эътибор бериб, қурилиш материаллари ва композицион ечимларни етарлича эркин хал этишган

Бу нарсаларни унча катта бўлмаган черковлар қурилишида кузатишимиз мумкин. Мисол учун Ингольштатдаги уч нефли залли черков Черков залли тизимдаги узига хос талқин этилган ўрта ва ён нефлар баландлиги бир хил эмас. Черков икки маконни ўзига хос хал этилган бурчаклари айлана шаклида шундай қилинганки зал аввал шаклига келтирилган. Бу нарсани ташкил қилиш ён нефларни диогоналларида тугалланади. Минора деворларига бирлашадиган бурчакларида туради. Қурилиш ғиштдан, текисланган тошдан, томи сеткасимон свод билан ёпилган.

Кеч готика ёдгорликлари декоратив элементларини куплиги билан, ойна неровюрали равоқларни орнпментта айланиши Германия учун характерлидир.

Бу борада мисол қилиб Аннаберидаги унча катта булмаган уч нефли залли черковни куришимиз мумкин Ичкарига қаратилган контрофорслар баланд ингичка ойналари, ингичка нервюралар эгилган чизиқлар билан юлдузча шаклидаги орнаментни сводни текис фонида ташкил қилинади. Нервюралар кичкина консолларга таянади, саккиз қиррали устун текис асоси бироз туртиб чиққан

– **ИТАЛИЯ.** Италия меъморчилигида готика услуби XIII асрнинг охирида кириб кела бошлади. Лекин дастлабки пайтларда роман меъморлиги принципларига таъсир қилмади XIV асрда готика услуби принциплари тўлиқ кўрина бошлади.

Умумевропа циклида готика архитектурасини жойи роли Италия меъморчилигида алоҳида ўрин тутади.

Италияда узоқ вакт кеч антик рим типи ингичка девор устунларга таянган ёғоч билан ёпилган базелика Римдаги катта христиан базеликалари таъсири кучли булган. Рим базелика анъаналаридан воз кечиб булмасди.

Италия халқи янги фуқоро, маданиятига интилиш шаҳар коммунасини безатди. Уларни тарихий тажрибаси айниқса Флоренцияда актив ёндошиб, ўз маданиятини яратишга ёрдам берди.

Архитектура антик меросни енгил кенг қўлланилиши билан бошланди. Унда узоқ давом эттан ўзгармас констркутив базелика планировкаси асоси уларни зич шаҳар қурилишида фасад композициясини аҳамиятини оширди. Бу эса фасад деворини декоратив безакни аниқлашга олиб келди.

Италияга готикани келиши тарихий қонуниятга асосланади.

Венецияга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Венеция архитектураси мураккаб Византия, араб мусулмон ва готика анъаналари туташиб, бирлашиб ўзига хос 14-15 аср Венеция рангтасвирли йўналишни аниқлади. Айниқса, Вненецияда кенг қўлланилган ўзига хос орнамент тушунчаси кеч готика архитектурасида кенг қўлланилди. Готика элементлари архитектурада ўзига хос бир кўриниши Венеция пейзажига мослаштирилиб табиат билан уйғунликда жуда нафис кўринишни кашф этади.

Бунга мисол қилиб, юқорида кўрсатилган пейзаж ёмғир (Дожей) саройида ифода этилган. Саройда галлерея стрелкасимон аркалар роман пропорцияларига хос. Иккинчи галлерея чиройли ва сокин текис деворга аста-секин ўтишдан ташкил этади. Унинг облицовкаси пушти ва сариқ мармарда бажарилган.

Бу ерда анча ахамиятли 12-14 аср Италия жамоат саройлари ҳақида гапирилди. Ҳар бир шаҳар ўзининг палаццио-резиденциясини қуришган. Булардан энг ёрқинлари Бергамдаги паллаццо делла Раджан, Перуджидаги паллаццио делл Приори Губиодаги палаццио дель консол ва бошқаларни мисол қилиб олишимиз мумкин.

13-14 аср Италия фуқоро қурилишида катта ахамият касб эттан Италия готикаси характерли тўлиқ акс эттан черков архитектурасидир.

Италиядаги эрта готика ёдгорликларидан энг аҳамиятлиси францисканцлар монастиридир. Сан Франческо черкови 1228 йили бошланган, у тепалик чўққисида жойлашган. Ассики шаҳри монастирнинг кириш қисми портали шаҳарга қараган. У черков орқали баланд очик майдонга чиққан.

Ассикдаги Сан Франческо черкови Италия француз готика намуналарини уйғунлиги характери хақида аниқ гапириш мумкин. Готика формаси соддалаштирилган. Ойналарга талабнинг камлиги. Ассикда девор текислигини сақлаб, унда фрескаларни кенг қўлланди. Буларни ҳаммаси черков кенглигини прпопорцияларoини тинч аниқ кўринишига эга. 13 аср Италия Ассиздаги черков ўзининг формалари жиҳатдан аҳамиятлиси ҳисобланади. Бу айниқса 13 аср иккинчи ярми Флоренция готика қурилишлари билан солиштирганда аниқ кўриш мумкин.



**ИСПАНИЯ.** Испания готикаси мусулмон меъморлиги принциплари-дан бойиган.

Каталониядаги ибодатхоналари генезиси етарлича оддий. Уларни асоси цистерцианлар архитектурасидан келиб чиққан Лонидока, Ғарбий Франция 13-15 асрларда экономика, маданий юксалиш шароитида Каталония ибодатхоналари қурилиши ўзига хос типи ва куринишини эгаллади-ки, сифат жиҳатдан олдингиларидан фарқли ажралиб туради.

Каталония ибодатхоналарии эвалюцияси вазифасини аниқловчи, черковга сиғадиганини яратиш, асосий ёки биргина нефни узунлигини кенгайтиришга олиб келади, план контурини соддалаштириш, таянч майдонини камайтириш. Апсида кенглигини сигинувчилар хонаси билан бирлаштириш, черковни кенглигини аосий бирлигини шаклланишига аста-секин олиб келиш.

Характерли мисол учун уч нефли Каталония черкови Барселониядаги собор 1298 йили бошланган. Уни қурувчиларидан энг машхури Хайм Фарби. Бу собор готика ибодатхоналари классик типидир. Капелла нефи узунчоқ куринишга эга, меҳроб қисми купқиррали капелладан иборат. Ён капеллалари баланд бежирим Устунлар интеръерга кенглик қуриш, атрофни қамраб олишга мулжалланган Кастилия ибодатхоналарига мос.

Готика даври Испания архитектураси мураккаб давр мухри акс эттан.

Испания готикасининг характерли хусусияти шунда эдики, икки архитектурага мактабининг яъний Кастилия диний безатилган рационал, иккинчиси Кастилия фуқоро, маданий қурилишларини мавжудлигидир. Испанияда Европа мамлакатларига нисбатан кенг қулоч ёзган замонларни қурилишини таъкидлаш лозим.

Шарқ архитектураси анъаналари Испанияга сингиб кеттан. Дастлабки сабабларини келиб чиқиши бевосита алоқаларни йўқлиги Кастилия ва Каталония меъморчилигида умумий тузилиши характери йўқ. Уларга кенг тарқалган ёғочли том ёпилиши универсал планировкага эга. Ички ховлининг мавжудлиги жуда нозик дид билан декоратив безакни матеиралларн хусусиятини кўрсатиш уларни ранг фактурасини таъсирчанглигини оширишга ёрдам беради.

Серқуёш Испанияда шуни аниқлаш мумкинки, силлиқ девор текис том, томни қиялиги жуда кам кичик размерли кам жойлашган дераза. Севимли икки Испания давлатида контраст унча катта бўлмаган таққослаш текисликларни жуда кўп безатилиши умуман безатилмагани билан Кастилия архитектурасидаги бир қатор яхл умумийликни аниқлаш мумкин. Каталонияда икки давлатдаги турли меросини роли тараққиёти архитектурани ривожланишига ёрдам беради.

**АНГЛИЯ.** Англия готикаси оғир, конструкцияда хаддан ортиқ деталлар кўпайиб кетганлиги ва архитектура безагининг мўллиги билан характерланади.

Англияга готика 12 асрда Нормандия ва Франция орқали кириб келди. Париждаги Биби Марям собори хори тугатилган, ҳамда Шартр собори қурилиши бошлапнган эди.

13 асрда Англияда халқ хунармандлиги ривожланиши тезлашди, ташқи савдо-сотиқни ривожланиши, бу асосан Лондон, Кентербери, Нотингем ва бошқалар. Англия турар жой қурилишида. Англия учун типик чиройли, пишиқ конструкция катта роль уйнайди.

Англияда 13-14 асрларда турар жой қурилишига катта ахамият берилди. Мамлакат қурилишида қишлоқ турар жой қурилиши асосий уринни тутади.

Фахверли лойсувоқли камбағал дехқон уйларидан хеч нарса сақланмаган. Лекин Англия турар уйларини кейинчалик ривожланиши ўртахол боғ, дала-ховлили уй асос солди. Ёрдамчи хоналар асосий ховли атрофида жойлаштирилган, марказий ховли комплекси ядроси асосини холл ташкил эттан. 14-15 асрларда қурилган бир неча йирик холли уйлар сақланиб қолган. Буларга типик мисол қилиб, Лоуэр Брэкхемптон боғ ховлили уйни курсатишимиз мумкин.

13-14 асрларда, Англияда ижтимоий хаётни ривожланиши, янги типдаги иншоотларни, колледж, гостиница, госпиталь каби бинолар вужудга келди. Бу даврда бутун Европада бўлгани каби, бу ерда хам биринчи йирик ўрта аср маданият марказлари шакллана бошланди. 1249 йили Оксфордда ва Кембриджда 1284 йилларда биринчи колледжга асос солинди ва кейинчалик улар сони ошиб борди. Урта асрлар Англия маданий хаёти, асосан бу колледж, университетларида бирлаштирлган, улар Париж ва Болонья унивнерситетлари билан рақобатлашган.

Колледж узининг ташқи куриниши жиҳатидан монастир қурилишларини эслатади. Холли хона тўғри туртбурчакли ховли атрофида группаланган хоналардан иборат. Худди шу принцип Оксфорд колледжи планировкасида хам уз аксини топган.

Франция соборлари нисбати буйини энига уртача 1:4, Англияда эса 1:6 га тенг. Апсида туғрибурчаклигича қолган, яримайлана венокли капелла кам учрайди. Эрта готика даврида интерьерда горизонтал булинишларга эътибор берилди. Асосий кенглик фазо, хор, неф, трнсепт-бир бутун мустақил тарзда талқин этилади. Ташқи ҳажм композицияси учун ҳам характерлидир. Яруслар бир-биридан ўсиб чиқмайди, аксинча бир-бирини устига тушади. Нисбатан паст неф бинони ташқи куринишини белгилайди, аркбутанлар баландлиги Англия готикасида сезиларли ахамият касб этиб, купинча улар ён томон нефи том тагида яширин ҳолда жойлашади, уларни хеч қачон шарқ томонда қулашмайди. Ён фасад ойналари одатда унча катта эмас. Лекин хор ойнаси купинча шарқ томон девори контрофорслари оралиғидаги жойни эгаллайди. Хайкалтарошлик безакларидан жуда камгарона фойдаланилған.

Англия готикаси асосий уч даврга булинади:

1. Эрта готика ёки ланцсимон (ланцетовидная) 13 аср.
2. Етук ёки безатилган готика (украшенная) 14 аср.
3. Кеч готика ёки перпендикуляр (перпендикулярная) 15 аср.

***Мавзуда учрайдиган таянч иборалар:***

Готика услуби, арка, равоқ. Нервюра. Галерея. Трнасепт. Прижлаги Биби рям собори. Кёльндаги собор.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Готика услубидаги бинолар нималари билан бошқа давр меъморчилигадан кескин ажралиб туради?
2. Франция готика даври меъморлигининг неча даврлари мавжуд? Улар ўзаро қандай фарқланадилар?
3. Францияда қайси соборлар готика даврлари меъморлигини характерлаб беради?
4. Готик дунёвий иншоотлар тўғрисида нима биласиз?
5. Немис готикасининг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
6. Анлияда қандай соборлари готика даврлари меъморлигини акс этдиради?
7. Италиянинг проторенессанс архитектураси қандай сифатлари билан ажралиб туради?

## ХУЛОСА

Ўкув қулланма икки булимдан иборат булиб, биричи қисмида қадимги дунё меъморлиги, жуда куплаб меъморий иншоот турларининг вужудга келиши, турар уйлар, саройлар, ибодатхоналар, пирамидалар, қўрғонлар, буларнинг ҳаммаси қадимги Мисрда вужудга келганлиги айтиб ўтилади. Шаҳар қўрғонлари, акрополь, ибодатхоналар, турар уйлар ва жамоат бинолари қадимги Грецияда вужудга келганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Қадимги дунё меъморлиги йирик иншоот турларини вужудга келтирдики, улар заминида жамоат ҳамда давлат иншоотларининг композиция асослари вужудга келди. Аҳамиятлиси шундаки, уларнинг нафақат техник ёки бадиий жиҳатларигина эмас, балки уларнинг образларини яратишдир. Йирик таъсирчан меъморий иншоотларни қадимги Миср меъморчилиги берди.

Мисрда биринчи маротаба меъморий фазони ташкил этишга асос солинди. Улар улкан ибодатхоналар ансамблларида ўз аксини топган. Уларда биринчи маротаба шундай вазифаларга йўл қўйилдики, монументал меъморий форма ва мураккаб меъморий композициялар вужудга келтирилди.

Қадимги Грецияда ордерлар системаси вужудга келтирилди, архитектоника формаларининг қонуниятлари яратилди. Турли хилдаги бино булаклари миқёсларининг мутаносиблиги, вариантлари, ҳар турдаги қурилиш ва бадиий меъморий формалар ёрдамида ҳар қандай вазифаларни хал қила олиш мумкинлиги имкониятлари очилди.

Антик Грецияда жамоат бинолари ҳамда ибодатхоналарда ордерли калонадалар қулланилиши ҳисобига улар очиқ характерга эга эди. Қадимги Грек шаҳарсозлиги эллинизм даврида катта ютуқларга эришди.

Бошқа халқлар меъморчилик ютуқларига, тажрибасига таянган ҳолда қадимги Рим меъморлиги буюк бадиий ютуқларга эришди. Таъсирчан композицион форумлар, давлат иншоотлари, ажойиб кўприклар, акведуклар, ҳашаматли амфитеатрлар ва термалар ҳамда куплаб ажойиб композициялар шаҳар ташқарисидаги турар уйлар, виллалар вужудга келди.

Рим империяси даври меъморчилигида бутун жаҳонга ҳукмронлик ғояларини композицион образларда ёритишга ҳаракат қилинди. У ерда форумлар ёпиқ административ марказларга, архитектура ордерлари эса фақатгина декоратив аҳамиятга эга эди. Кейинги империя даври архитектура ва санъатида реалистик характерини йуқотади.

Антик Рим ажойиб қизиқ инженерлик санъати ютуқларини берди. Катта пролетли объектларни (крест, арка, купол) ҳамда меъморий жамоат иншоотлари вужудга келди.

Қулланманинг иккини бўлимида урта асрлар меъморлиғига характеристика берилади. Меъморчилик обидалари, уларнинг турлари таҳлия қилинади. Шарқ мамлакатларида ўрта асрчилик қайси даврлардан бошланганлиги меъморчиликдаги ўзгаришлар, қурилиш материаллари, конструкциялар ҳақида гап юритилади. Жумладан Араб мамлакатлари. Эрон,

Афғонистон, Туркия, Хиндистон, Озарбайжон халқлари меъморчилиги ютуқлари ҳақида маълумотлар берилади.

Ғарб мамлакатлари меъморлиги, уларнинг таҳлили Готика, Роман даври ғарб мамлакатларига, хусусан Германия, Франция, Англия, Италия каби мамлакатлар меъморчилигига таъсири, уларнинг конструкциялари қурилиш материаллари, янги иншоотлари ҳақида гап юритилади.

Ушбу маълумотларнинг барчаси санъат архитектура, дизайн соҳасида ўқиётган талабаларга керакли ўқув қўлланмаси булишига ишончимиз комил. Ушбу қўлланма камчиликлардан ҳоли эмас, қўлланма билан танишиб ўз фикр-мулоҳазаларингизни йўллашингизни сўраймиз.

# ҚИСҚАЧА МЕЪМОРИЙ ЛУҒАТ

1. **Абидос** - Юқори Мисрдаги муқаддас шаҳар
2. **Абиссин** - Эфиопиянинг қадимги номи
3. **Акрополь** - Сунъий ташкил қилинган тепалик
4. **Амон** - Мисрликла худоси, унга атаб Карнакда ибодатхона қурилган.
5. **Барельеф** - Паст саёз рельеф. Хайкал шаклидаги тасвирнинг текис юзадаги куринишларидан бири
6. **Византия** - Эрамизнинг IV асирда Рим давлатининг парчаланиши натижасида вужудга келган Шарқий Рим империяси
7. **Галерея** - Узунлиги энидан катта булган усти ёпиқ хона
8. **Гиксослар** - Қадимги Мисир давридаги осиёлик қабилалар
9. **Гиппостилзал** - Куп устунли хона
10. **Гирех** - Геометрик нақшлар номи, такрорланувчи қисми тақсим деб аталади.
11. **Готика** - XII-XV асирлар меъморчилиги, Готика меъморчилиги деб юритилади. Готика ибораси ҳам шартли олинган булиб, Готларники деган мазмунни билдиради (Готлар Герман қабилаларининг бири).
12. **Гумбаз** - Хона устини беркитувчи қубба том
13. **Дандана** - Ғиштдан тиш каби қатор терилган кошин.
14. **Дольмен** - Тик урнатилган икки ёки тўртта тош устун, усти яхлит тош билан беркитилган
15. **Неф** - Ибодатхона ичини устунлар қатори билан хоналарга ажратиш
16. **Нефертити** - Фиръавн Аменофис IV Ахенатоннинг рафиқаси
17. **Каннелюрлар** - Устунда тик чизиқ буйлаб уйилган арикчалар
18. **Капител** - Устунинг юқори қисми безагимуқарнас
19. **Карвон сарой** - Тим ва бозорлар билан боглик объект.
20. **Кромлех** - Айлана бўйлаб тик урнатилган тошдан қурилган қурилма
21. **Мўмиёлаш** - Ўлган киши танасини чиришдан сақлаш мақсадила махсус тайёрланган қоришмага буктириш
22. **Мадраса** - илм-маърифатга ургатувчи олийгох
23. **Макбара** - Қабр, устига қурилган меъмориал бино мавзолей
24. **Мастаба** - Қабр устига ишланган трапеция шаклидаги сағана
25. **Мегалитик** - Грекча «мег» - катта, «лит» - тош сузидан олинган
26. **Менгер** - Тик урнатилган катта тош
27. **Мехроб** - Масжид ичидаги равоқли сажлагох.
28. **Монстир** - Рохиб ва рохибалар истиқоматгохи.
29. **Мукаррнас** - Равоқли косачалардан ташкил топган мураккаб ҳажмдаги безак тури, карниз шаклидаги мукарнасга шарафа дейилади
30. **Нубия** - Суданнинг қадимги номи

31. **Папирус** - Нил қирғоғидаги ботқоқликда усадиган қиёқли ўсимлик
32. **Пештоқ** - Бинорларнинг кириш қисмидаги усти баланд кўтарилган равоқли қисми.
33. **Пилон** - Қадимги Мисирликлар ибодатхонасига кироверишдаги улкан дарвоза. Пештоқ
34. **Пилястр** - Деворнинг капител базали устунга ухшаш текис тўғри туртбурчак шаклидаги бўртган жойи
35. **Пирамида** - Эхром. Қадимги подшолик даврида шох қабри
36. **Роман услуби** - X-XII асирларни ўз ичига олган тараққиёт босқичи — роман архитектураси дейилади. «Роман» ибораси шартли бўлиб, лотинча «римники» деган суздан олинган
37. **Саркофаг** - Тош, металл ёки ёғочдан безаклар билан ишланган улуғвор тобут
38. **Сулола** - Бир оилага мансуб бўлган таниқли кишилар мунтазамлилиги
39. **Сфинкс** - Танаси шер, боши одам қиёфасидаги ажиб махлуқ
40 **Тим** - Усти берк бозор биноси.
41. **Хонақох** - Масжиднинг мехробли хонаси.
42. **Эллинизм** - Эрамиздан аввалги IV-I асирларда Ўрта ер денгизи хавзасида юнон-македон давлатининг ҳукумронлик даври

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:


1. Всеобшая история архитектуры (ВИА) I том. Архитектура древнего мира под. ред. О. Х. Халпахчяна. М. 1970г.
2. ВИА. IIтом, книга 1 Архитектура древней Греции. под. ред. В. Д. Блаватского М. 1949г.
3. ВИА, II том, книга II Архитектура древнего Рима. под. ред. Д. Е Аркина, М, 1949г.
4. ВИА, под. ред. Б. П. Михайлова, том 1 раздели 1-2 (Архитектура ервобытно-общинного строя, Архитектура рабовладельческого троя) М, 1958 г.
5. Фиръавнлар мамлакати. Х. А. Салахутдинов. 1992 й.
6. Санъат тарихи. Н. Абдуллаев. 1988 й.
7. ВИА, 12 томах. IV том.
8. ВИА, 12 томах. VIII том.
9. Брунов Н. И. Очерки по истории архитектуры. Раздел Византийская архитектура. 1935 г.
10. Гуляницкий Н. Ф. История архитекутры. М. 1984г.
11. Пильявский В.И, Тиц А.А., Ушаков Ю.С. Рус архитектураси тарихи. М. 1984 й.
12. Борисова Е.А. Рус архитектураси XIX асрнинг иккинчи ярми. М. 1979 й.
13. Михайлов Б.П. Архитектура тарихи. Фуқаро ва саноат бинолари архитектураси. М. 1967 й.
14. Бунин А.В., Саваренская Т.Ф. Шаҳарсозлик тарихи санъати. I-II том. М. 1979 й.
15. Шуази О. Архитектура тарихи. I-II том. М. 1937 й.
16. Всеобщая история архитектуры. Краткий курс (в двух томах) под общей редакцией Б.П.Михайлова Том I. Госстройиздат, 1963.
17. Михайлов Б.П. Архитектура. Большая Советская Энциклопедия Том III. Изд во БСЭ, 1950.
18. Арутюнян В. и Сафарян С. Архитектурные памятники Армении. Госстройиздат, 1952.
19. Беридзе В.В. Архитектура Грузии XIV-XIX вв. Стройиздат, 1948.
20. Дадашев С.А. и Усейинов М.А. Архитектура Азербайджана (III-XIX вв.) Стройиздат, 1948.

777 Абдусамат 452-21-96.

# МУНДАРИЖА


**Кириш** ...5

**Биринчи бўлим. Қадимги дунё архитектураси** ...8

**Мавзу 1**. Ибтидоий жамоа тузуми архитектураси. ...8

**Мавзу 2**. Қадимги миср архитектураси ...12

Қадимги подшолик даври. ...15

Ўрта подшолик даври. ...23

Янги подшолик даври архитектураси. ...25

Сўнгги подшолик даври меъморчилиги. ...28

Миср эллинизми ...35

**Мавзу 3**. Осиё қитъасидаги шарқ давлатлари архитектураси.

Икки дарё оралиғи ва месопотамия архитектураси. ...39

**Мавзу 4**. Мидия ва эрон ахмонийлари даври архитектураси ...43

Ахмонийлар даври меъморлиги ...44

Эрон меъморлиги ...44

**Мавзу 5**. Эгей дунё ва қадимги юнон меъморчилиги. ...46

**Мавзу 6**. Қадимги греция архитектураси. ...48

Гомер даври меъморчилиги. ...49

Архаика даври меъморчилиги. ...49

Классика даври архитектураси. ...52

**Мавзу 7**. Қадимги рим архитектураси. ...58

Рим империя архитектураси ...62

**Иккинчи бўлим** ...70

**Мавзу 8**. Ўрта асрлар архитектураси. ...70

**Мавзу 9**. Византия архитектураси. ...72

**Мавзу 10**. Кавказорти халқлари архитектураси. (арманистон, гуржистон) ...76

**Мавзу 11**. Шарқий сахолиблар словянлар, қадимги рус архитектураси. 82

**Мавзу 12**. Озарбайжон архитектураси. ...88

**Мавзу 13**. Туркия архитектураси. ...91

**Мавзу 14**. Хиндистон архитектураси. ...98

**Мавзу 15**. Араб мамлакатлари архитектураси. ...103

**Мавзу 16**. Эрон архитектураси. ...110

**Мавзу 17**. Афғонистон архитектураси. ...112

**Мавзу 18**. Роман даври архитектураси. ...116

**Мавзу 19**. Готика даври архитектураси. ...122

**Хулоса** . ...132

**Қисқача меъморий луғат** ...134

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** ...136

№ 1355 буюртма. Ротопринт усулида босилди. Формати 60×84¹/₁₆. Жами 50 нусха. 8.5 б. л Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.